N 43 (120) • 2007 йил 26 октябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ИНВЕСТИЦИЯ УСТУВОРЛИКЛАРИ

**Президентнинг 2007 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» ПҚ-704-сон қарори** билан *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ва Ислом тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ҳисобидан 2008 йилда қуриладиган умумтаълим мактабларининг аниқ манзилли рўйхати тасдиқланди. Шунингдек 2008 йил учун инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастурлари ва корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли қурилишлари рўйхати тасдиқланди.

### МАШИНАДА ТЕЛЕМОНИТОР КЎРИШ МУМКИН ЭМАС...

**«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 16 октябрда 216-сон билан «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Унга мувофиқ 2008 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситасини бошқариш пайтида ўзбошимчалик билан ёхуд ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомониторлардан фойдаланиш тақиқланади. Йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ эса мазкур қарор кучга кириши билан транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан приборлар панелига, қуёш соябонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига теле-, видеомониторлар ўрнатиш тақиқланади.

### ЯНГИЧА ПАРВОЗ

Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг стандартлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари» (ЎзР АҚ-91) тасдиқланди. Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 сентябрда 1723-сон билан рўйхатдан ўтказилди.**

Мазкур қоидалар кучга кирган вақтдан бошлаб Дававианазорат бошлиғининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз қилиш қоидалари»ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи ўз кучини йўқотади.

**Ҳужжат 2007 йил 9 октябрдан кучга кирди.**

### ПУЛ МУОМАЛАСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди *(Марказий банк бошқарувининг қарори, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 октябрда 1518-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Ўзгартишларга мувофиқ Марказий банкнинг бош ҳудудий бошқармалари нафақат банкларнинг пул айланмаси бўйича ишини таҳлил этади, балки уларнинг фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга доир бажариш шарт бўлган кўрсатмаларни ҳам йўналтиради.

Янги таҳрирда баён этилган меъёрга мувофиқ юридик шахслар корпоратив банк карталарини ишлатган ҳолда товар учун ҳисоб-китоблар эса нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тенглаштирилади.

**Қарор 2007 йил 19 октябран кучга кирди.**

### БОҚИМОНДАДАН ПЕНЯ

**Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан рўйхатдан ўтказилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Мазкур Низом тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи нотижорат ташкилотларга тааллуқлидир. Солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича пеня ҳисоблаш учун солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағи – ҳисобланган ва тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек пеня ва молиявий жарималар ҳисоби юритиладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат очилади. Солиқ тўловчи шахсий ҳисобварақларининг шакли ва уларни юритиш тартиби республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида акс эттирилган боқимонда суммасидан тўлов муддати тугаган куннинг эртасидан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида ҳисобланади.

Қарз суммасининг солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган сумма миқдорига тенг қисмига пеня ҳисобланмайди. Ортиқча тўланган сумма мавжудлиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланиши лозим. Жами ортиқча тўланган сумма жами боқимонда суммаларидан ошиб кетганда ҳам пеня ҳисобланмайди.

**Қарор 2007 йил 19 октябрдан кучга кирди.**

### АКТУАРИЙГА ДОИР НИЗОМ

**Молия вазирининг буйруғи билан Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** 3-бетда

### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2007 йил 27 сентябрдаги 895-аф-сонли** буйруғига асосан қуйидаги аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилиши 2007 йилнинг 27 сентябридан тугатилди.
   – ЁАЖ шаклидаги «MUXOSIB-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 12 августда берилган 00466-сонли лицензия.
   – «BUNYOD-AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2004 йил 17 февралда берилган 00570-сонли лицензия.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2007 йил 25 сентябрдаги 894-аф-сонли** буйруғига асосан МЧЖ «BERUNIY AUDIT» аудиторлик фирмасига 2002 йил 12 мартда берилган 00395-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 25 сентябридан тугатилди.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2007 йил 3 октябрдаги 896-аф-сонли** буйруғига асосан МЧЖ «YORDAM-AUDTRANZIT» аудиторлик фирмасига 2001 йил 28 февралда берилган 00008-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 3 октябридан тугатилди.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2007 йил 27 августдаги 24-МС-сонли** буйруғига асосан Рустам Гуломовга 2004 йил 2 мартда берилган 03726-сонли аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддати 2007 йилнинг 27 августидан тугатилди.
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2007 йил 10 октябрдаги 898-аф-сонли** буйруғига асосан МЧЖ «GRAND-AUDIT» аудиторлик фирмасига 2002 йил 3 октябрда берилган 00479-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 8 октябридан тугатилди.

***С.БЕКЕНОВ,***
***молия вазири ўринбосари.***

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1145,48 | 1 Малайзия ринггити | 379,32 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2609,03 | 1 Польша злотийси | 490,30 |
| 1 Дания кронаси | 244,11 | 1 СДР | 1990,09 |
| 1 БАА дирҳами | 348,42 | 1 Туркия лираси | 1061,25 |
| 1 АҚШ доллари | 1279,44 | 1 Швейцария франки | 1085,84 |
| 1 Миср фунти | 231,34 | 1 ЕВРО | 1818,72 |
| 1 Исландия кронаси | 21,27 | 10 Жанубий Корея вони | 13,95 |
| 1 Канада доллари | 1312,11 | 10 Япония иенаси | 109,75 |
| 1 Хитой юани | 170,28 | 1 Россия рубли | 51,36 |
| | | 1 Украина гривнаси | 253,35 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 24.10.2007 | 1 | 0,8498 | 1 | 1,2116 | 1 | 0,0342 |
| Арманистон | 24.10.2007 | 1 | 326,37 | 1 | 465,21 | 1 | 13,10 |
| Беларусь | 25.10.2007 | 1 | 2150,00 | 1 | 3058,27 | 1 | 86,38 |
| Грузия | 25.10.2007 | 1 | 1,6305 | 1 | 2,3184 | 1 | 0,0655 |
| Қозоғистон | 25.10.2007 | 1 | 120,77 | 1 | 171,77 | 1 | 4,85 |
| Латвия | 25.10.2007 | 1 | 0,493 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0198 |
| Литва | 25.10.2007 | 1 | 2,4281 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,756 |
| Молдова | 24.10.2007 | 1 | 11,4925 | 1 | 16,3359 | 1 | 0,4613 |
| Тожикистон | 25.10.2007 | 1 | 3,4459 | 1 | 4,9118 | 10 | 1,3844 |
| Ўзбекистон | 23.10.2007 | 1 | 1279,44 | 1 | 1818,72 | 1 | 51,36 |
| Украина | 24.10.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 719,827 | 10 | 2,0263 |
| Эстония | 24.10.2007 | 1 | 11,0009 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,441923 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

### АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2007 йил 23 октябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1285,00 | 1290,00 | 1819,00 | 1839,00 |
| "Асака" банки | 1285,00 | 1288,00 | 1820,00 | 1825,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1286,00 | 1289,00 | 1820,00 | 1830,00 |
| "Пахтабанк" | 1285,00 | 1288,00 | 1823,00 | 1826,00 |
| "Халқ банк"и | 1286,00 | 1290,00 | 1819,00 | 1825,00 |
| "Ипотека-банк" | 1285,00 | 1288,00 | 1820,00 | 1825,00 |
| АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж. | 1282,00 | 1283,00 | 1822,00 | 1824,00 |
| "UzKDBбанк" | 1282,00 | 1292,00 | 1818,00 | 1845,00 |
| "Ғаллабанк" | 1285,00 | 1288,00 | 1819,00 | 1828,00 |
| "Трастбанк" | 1285,00 | 1288,00 | 1820,00 | 1830,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1286,00 | 1290,00 | 1828,00 | 1834,00 |
| "Алоқабанк" | 1286,00 | 1289,00 | 1820,00 | 1847,00 |
| "Ў-Т банк" | 1285,00 | 1290,00 | 1820,00 | 1840,00 |
| "Туронбанк" | 1286,00 | 1289,00 | 1820,00 | 1826,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1286,00 | 1292,00 | 1820,00 | 1850,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1286,00 | 1289,00 | 1828,05 | 1832,31 |
| "Микрокредитбанк" | 1285,00 | 1292,00 | 1827,00 | 1837,00 |
| "Туркистон" банк | 1285,00 | 1290,00 | 1900,00 | 1921,00 |
| "Даврбанк" | 1284,00 | 1290,00 | 1819,00 | 1820,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1286,00 | 1290,00 | 1819,00 | 1845,00 |
| "Капитал банк" | 1285,00 | 1288,00 | 1818,80 | 1846,00 |
| "Содерат банк" | 1282,00 | 1292,00 | 1819,00 | 1869,00 |
| "Ҳамкор банк" | 1285,00 | 1287,00 | 1790,00 | 1840,00 |
| "Универсалбанк" | 1282,00 | 1292,00 | 1826,00 | 1836,00 |
| "Парвинабанк" | 1282,00 | 1285,00 | 1820,00 | 1823,00 |
| "Равнақбанк" | 1285,00 | 1291,00 | 1819,00 | 1839,00 |

*«Банк ахборотномаси», N 43 (598) 2007 йил 24 октябрь.*

## ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:



**ЙИЛНИНГ УЧИНЧИ ЧОРАГИ УЧУН ҲИСОБОТ ДАВРИДА СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ БИЛАН СОЛИШТИРУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ ТУЗИШИНГИЗГА ТЎҒРИ КЕЛГАН БЎЛСА ЭҲТИМОЛ. СОЛИШТИРУВЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ СИЗНИ ҚАНОАТЛАНТИРАДИМИ? СИЗНИНГЧА, БУ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЁКИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУМКИНМИ?**

● **Улгуржи савдо соҳасидаги юрист Дилёра:**

– Бизда шу пайтгача солиқ инспекцияси билан хусусан ҳисоботларни солиштириб кўриш борасида муаммо бўлмаган. Ҳисоботларни ҳамиша вақтида топширганлигимиз бунга сабаб бўлса эҳтимол.

● **Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхона бош бухгалтери Н. хоним:**

– Фирмамизда ҳисобот топширишда ҳаммаси умуман олганда рисоладагидек, яхши ўтади. Пенсия ажратмалари бўйича йилнинг ҳар чораги бўйича ҳисобот топшираётганимизда кўпинча бир хил маълумотларни ёзиб такрорлашга тўғри келади. Бу одамга малол келади баъзан. Шу сабабли ҳисоботларнинг ана шу шаклини бирмунча соддалаштириш кеpакмикин деб ўйлаб қоласан киши...

● **Божхона хизматлари соҳаси бош бухгалтери Светлана:**

– Ҳисоботлар топшириш билан боғлиқ қийинчиликлар бизда сира учрамаган. Айтмоқчи, барча ҳисоботларни белгиланган муддатларда топширамиз. Фақат бир нарса одамнинг дилини баъзан хира қилади. Юридик шахслар учун солиқлар ҳисоб-китоби шакли бизни тўла қаноатлантиради, аммо жисмоний шахсларга тааллуқли шундай ҳисоб-китоб шаклидан кўнгил тўлмайди. Бундай қараганда дивидендлар тўлови бўйича солиқ ставкаси катта эмас, аммо банклар ўзларининг комиссион (воситачилик) фоизларини баралла қўяверишади. Оқибатда ҳар қандай ташкилот учун бу фойдали бўлмай қолади. Бошқа фирмалардаги танишларим ҳам шундан нолишади. Бу масала қонунчилик йўли билан қайта кўриб чиқилса кўп яхши иш бўларди.



● **Консалтинг хизматлари соҳаси бош бухгалтери Сергей:**

– Яқин-яқинларгача бош бухгалтер сифатида ДСИга ҳисоботлар топширганимда ва уларни солиштиришда қийинчилик бўлмасди. Аммо ҳозир мендан барча ҳужжатларни қабул қилиб олаётган ходим бухгалтерияда кўпдан буён ишламаганлиги аён бўлиб қолди. У ишнинг моҳиятига тўла тушуниб етгунча муайян муаммолар келиб чиқиши мумкин. Негаки, бутунлай бошқа соҳада ишлаган одам бизнинг мутахассислигимиз билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаганлиги сабабли дастлабки кезларда қийналиши турган гап. Қолаверса, ҳисоб-китобга оид ҳамма нарсани миридан-сиригача билиши, шунингдек солиқ хизмата тааллуқли энг сўнгги қонун ҳужжатларидан ташқари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва бошқа кўпгина ҳужжатларни ҳам чуқур билиши талаб этиладиган бош бухгалтер лавозимида ишлашнинг ўзи бўлмайди, ахир!

● **Қурилиш материалларини реализация қилиш соҳаси бош бухгалтери Наталья:**

– Солиқ инспекторлари бирйўла ҳисоботларимизни текшириб кўриб, тўлдирилган ҳужжатларда хатолик ёки бошқа камчилик бўлса, бартараф этиш учун нималар қилиш керак эканлигини айтишларини жуда яхши иш деб ҳисоблайман. Илгарилари уларга ҳисоботларни топширгач, қайтиб кетаверар эдик. Энди бўлса, маълумотларни ўзларидаги ҳужжатларга киритиб олмагунларича бизга жавоб беришмайди. Бунинг яхшилиги шуки, идорангга қайтиб улар айтган камчиликни тузатиш ёки нималарнидир тўлдиришга ҳожат қолмайди, ҳаммаси ўша ерда битади.

● **Улгуржи савдо фирмаси директори Александра Ивановна:**

– Ўн олти йилдирки, касбим тақозоси билан Миробод туман солиқ инспекцияси билан доимий мулоқотдаман. Бу ерда ўз ишини яхши биладиган, серғайрат одамлар ишлашади. Ҳисоботларни топширишда ҳам, уларни солиштириб кўришда ҳам шу пайтгача муаммога дуч келмадим. Гапнинг рости, солиқ инспекциямиз ходимларидан жуда-жуда миннатдорман. Ўз мижозларига бўлган эътибор, хайриҳоҳ муносабатлари учун улар шаънига ҳар қанча яхши гап айтсак оз. Инспекция ходимларидан биронтасига иш вақтидан ташқари ишлашга тўғри келиб қолса, бу ҳақда ҳамиша хабар қилишади. Зарурат бўлса, улар сиз билан бир неча соат биргалашиб ўтиришга тайёр. Бу айниқса ҳисоб-китобларга оид ҳужжатларга тааллуқлидир. Кимдир ортиқча тўлов тўлаган бўлса, шуни аниқлаш таомилининг ўзи анча вақт олади. Тўғри, бундай ҳоллар ҳисобот топширишнинг авжи қизғин палласида эмас, кейинроқ бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бизники сингари фирмаларнинг директорлари ёки уларнинг бош бухгалтерларидан 1667-сон Низомга доир фикрларини бир суриштириб кўришингизни илтимос қилган бўлардим. Назаримда, бу Низом илгари амал қилиб келган солиқ солишишни соддалаштирилган тизимини ортиқча мураккаблаштириб юборгандек. Чунки фирма ва компанияларнинг директорлари ўз корхоналари учун фаолиятнинг асосий тури ишлаб чиқариш бўладими ёки савдоми, буни фақат ўтган йил натижалари бўйичагина била оладилар. Солиқ билан боғлиқ тегишли оқибатлар ҳам, табиийки, шунга яраша бўлади. Тўғри, кимдир фақат улгуржи савдо билан шуғулланган бўлса ёки фақат ишлаб чиқариш билан машғул бўлган бўлса, бу нарса уларни қизиқтирмаслиги мумкин. Аммо биз каби унисини билан ҳам, бунисини билан ҳам шуғулланганларни бу масала лоқайд қолдира олмайди. Менимча, бу борада бир-биридан кескин фарқ қиладиган фикр-мулоҳазалар эшитсак керак. Олдиндан ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

*Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.*

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

**КОМПЬЮТЕР БУХГАЛТЕРЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚАНДАЙ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ? БУХГАЛТЕРИЯНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ, СИЗНИНГЧА, НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?**

Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки **normapress@mail.ru** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликлари учун сўровимиз иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар.

**Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.**

*Бизнинг маслаҳатлар*

## НАФАҚАНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРАМИЗ

*Ишлаб чиқариш-қурилиш корхонамиз умумбелгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади.*

***Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 52-бандига кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади, бунда суғурта бадаллари тўланиши шарт. Юқорида кўрсатилган қоида 1/12 га фақат мукофотлар киришини англатадими?***

**Корхона бухгалтери.**

– Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини ҳисоблаб чиқараётганда ҳисобга олинаётган ойнинг иш ҳақига суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзиладиган **барча турдаги тўловларнинг** 1/12 қисми қўшилади. Буларга қуйидагилар киради: мукофотлар, таътил пуллари, касбларни ўриндошлик билан олиб борганлиги, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ишлаганлик, турли малакага доир ишларни бажарганлик учун қўшимча тўловлар.

## ЗАРАР ҲИСОБГА КИРМАЙДИ

***Ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланган корхонамиз (ХХТУТ 19400-«Матбаа саноати») тиклаш самарасизлиги сабабли принтерни фойдаланишдан ҳисобдан чиқарди. Тегишли проводкалар ўтказилганидан кейин 60 минг сўм миқдорида молиявий натижа (асосий воситанинг чиқиб кетишидан зарар) олдик.***

***Китобларда ушбу зарарни қайтар ҳисоб билан даромадга олиш ва даромад солиғига тортиш лозим деб ўқиган эдим.***

***Биз ягона солиқ тўловининг тўловчиси сифатида даромад солиғини тўлашимиз керакми ва, агар керак бўлса, бунда қандай проводкалар зарур бўлади?***

**Диана, бош бухгалтер.**

– Солиқ солинадиган базага қайтадан киритиш тартиби фақат **даромад (фойда) солиғи тўловчиларига** татбиқ этилади.

**Ягона солиқ тўловига тортиш объекти бўлиб** корхонанинг **ялпи тушуми** ҳисобланади, унинг таркибига, товарлар сотилишидан олинган тушумдан ташқари, асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромадлар ҳам киритилади. Бироқ сизнинг ҳолатингизда ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаш чоғида **ҳисобга олинмайдиган**, принтерни **ҳисобдан чиқаришдан зарар** олинган. Тегишинча, сизда солиқ оқибатлари юзага келмайди (*МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом*).

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

## ВАКОЛАТЛАР – ШАРТНОМАГА БИНОАН

***Корхонамиз фирма билан беш тонна қоғозни харид қилишга шартнома тузди ва миқдорни кўрсатган ҳолда уни олишга ишончнома ёзди. Имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фирма ўз омборидан қоғозни қисмларга бўлиб беради ва белгиланганидек берилаётган миқдорга алоҳида ҳисобварақ-фактура ёзади.***

***Битта ишончнома бўйича барча товарни олиш мумкинми?***

– Молия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланишича, **ишончнома** маҳсулот етказиб берувчига товар-моддий бойликларнинг **биринчи берилишида тақдим этилади. Битта ишончнома бўйича** олди-сотди шартномасида назарда тутилган **товар-моддий бойликларнинг бутун туркуми олиниши** (берилиши) **мумкин.** Ишончли шахс талаб қилинаётган товар-моддий бойликларни бир жойдан (бир омбордан), бироқ бир неча шартномалар ва бошқа битимлар бўйича олиши керак бўлган ҳолларда унга битта ишончнома берилиши мумкин, бундай ишончномада барча шартномаларнинг рақамлари ва саналари кўрсатилади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати шартнома ва бошқа битимлар бўйича бойликларни олиш ва олиб чиқиш имкониятига боғлиқ ҳолда белгиланади, бироқ у қонун билан белгиланган муддатдан ошмаслиги керак. Фуқаролик кодексининг 139-моддасига кўра ишончнома уч йилдан ортиқ муддатга берилиши мумкин эмас.

Тушунтириш электрон эксперт тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

***(АВ томонидан 2007 йил 10 октябрда 1725-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Актуарий малака сертификати – жисмоний шахсга, агар у актуар ташкилот штатида бўлса ёки у билан актуар ташкилот ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, актуар хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат бўлиб, у даъвогар томонидан малака имтиҳони муваффақиятли топширилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилади. Сертификатни олиш учун даъвогар мазкур Низомда кўрсатилган олий маълумот йўналишлари ва ихтисосликларидан бири бўйича Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиш ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациядан ўтган тақдирда) олинган физика-математика ёки иқтисодиёт фанлари доктори (номзоди) илмий даражасига эга бўлиши, шунингдек сўнгги ўн йил ичида камида 5 йил суғурта, математика, статистика, информатизация соҳаларида иш амалиёти (шу жумладан ўриндошлик асосида) ёки шу соҳаларда дарс бериш стажига эга бўлиши лозим.

Актуарий малака сертификати мазкур Низомда белгиланган шаклга мувофиқ сертификатнинг махсус бланкида расмийлаштирилади ва республиканинг бутун ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

Мазкур сертификат 5 йил муддатга берилади ҳамда уни бериш учун даъвогар томонидан тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим тўланади.

Шунингдек Низом билан сертификатни олиш учун малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш ва малака имтиҳонини ўтказиш, уни бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиблари ва бошқа қоидалар тасдиқланган.

**2007 йил 20 октябрдан кучга кирди.**

### МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАНДА

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи билан Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидалари тасдиқланди. Буйруқ Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 10 октябрда 1726-сон билан рўйхатдан ўтказилган** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Қоидалар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган, бу ерда ишлаб чиқарилаётган ва фойдаланилаётган тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳоловчи ва бу ҳақда хулоса берувчи юридик шахсларнинг метрология хизматларига тааллуқлидир.

Аккредитациядан ўтказиш учун умумий мезонлар сирасига тиббий ускуналар ва аппаратуралар ишлаб чиқарувчилари, етказиб берувчилари ва истеъмолчиларидан мустақиллиги, аризачининг юридик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, ўрнатилган тартибда аттестация қилинган мутахассисларнинг мавжудлиги, баҳоланаётган объектларга норматив ҳужжатлар ва аккредитация қилинган лабораториялар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги келишувларнинг мавжудлиги киради.

Метрология хизматларини аккредитациядан ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ариза бериш, аккредитация объектини баҳолашга тайёрлаш ва объектни жойида баҳолаш, экспертизалаш материалларини таҳлил қилиш ва уларни Кенгашда баҳолаш, сўнгги босқич – гувоҳномани расмийлаштириш, қайд этиш ва тақдим этиш. Аккредитациядан ўтказишнинг ҳар бир кейинги босқичи олдинги босқичнинг ижобий натижалари бўйича амалга оширилади. Аккредитациядан ўтказиш бўйича тўловлар аризачи томонидан ҳар бир босқич учун алоҳида амалга оширилади.

Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома муддатсиз берилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими реестрида қайд этилади. Аккредитация қилинган орган аризаси, шунингдек Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларида белгиланган ҳолларда бекор қилинади ва (ёки) тўхтатиб турилади.

Аккредитациядан ўтказиш натижаларидан норози бўлган манфаатдор томон «Ўзстандарт» агентлигининг апелляция кенгаши ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**Буйруқ 2007 йил 20 октябрдан кучга кирди.**

### УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Президентнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ **Марказий банк бошқарувининг қарори билан Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 октябрда 1727-сон билан рўйхатдан ўтказилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Низомга асосан банклар томонидан кредитлар пудрат қурилиш ташкилотларига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва улардан мақсадли фойдаланиш шартларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган якка тартибдаги ва намунавий лойиҳалар бўйича, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда («калити билан») қуриш ёки реконструкция қилиш шарти билан берилади. Бунда пудрат қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи сифатида фаолият кўрсатади.

Кредит олиш учун пудрат қурилиш ташкилоти қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уй қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз айланма маблағларига ҳамда қурилиш соҳасида кўп йиллик тажрибага, етарли моддий-техника базаси ва тажрибали мутахассисларга эга бўлиши лозим. Кредит миқдори тайёр ҳолда қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уйнинг қийматидан қурилиш ташкилотининг ўз айланма маблағлари ва бизнес-режасида олиниши режалаштирилган фойда миқдори чегирилган ҳолда, аммо қурилиш объектининг 70 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Агар қурилиш ташкилоти қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 20 фоизи миқдоридаги ўз айланма маблағига эга бўлмаса, банк кредит қўмитаси унинг ижобий кредит тарихини ҳисобга олиб, ўз қарори билан қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг шу миқдордаги қисмига ҳам кредит ажратиши мумкин. Бунда кредитнинг умумий суммаси қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартирали уй қийматининг 90 фоизигача миқдорини ташкил этиши мумкин.

Кредитдан фойдаланиш муддати қурилиш ёки реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш муддатларидан келиб чиққан ҳолда, аммо 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Бунда 12 ойдан ошмаган муддатга имтиёзли давр берилиши мумкин.

**2007 йил 22 октябрдан кучга кирди.**

### МИКРОКРЕДИТ УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ

**Марказий банк бошқарувининг қарори билан Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома тасдиқланди. Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 октябрда 1728-сон билан рўйхатдан ўтказилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Йўриқномада микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари, молиявий операцияларнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш қоидалари, бухгалтерия аппаратининг тузилиши, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия ҳисоботини тузиш тартиби белгиланган. Унинг қоидалари банклар, кредит уюшмалари ва ломбардларга татбиқ этилмайди.

Микрокредит ташкилоти республика қонун ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалда қўллаши лозим. Мазкур ташкилотлар бухгалтерия ҳисоби барча микрокредит ташкилотлари учун ягона бўлган Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига мувофиқ амалга оширилади.

Қарор билан микрокредит ташкилотининг бухгалтерия аппаратини тузиш назарда тутилган бўлиб, мазкур тузилма микрокредит ташкилотларининг ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисобини, ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва назоратини амалга оширадиган ходимларни ўз ичига олади. Ушбу тузилма микрокредит ташкилотларининг бош бухгалтери томонидан бошқарилиб, у қарор билан тасдиқланган Микрокредит ташкилоти бош бухгалтери тўғрисидаги низом асосида иш олиб боради.

Ҳар бир микрокредит ташкилотида ходимларнинг лавозим вазифалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши зарур. Бухгалтерия аппаратининг асосий вазифалари рўйхати Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган.

**Ҳужжат 2007 йил 22 октябрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007йил 5 октябрдан 23 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 41-42-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

• РЕКЛАМА



# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ

## 2007 ЙИЛ НОЯБРЬ

### (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)



**ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (СОАТЛАРДА):**
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – **176**
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – **174**
36 соатли иш ҳафтасида – **156**

**ИШ КУНЛАРИ СОНИ:**
5 кунлик иш ҳафтасида – **22**
6 кунлик иш ҳафтасида – **26**

**3**
****
****

**– октябрь ойининг III ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 26-банди);*

**– октябрь ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**5**

**– юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар бўйича, шунингдек норезидент юридик шахсларга тўловлардан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 42-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 36-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.10.2004 йилда 1416-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 40-банди);*

**– акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**9**

**– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йилнинг 9 ойи учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни** *(Адлия вазирлиги томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомнинг 1-банди);*

**– октябрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов кирим қилишнинг сўнгги куни** *(МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди);*

**– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йилнинг 9 ойи учун даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 43-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 32-банди; Адлия вазирлиги томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомнинг 1-банди).*

**10**
****
****

**– октябрь ойи учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобварақларига сотилган маҳсулот ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар бўйича, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммалари ҳамда фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мажбурий суғурта бадаллари суммалари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 15, 38, 39, 52-бандлари).*

**13**

**– ноябрь ойининг I ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 26-банди);*

**– ноябрь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**14**

**– бир чорак учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ошадиган корхоналар учун октябрь ойига сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни***** *(Солиқ кодекси, 121-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.02.2002 йилда 1097-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 11, 13-бандлари);*

**– октябрь ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорида бадалларни тўлаш ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни** *(ЎзР ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди);*

**– 2007 йилнинг IV чораги учун ер солиғини тўлашнинг сўнгги куни****** *(Солиқ кодекси, 103-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 27.03.2002 йилда 1118-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 38-банди).*

**15**

**– октябрь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китоб тақдим этиладиган сўнгги кун**** *(Солиқ кодекси, 77-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 53-банди);*

**– октябрь ойи учун ҚҚС тўланадиган сўнгги кун******* *(Солиқ кодекси, 78-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 54-банди);*

**– ноябрь ойи учун даромад (фойда) солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни ******** *(Солиқ кодекси, 43-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 29-банди);*

**– қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган шахслар учун октябрь ойига қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни:**

**автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автотўхташ жойлари (юридик шахслар);**

**болалар ўйин автоматлари;**

**бильярдхоналар** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 16.02.2003 йилда 1218-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-банди);*

**– октябрь ойи учун Республика йўл жамғармасига ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(ЎзР Президентининг 25.10.2006 йилдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида низомнинг 31-банди);*

**– октябрь ойига транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 13-банди);*

**– октябрь ойи учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўлов тўлашнинг сўнгги куни**** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари);*

**– октябрь ойи учун импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.04.2002 йилда 1123-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**19**

**– октябрь ойи учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 27-банди);*

**– октябрь ойи учун ер остидан фойдаланганлик (фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик) солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**** *(Солиқ кодекси, 109-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.02.2002 йилда 1098-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномaнинг 10, 11а-бандлари).*

# ТАҚВИМИ



**20**

**– ноябрь ойи учун мол-мулк солиғи бўйича ойлик бўнак (жорий) тўловини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 94-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 11.03.2002 йилда 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 17-банди);*

**– октябрь ойи учун Республика йўл жамғармасига тўлов тўлашнинг сўнгги куни** *(ЎзР Президентининг 25.10.2006 йилдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида низомнинг 31-банди).*

**23**

**– ноябрь ойининг II ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 26-банди);*

**– ноябрь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**25**
********
********

**– ноябрь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича бўнак (жорий) тўловини тўлашнинг сўнгги куни** ******* *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 17.05.2007 йилда 1680-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 9-банди);*

**– октябрь ойи учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҚҚСни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 54-банди);*

**– танлаш ҳуқуқисиз ягона солиқ тўловини тўловчи – микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирмайдиган корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 28.03.2007 йилда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 36-банди).*

**30**

**– ҳисобот йили учун бир йиллик ягона ер солиғи тўловининг қолган қисмини тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.03.2002 йилда 1102-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 20-банди).*

**) жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўғрисидаги маълумотлар МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 2а-сон иловада акс эттирилади ва солиқ органларига молия йили тугаганидан сўнг 30 кун ичида топширилади;*

***) микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари. ЎзР Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» ПҚ-100-сон қарорига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадилар;*

****) қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни бир йилда бир марта – ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар топширадилар ва солиқ тўлайдилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси бир чорак учун энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган юридик шахслар солиқни чоракда бир марта, чораклик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар. Микрофирмалар ва кичик корхоналар мазкур ҳисоб-китобни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадилар;*

*****) қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини бир йилда бир марта – ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайдилар.*

******) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан қўшилган қиймат солиғи ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирилмасдан тўланади;*

*******) ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси) энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналар ва ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган ҳамда бўнак (жорий) тўловларини тўламасдан, тўловларни ҳар чоракда йил бошидан ўсиб борувчи якун билан амалга оширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари;*

********) ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси) энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ва ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган, тўловларни ҳар чоракда амалга оширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно);*

*********) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.*

! **Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Norma» АҲТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.**

*Хорижий янгиликлар*

## КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ИМТИЁЗ

**Муниципалитетларга биноларни кичик бизнес вакилларига имтиёзли ижарага бериш ҳуқуқи берилади. Бу эса тадбиркорларга қиммат бўлмаган офис ва омборлар етишмовчилиги муаммосини ҳал қилишда ёрдам беради.**

Минтақавий ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги қонунга тегишли тузатишлар Россия Давлат думаси депутатлари томонидан кўриб чиқилди. Янгилик кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурининг бир қисми ҳисобланади. Чунончи, қонунга киритилган ўзгартишлар минтақавий ва муниципал ҳокимият органларига майда корхоналарга имтиёзли шартларда ижарага бериш учун ўз балансида нотураржой биноларга эга бўлишга йўл қўяди.

Маслаҳатчиларнинг фикрича, минтақавий ва муниципал ҳокимият органларида кўчмас мулк операцияларининг икки хил усули бўлмоғи лозим. Йирик тадбиркор бинони сотиб олиши, кичиги эса – имтиёзли нарх бўйича ижарага олиши мумкин. Сотишдан тушган маблағни минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари бирор-бир жамғармага, масалан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига қўйишлари мумкин.

## ОБРЎ КЕТМАСИН...

**Федерал солиқ хизматининг Москва шаҳар бошқармаси ўзининг расмий сайтида зарар кўриб ишлайдиган компаниялар рўйхатини эълон қилди. Кўпгина экспертлар бу билан солиқ сири ошкор бўлади деган фикрдалар.**

Инспекторлар жамоатчилик билан ишлашнинг баъзи натижаларини ўртоқлашдилар. Мисол учун, 4 ой ичида солиқчилар 11 минг нафар зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни текширдилар. Улардан 2 мингга яқини умумий қиймати 2 млрд рубль суммадан иборат солиқ базасини атайлаб тушириб кўрсатганлар. Назоратчилар ўз сайтида мазкур компаниялар рўйхатини ҳам эълон қилганлар.

Ҳеч бир фирма мазкур маълумотлар ошкор бўлишини хоҳламайди. Баъзи адвокатлар уларнинг эълон қилинишини босим кўрсатиш усули деб ҳисоблайдилар. Зарар фирма томонидан режалаштирилган бўлиши мумкин. Мазкур рўйхатнинг эълон қилиниши компания шаънига доғ туширади, зеро унинг зарарга ишлаётганини кўрган контрагентлар у билан амалий муносабатларни ўрнатишни истамайдилар, фирма эса бундан зарар кўради.

Бироқ Москвадаги ночорлик (банкротлик) бўйича ишлар қўмитаси солиқ хизматининг қилган иши компаниялар номини булғамайди деган фикрда. Фирмага ўзи ҳақидаги нотўғри ахборот зиён етказиши мумкин, масалан, ҳалол солиқ тўловчи зарар кўриб ишлайдиган корхоналар сафига киритилганда. ФСХБ эълон қилган маълумотлар эса ҳақиқатга мувофиқ бўлиб, ташкилотларнинг ҳақиқий молиявий аҳволини акс эттиради.

## КИЧИК ФИРМАЛАР ҲИМОЯ ОСТИДА

**Россиянинг Ички ишлар вазирлиги ва Монополиядан чиқариш федерал хизмати ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзолаб, кичик корхоналарнинг рақобатга оид ҳуқуқларини йирик компанияларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун саъй-ҳаракатларини бирлаштирдилар.**

Мазкур иш доирасида монополияга қарши қонунчиликни бузаётган компаниялар текширилади. Бундан ташқари, МЧФХ ва ИИВ ноҳалол фирмаларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш усулларини ишлаб чиқишни режалаштирмоқдалар.

Бироқ маслаҳатчилар мазкур иш юридик нуқтаи назардан тўғри, аммо иқтисодий нуқтаи назардан эса нотўғри деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг фикрича, йирик бўлмаган корхоналар кичик корхоналарга эътибор қаратишлари, кичиклари эса йирик корхоналарга интилишлари керак. Бундан ташқари, икки хизматнинг ҳамкорлиги ҳам коррупция туфайли кичик корхоналарга ўзларини ҳимояланган деб ҳис қилишда ёрдам бермайди. Йирик ўйинчида иқтисодий имкониятлар кўпроқ, шу сабабдан ҳам кичик корхоналар аввалгидай суд жараёнларида ютқазадилар.

## КРЕДИТЛАР ҲАҚИДА ОЧИҚЧАСИГА

**1 июлдан бошлаб барча Россия банклари кредитлар бўйича самарали фоиз ставкаси (СФС) элементларини очишга мажбур. Марказий банк қарз олувчи нима учун фоиз тўлаётганини билиши керак деган фикрда.**

Амалдорлар ва депутатлар СФС очишнинг қийин тарафларини кўрмаяптилар. Агар сўз қанча тўланиши олдиндан маълум бўлган кредитлар ҳақида бораётган бўлса, самарали фоиз ставкасини ҳисоблаб чиқишдан осон иш йўқ деб айтмоқдалар. Қарз олувчи кредитни қайси муддатларда ва қандай суммаларда сўндириб бориши аниқ бўлмаган вазиятлар учун Марказий банк СФС баҳосини ҳисоблаб чиқиш алгоритмини берди. Масалан, банк карталаридан фойдаланилган ҳолларда. Шу сабабдан янгиликни жорий этишда ҳеч қандай муаммолар юзага келиши керак эмас.

Банк тизимининг СФСларни очишга тайёрлиги даражаси йил бошидан анча ўсганини ва камида 90 фоизни ташкил этишини тасдиқлаётган Марказий банк вакиллари ҳам шу фикрда.

Бироқ банкирлар мазкур масалада депутатлар ва амалдорларнинг фикрига қўшилмайдилар. Банклар аниқ иш услубига 14 июндагина эга бўлдилар. Шу сабабдан ҳам уларда дастурий таъминотни тайёрлашга ва шартнома шартларини ислоҳ этишга вақт бўлмаган.

## МАҚОМНИ ЎЗГАРТИРИШ ОСОНЛАШДИ

**Москва фирмалари, тадбиркорлари ва фуқаролари тураржой хоналарини нотураржой хоналарга ўтказиш ва аксинча қилиш учун идорама-идора юришлардан қутулдилар.** Бунинг учун Москва шаҳри уй-жой сиёсати ва уй-жой жамғармаси департаментида «бир дарчадан» хизмати ташкил этилди. Хонага янги мақом олиш учун департаментга ариза, хонага ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар, унинг техник жиҳатдан тавсифланган режаси ҳамда у жойлашган уй ҳар бир қаватининг режаси ва агар мўлжалланаётган бўлса – қайта режалаштириш (қайта қуриш) лойиҳасини тақдим этишнинг ўзи кифоя.

## КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ УЧУН

**Яқинда Москвада рақобатбардош кичик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг реестри тузилди. Унга кирган фирмалар пойтахт маъмурларининг жиддий қўллаб-қувватлашига умид қилиши мумкин.**

Реестр тузувчилар кичик бизнеснинг энг самарали корхоналаригина унга киритилади, дейишмоқда. Рўйхатда иштирок этиш биринчи навбатда фирманинг бозордаги нуфузини оширади. Самарали кичик корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантириш учун уларга ўз маҳсулотларини реклама қилишга харажатларидан 50 фоиз чегирма берилади. Лекин бу имтиёз фақат пойтахтда амал қилади.

Амалдорлар кичик корхоналарнинг минтақаларга экспансия иши ҳам катта мадад деб ҳисоблашмоқда. Иш чизмаси қуйидагича: тадбиркор ўзи учун зарур ҳамкорларни ифодалайди, уларни минтақавий маркетинг маркази топади. Шундан сўнг пойтахт фирмаларининг бўлажак мижозлар билан учрашишга мақсадли сафари ташкил этилади. Келгусида маъмурлар кичик корхоналарнинг хорижга ҳам маҳсулот чиқаришларини кенгайтиришни режалаштирмоқдалар.

## МУТОЛАА ТЕКШИРИЛУВЧИЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

**РФ Давлат думаси депутатлари тадбиркорларга текшириш чоғида назоратчилар билан тўғри мулоқот қилишда ёрдам бериш мақсадида махсус қўлланма чиқаришди. Қонун чиқарувчилар китоб пораларни камайтиришига умид қилишмоқда.**

Тадбиркорлар турли-туман идораларнинг вакиллари текшириш чоғида улардан пул талаб қилаётганидан шикоят қилиб, Давлат думасига мунтазам мурожаат қилишмоқда. Натижада депутатлар бизнесменларга тавсиялар берилган "Текширишлар ўтказиш чоғида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" деган китоб ёзишди. Унда турли хизматлар томонидан текширишлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги меъёрий материаллар умумлаштирилган.

Мазкур лойиҳа устида ишлаш бир йилдан ортиқ давом этди, деб таъкидлайди Давлат думасининг коррупцияга қарши курашиш комиссияси. Натижада кичик ва ўрта бизнесга ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам берадиган аниқ амалий материал тайёрланди.

***Хорижий матбуот материалларидан.***



*Адвокат фикри*

# ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ

## (ГАРОВ АСОСИДА КРЕДИТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БИТИМЛАРНИ ЮРИДИК КУЗАТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ)

***Маълумки, гаров мулкий муносабатларда шартномалар бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлаш, кредиторнинг моддий манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича энг кўп фойдаланиладиган ҳуқуқий дастак ҳисобланади. Шу сабабли кредит ташкилотлари кредит битимларини амалга ошираётганда кредитларни гаров шартларида беришга интиладилар. Шу билан бирга гаров асосида кредитлаш билан боғлиқ битимларни тузиш ва ижро этиш жараёнини юридик кузатишни тўғри йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.***

**ГАРОВ** қонун ёки шартнома кучи билан юзага келади. Кредит ташкилоти билан гаровга қўювчи ўртасидаги гаровга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидаларига кўра мустақил гаров шартномаси кўринишида ёзма шаклда расмийлаштирилиши ёки кредит шартномасига таркибий қисм бўлиб кириши керак. Гаров шартномасини расмийлаштираётганда унда мазкур шартнома тури учун барча муҳим шартлар қайд этиб қўйилиши лозим, чунки муҳим шартлардан лоақал бири бўйича тарафларнинг келишуви мавжуд бўлмаса, гаров шартномаси тузилган деб ҳисобланиши мумкин эмас *(ЎзР ФКнинг 364-моддаси).*

Фуқаролик кодексининг 271-моддасида гаров шартномасининг муҳим шартлари назарда тутилган, уларга мувофиқ шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Шартномада гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт. Шуни ҳисобга олиш лозимки, «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида гаров шартномасида кўрсатилиши керак бўлган қўшимча шартлар назарда тутилган, яъни: томонларнинг номи, жойлашган манзили (яшаш жойи), гаров тури (закалат, ипотека ёки ҳуқуқ гарови), гаровга қўйилган мол-мулкнинг тавсифи, шунингдек томонларнинг келишувига оид бошқа маълумотлар. Шуни таъкидлаш жоизки, кредит шартномаси таркибида гаров мажбурияти расмийлаштирилган тақдирда унда ФКнинг 271-моддаси ва «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси билан белгиланган гаровнинг зарур ҳуқуқий шартлари кўрсатилган бўлиши ҳам керак.

**ГАРОВ НАРСАСИГА** келсак, тарафлар ўртасида расмийлаштирилаётган гаров шартномасида гаровга қўйилган мол-мулкни индивидуал тарзда белгилайдиган ҳамда уни товарлар умумий массаси ва гаров қўювчининг мол-мулкидан ажратиб олиш имконини берадиган маълумотлар ғоятда аниқ-равшан кўрсатилиши лозим. Бу ҳол нафақат гаров мажбуриятининг таъсирчанлигини таъминлаш нуқтаи назаридан, балки қарзни кейинчалик гаров нарсаси ҳисобидан ундиришнинг реаллиги нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда, хусусан, Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорининг* 16-бандида алоҳида қайд этилади, унда назарда тутилишича, гаров шартномасида гаровга қўйилган мол-мулкнинг хусусий аломатлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, бундай шартнома тузилган деб ҳисобланиши мумкин эмас, яъни у беҳуда ҳисобланади.

Бунда гаров нарсаси бўлиб битимлар нотариал тасдиқланиши ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган мол-мулк майдонга чиққан ҳолларда гаров шартномаларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишга тааллуқли қонун талабларига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлади. Агар гаров мажбурияти кредит шартномасининг таркибига киритилган ва тарафлар ўртасида мустақил гаров шартномаси имзоланмаган бўлса, бундай кредит шартномаси, агар қонунда бундай мол-мулк билан битимларни нотариал тасдиқлаш ва (ёки) рўйхатдан ўтказиш талаби назарда тутилган бўлса, тегишли мол-мулкни гаровга қўйиш шартномаси каби тартибда нотариал тасдиқланиши ва (ёки) рўйхатдан ўтказилиши керак.

Амалиётда шартнома тарафлари кўпинча қонуннинг кўрсатилган талабларига эътибор бермайдилар. *Чунончи, даъвогар судга гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинишигача даъвогар ҳақиқий бўлмаган битимнинг оқибатларини қўллаш талабидан воз кечди. Даъвони кўриб чиқиб, суд гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб қисмида даъвони қондиришдан бош тортди. Битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш талаби қисмида иш юритиш тугатилди. Суд гаров шартномаси тузилмаслиги тўғрисида хулоса чиқарди ва ҳал қилув қарорини қабул қилди. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириб, қуйидагиларни кўрсатди: низолашилаётган гаров шартномаси ва унга илова қилинган рўйхатда тарафлар гаровга қўйилган мол-мулкнинг уни бир турдаги ашёлардан ажратиб олиш (гаровга қўйилган мол-мулкни индивидуаллаштириш) имконини берадиган индивидуал тавсифларини кўрсатмаганликлари сабабли биринчи ва апелляция инстанцияларининг судлари шартномада унинг муҳим шарти – гаров нарсаси мавжуд эмаслиги тўғрисида тўғри хулосага келганлар, шу муносабат билан гаров шартномасини тузилган деб ҳисоблаб бўлмайди.*

*Бошқа иш ҳолатларига кўра банк ундиришни гаров шартномасига кўра гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилди. Даъвони кўриб чиқиб, суд даъвони қондиришдан бош тортди. Юқори инстанция бу қарорни ўзгартишсиз қолдириб, гаров шартномасини тузиш пайтида иш материалларида мавжуд бўлган далилларга мувофиқ гаров нарсаси сифатида кўрсатилган мол-мулк гаровга қўювчининг балансида қайд этилмаганлигини кўрсатди. Шу тариқа биринчи инстанция суди гаров шартномасини тузиш чоғида тарафлар гаров нарсасини келишиб олмаганликлари тўғрисида асосли хулоса чиқарди, шу боис шартномани тузилмаган деб топди.*

***Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, гаров нарсасини рўйхатга олаётганда гаровга қўювчининг гаровга берилаётган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқини текширишга алоҳида эътибор берилиши зарур, чунки ФКнинг 266-моддасига кўра ашёни гаровга қўювчи фақат унинг мулкдори бўлиши мумкин.***

Кредит шартномалари бўйича гаров мажбуриятларини расмийлаштираётганда гаровга қўювчининг бундай хил битимларни амалга оширишга доир ваколатларини пухта текшириш зарур. Хусусан, шуни эътиборга олиш лозимки, гаровга қўювчида тезкор бошқарув ҳуқуқида турган мол-мулк (кўчар ва кўчмас) фақат мулкдорнинг розилиги билан кредиторга (гаровни олувчига) гаровга берилиши мумкин, агар мол-мулк шахсга хўжалик юритиш ҳуқуқида бириктирилган бўлса, гаровга қўювчи мол-мулкнинг айрим турлари гаровини мулкдор ёки у ваколат берган орган билан келишиш қисмида амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилганлиги ёки қилмаганлигини текшириш зарур. Хўжалик жамияти ҳисобланган гаровга қўювчи, гаров шартномасини тузиш гаровга қўювчи учун йирик битим ҳисобланган ҳолларда гаровга мол-мулк бериш учун ўзининг юқори бошқарув органидан тегишли розилик олган ёки олмаганлигини текшириш катта аҳамият касб этади. Бунда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг хўжалик жамияти иштирокчилари/ акциядорларининг умумий йиғилишларида йирик битимларни тузиш масаласи бўйича кворум, чақириш, овоз бериш тартиби, шакллари ҳамда таомиллари хусусидаги талабларига риоя қилинишини ҳам пухта текшириш лозим. Амалиётда қонунда назарда тутилган йирик битимларни амалга ошириш тартиби бузилганлиги боис хўжалик судлари гаров шартномаларини гаровга қўювчи бўлиб майдонга чиққан корхона муассислари ёки акциядорларининг даъволари бўйича ҳақиқий эмас деб топилган ишлар кўп учрайди.

**ГАРОВНИ РАСМИЙЛАШТИРАЁТГАНДА** юристлар тўқнаш келадиган муҳим масалалардан бири гаров нарсасини мустақил баҳолаш мажбурийми деган масаладир. «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилишича, гаров нарсасини баҳолаш гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг ўртасидаги келишув бўйича ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ гаров нарсасини баҳолашни ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Гаров нарсасини мажбурий баҳолаш тўғрисида эслатиш «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун *(1999 йил 19 август, 811-I-сон, 2006 йил 4 апрелда ЎРҚ-28-сон Қонуннинг 6-моддаси билан киритилган ўзгартишлар билан)* 11-моддасида ҳам мавжуд, унга кўра баҳолашни ўтказиш, шу жумладан гаров нарсаси сифатида давлатга тегишли бўлган баҳолаш объектларидан фойдаланилганда, тўлиқ ёки қисман давлатга тегишли бўлган баҳолаш объектларини битимга жалб этиш ҳолатида мажбурий ҳисобланади. Гаров шартномасини тузиш чоғида мажбурий мустақил баҳолашни ўтказишнинг бошқа ҳоллари қонунда назарда тутилмаган.

*Чунончи, даъвогар судга автотранспорт воситасини гаровга қўйиш шартномасини беҳуда деб топиш тўғрисида банкка даъво билан мурожаат қилди, даъвони ФКнинг 271-моддасини бузган ҳолда гаровга берилган мол-мулк бозор баҳоси бўйича баҳоланмаганлиги билан ҳам асослади. Суд даъвони қондиришдан бош тортди. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириб, гаровга қўйиладиган мол-мулкнинг бозор баҳосини мустақил баҳолашни ўтказиш мажбурийлиги амалдаги қонунларда белгиланмаганлигини кўрсатди.*

***Шу тариқа, баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунларда гаров мол-мулкини мажбурий баҳолаш назарда тутилмаган ҳолларда тарафлар қийматни ўзаро келишиб баҳолашлари мумкин, бироқ мустақил баҳолашнинг мавжуд эмаслиги гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди.***

**ГАРОВ МОЛ-МУЛКИНИ** қарз олувчи учинчи шахсларга сотадиган ҳолларда муайян масалалар юзага келади. Агар мол-мулкни қарз олувчи учинчи шахсларга гаровга олувчининг розилиги билан сотса, шубҳасиз, ФКнинг 284-моддаси кучга киради ва кредитор судга гаровга қўйилган мол-мулкнинг янги мулкдорига нисбатан ундиришни мол-мулкка қаратиш тўғрисида даъво билан мурожаат этишга ҳақлидир.

*Иш ҳолатлари бўйича банк судга кредит линияси шартномаси бўйича қарзни ундириш ва ундиришни автомашиналар гарови тўғрисидаги еттита шартнома бўйича мол-мулкка қаратиш даъвоси билан мурожаат қилди. Даъвони кўриб чиқиб, суд уни қисман қониқтирди. Суд ижрочиси ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарди. Кейинроқ қарздорда мол-мулкнинг йўқлиги ва суд ундиришга қаратган мол-мулкни қарздор бошқа шахсга берганлиги ҳамда ижро ҳаракатларини амалга ошириш пайтида учинчи шахсларга тегишли эканлиги ҳақида маълумотлар олиниши муносабати билан ижро иши юритилишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилди. Банк суд ижрочисининг ижро иши юритилишини тугатишга доир ҳаракатлари устидан шикоят қилди. Суд шикоятни кўриб чиқиб, суд ижрочисининг ижро варақасини қайтариш ва ижро иши юритилишини тўхтатиш бўйича ҳаракатларини ноқонуний деб топди. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириб, гаровга қўйилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида гаров ФКнинг 284-моддасига кўра сақланишини кўрсатди.*

Бироқ мол-мулкни қарз олувчи учинчи шахсларга гаровга олувчининг албатта розилигини олмасдан сотган тақдирда ҳуқуқни қўллаш масаласи бўйича бир хилдаги суд амалиёти шаклланмаган. *Чунончи, банк судга кредит шартномаси бўйича қарзни қарз олувчидан ундириш ва ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкнинг янги эгаларига қаратиш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Даъвогарнинг ҳисоблашича, модомики у ундиришни қаратишни сўраган гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўювчи унинг розилигисиз сотган экан, гаровга қўйилган ва сотилган мол-мулкнинг янги харидори аввалги гаровга қўювчининг универсал ҳуқуқий ворисига айланади. Даъвони кўриб чиқиб, суд даъво талабларини қарз олувчи ҳисобидан қондирди ва бошқа жавобгарларга даъводан бош тортди. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириб, қуйидагиларни кўрсатди: банк гаровга қўйган мол-мулкни қарз олувчи учинчи шахсларга гаровга олувчининг (банкнинг) розилигисиз сотган, шу муносабат билан гаровга қўйилган мол-мулкнинг олди-сотди битимлари беҳудалик аломати бўйича ҳақиқий эмас ҳисобланади, мол-мулкни беҳуда битимлар бўйича бошқа шахсларга бериш эса Фуқаролик кодексининг 284-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эмас.*

** 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сон «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг баъзи масалалари тўғрисида».*

# ҲИМОЯ ҚИЛИБ

*Яна бир мисол келтирамиз: бошқа иш ҳолатларига кўра банк судга ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкнинг янги эгасига қаратиш тўғрисида унга даъво билан мурожаат қилди. Ишни кўриш якунлари бўйича суд даъвони қондирди. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириб, қуйидагиларни кўрсатди. Гаровга олувчининг гаров нарсасини сотишга розилигининг йўқлиги гаровга қўйилган мол-мулкнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди, чунки қонунда гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни тасарруф этиш қоидаларини бузишининг бошқа оқибатлари назарда тутилган. ФКнинг 284-моддасига мувофиқ кўрсатилган ҳолат гаровга олувчида қарздордан гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан аввал бажариш ва ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига олиб келади.* ***Шу тариқа, судга ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни мулкка эгалик ҳуқуқи гаровга олувчининг албатта розилигисиз ўтган гаровга қўйилган мол-мулкнинг янги мулкдорларига ўтказиш тўғрисида даъволар тақдим этилганида, ФКнинг 284-моддасига асосланиб, суд ҳал қилув қарорининг икки варианти бўлиши мумкин:***

- суд даъвони рад этиб, гаровга олувчининг албатта розилиги бўлмаганда гаровга қўйилган мол-мулк олди-сотди битимининг беҳудалиги ва, бунинг оқибатида, оқибатлар келиб чиқиши мумкин эмаслигини кўрсатади;
- ёки даъво талабларини қондиради.

Бу масала бўйича Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорининг* 26-бандида белгиланишича, ундиришни гаров нарсасига қаратиш тўғрисида низоларни кўраётганда судлар шундан келиб чиқиши лозимки, гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи бу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади (ФК 284-моддасининг биринчи қисми). Бунда ҳуқуқий ворис, агар гаровга олувчи билан келишувда бошқа нарса белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчининг мажбуриятларини бажаради. Кўрсатилган қарорда гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахсга бериш гаровга олувчининг розилигисиз юз берадиган ҳолатлар аниқлаштирилмайди, бинобарин, Олий хўжалик судининг мазкур масала бўйича позицияси гаров нарсасини бошқа шахсга бериш учун асос бўлган битимнинг ҳақиқийлиги ёки беҳудалиги масаласини ҳал этмасдан ФКнинг 284-моддасини қўллашга мойил бўлмоқда деган хулоса чиқариш мумкин.

Бироқ, бизнингча, ундиришни гаровга олувчининг розилигисиз янги мулкдорга ўтган гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш қонунчиликка мувофиқ эмас деб топиладиган позиция анча мантиқий бўлар эди, зеро аввал-бошдан мол-мулкка эгалик ҳуқуқини гаровга олувчининг розилигисиз бериш битими қонунга мувофиқ эмас. ФКнинг 116-моддасига кўра кўрсатилган битим ҳақиқий эмас ҳисобланади, ФК 114-моддасининг биринчи қисмига кўра ҳақиқий бўлмаган битим юридик оқибатларга олиб келмайди (унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ оқибатлардан ташқари) ва у амалга оширилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас.

Шу сабабли, фикримизча, гаров мол-мулкини қарз олувчи учинчи шахслар фойдасига гаровга олувчининг албатта розилигисиз бошқа шахсга берган тақдирда кредит ташкилоти гаров нарсаси ҳисобланган мол-мулкни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда икки томонлама реституция *(аввалги ҳуқуқий, мулкий ҳолатида тиклаш)* йўли билан унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ФК 116 ва 277-моддаларига асосан, шу жумладан ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига асосан даъво талабини тақдим этиши лозим.

*Суд амалиётига мурожаат қиламиз: даъвогар судга гаровга қўйилган мол-мулкни бериш бўйича битимларни ҳақиқий эмас (беҳуда) деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида мурожаат қилди. Иш материалларидан низоли мол-мулк жавобгарга гаровга олувчининг розилигисиз сотилганлиги аниқланди. Ишни кўриш якунлари бўйича суд даъвони қондирди. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириб, қуйидагиларни кўрсатди. ФКнинг 116-моддасига мувофиқ қонун талабларига жавоб бермайдиган битим ҳақиқий эмас ҳисобланади. ФК 277-моддасининг иккинчи қисмидан келиб чиқишича, гаровга қўювчи гаров нарсасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топширишга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли, фақат гаровга олувчининг бунга розилиги талаб қилинади.*

**ШУНИ ТАЪКИДЛАШ** лозимки, ФК-279-моддасининг биринчи қисмига кўра гаровга қўйилган мол-мулкдан ундириш кредиторнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Шу сабабли суд ўз ташаббусига кўра ундиришни, шу жумладан тарафларнинг ўзаро бир турдаги талабларини ҳисобга олган ҳолда, гаровга қўйилган мол-мулкка қарата олмайди. *Чунончи, бир суд ишининг ҳолатларига кўра банк судга кредитни, ундан фойдаланганлик учун фоизларни, оширилган фоизлар ва фоизларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун фоизларни ундириш тўғрисида мурожаат қилди. Даъвони кўриб чиқиб, суд даъвони қисман қондирди, бунда ФКнинг 343-моддасини (ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятнинг бекор бўлиши) қўллади ва даъвогарга даъвогарда гаровда бўлган кредит суммасидаги депозит сертификатини бериш йўли билан жавобгарнинг кредитни қайтариш бўйича мажбуриятлари тугаган деб ҳисоблади. Бунда жавобгар олдиндан даъвогарга кредит шартномаси бўйича қарзни гаровга қўйилган депозит сертификати маблағлари билан ҳисобга олишни таклиф қилди, бироқ даъвогар ҳисобга киритишни амалга оширмади. Юқори инстанция бу ҳал қилув қарорини қайтадан кўриб, суд ФК 343-моддасини қоидаларини мазкур ҳуқуқий муносабатларга нисбатан хато равишда қўллади деб кўрсатди.*

Гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасида низо мавжуд бўлса, амалиётда гаровга қўйилган мол-мулкнинг бошланғич сотилиш нархи қандай белгиланади, у бозор баҳоси ёки гаров нархи бўладими, деган савол туғилади. Фуқаролик кодексининг 280, 281-моддаларига мувофиқ, агар гаровга олувчининг талабларини гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан қондириш ва унинг бошланғич сотилиш нархини белгилаш тўғрисида тарафларнинг келишуви мавжуд бўлмаса, бу масалалар суд тартибида ҳал қилинади. Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорининг* 23-бандига кўра ундириш суд тартибида гаров нарсасига қаратилганда суднинг ҳал қилув қарорида, бошқа нарсалардан ташқари, унинг бошланғич сотилиш нархи гаров шартномасида кўрсатилган миқдорда кўрсатилиши керак. Бошқача айтганда, ўзининг ҳал қилув қарорида суд ҳар доим гаров нарсасининг бошланғич нархини кўрсатади, бунда унинг тарафлар гаров шартномаси ёки кредит келишувида кўрсатган қийматидан келиб чиқади. Шу билан бирга қарорнинг айни шу бандида кўрсатилишича, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати бўйича низо юз берган тақдирда у суд тарафларнинг илтимоси бўйича тайинлайдиган ва баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензияси бўлган мутахассис (эксперт)нинг хулосасига асосан аниқланади: Қарорнинг мазкур қоидаси даъвогар ёки жавобгар илгари тузилган гаров шартномасида кўрсатилган гаров мол-мулкининг нархи суд низосини кўриш пайтида бозорда шаклланиши мумкин бўлган нархларга мувофиқ келмай қолиши, шу муносабат билан кредит



ташкилотининг пул даъволарини ҳам, гаровга қўювчининг мулкий манфаатларини ҳам имкони борича қондириш учун унинг қийматини қайта баҳолаш зарурати юзага келишини тушунадиган ҳолатлар учун мўлжалланган. Гарчи кўрсатилган қарорда гаров нарсасининг айни қандай қиймати (бозор, баланс ёки кадастр баҳоси) суд жалб этадиган эксперт томонидан белгиланиши кераклиги белгиланмаган бўлса-да, фикримизча, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига кўра мазкур объектнинг бозор баҳоси белгиланиши керак.

*Яна бир мисол: банк судга ундиришни суд тартибида жавобгар томонидан кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилиши ҳисобидан гаровга қўйилган кўчмас мулкка қаратиш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Суднинг белгилашича, гаров шартномасидаги кўчмас мулк объекти нархини аниқлаш чоғида тарафлар банк билан кредит ва гаров бўйича шартномавий муносабатларни ўрнатиш даврида қарз олувчининг сўрови бўйича олинган ТИБ (техник инвентарлаш бюроси) маълумотномасига кўра унинг баланс қийматидан келиб чиққанлар. Суд муҳокамасида, даъвогар розилик билдирмаса-да, жавобгарнинг сотиладиган кўчмас мулк объектининг бошланғич сотилиш нархини тақдим этилган суд экспертизаси хулосасига мувофиқ белгилаш тўғрисидаги илтимоси қондирилди.*

Шуни таъкидлаш лозимки, ЎзР ФК 279-моддасининг иккинчи қисмига асосан суд, агар қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни жуда арзимаган миқдорда бузса ва гаровга олувчининг талаблари миқдори бунинг оқибатида гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса (қонун билан белгиланган ҳоллар бундан мустасно), ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишдан воз кечиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «жуда арзимас» ва «мутлақо мос келмаса» иборалари остида нималар тушунилади, деган савол юзага келади. Суд амалиёти қонунларга тегишли аниқлаштиришлар киритилишининг мақсадга мувофиқлигини исботлайди.

**Умид УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**адвокат, «Attorneys Service Group» адвокатлик фирмасининг директори.**


• РЕКЛАМА

miningworld UZBEKISTAN
2-O'zbek xalqaro ko'rgazmasi




1-3 NOYABR 2007
O'zekspomarkaz, Toshkent
KON QAZISH USKUNALARI
MA'DANLAR va MINERALLARNI QAZIB OLISH HAMDA BOYITISH
Tashkilotchilar:
ufi Member
ITE UZBEKISTAN
ITE EXHIBITIONS & CONFERENCES LTD
Tel.: +(998 71) 113 01 80, Fax: +(998 71) 152 51 64

# ЯХШИ ХОДИМ – КОНИ БАРАКА

***Иш берувчи ишга кириш истагидаги мутахассис билан суҳбат чоғида дуч келадиган асосий муаммо бу номзод келгусида компанияга қандай наф келтиради, иш самараси қандай бўлади ва шу сингари саволларга ниҳоятда қисқа муддат ичида жавоб топишдир. Ишга киришга даъвогарнинг вазифаси нисбатан осон: ўзини шу жамоага олишларини истайди, холос.***



## ДАСТЛАБКИ ТААССУРОТЛАР

Биринчи учрашувда номзоддан қаерда ишлаганлигини, қандай вазифаларни бажарганлигини, келгуси режалари, хоҳиш-истаги, нималарга қизиқиши ва шу сингариларни суриштирилади. Ярим соат, борингки, бир соат ичида у ҳақда деярли ҳамма нарсани билиб оладилар. Аммо сизнинг ташкилотингизга у наф келтирадими-йўқми, ана шу асосий масала ноаён қолаверади.

Суҳбатлашувда бу таҳлит савол-жавобларни кўравериб, жуда пишиган кишилар ўзини яхши кўрсата билади. Номзодларга иш берувчиларда яхши таассурот қолдиришни ўргатиш билан тирикчилик қилаётган маслаҳатгўй фирмалар ҳам бор. Шу сабабли уқувли, яхши иш берадиган ходим эмас, балки савол-жавобларда "суяги қотган", суҳбатлашувга тайёргарлиги пухта кишилар кўпроқ ишонч қозониши мумкин. Шуниси ҳам борки, ўз ишининг чинакам усталари иш жойини тез-тез ўзгартириш, янги иш топиш эҳтиёжидан йироқ бўлади.

Ишга қабул қилишда энг аввало: бўлажак ходимнинг қанчалик иш бера олиши ва уқувига;

билими ёки касб тажрибасига;

шахсий фазилатларига;

ишни ўзгартириш важ-сабабларга эътибор қилиш керак.

Айни ана шу тўрт омил асосида бўлажак ходим қанчалик наф бериши мумкинлиги ҳақида озми-кўпми тасаввур ҳосил қилинади. Ундан корхонангизга чиндан ҳам наф бўлиши ҳақида ёки уни шунчаки мўмай маош қизиқтираётгани, иш вақти тугар-тугамас йўлга отланиб қоладиганлар тоифасидан эканлиги ҳақида бир тўхтамга келишга тўғри келади.



## ХОДИМЛАР УЧ ТОИФАДА БЎЛАДИ

Ишга олишда хатога йўл қўймайдиган тизимни ишлаб чиққан мутахассисларнинг фикрича, жами ходимларни уч тоифага бўлиш мумкин:

● ходимларнинг 20 фоизи турган-битгани ташвиш, муаммо келтирувчилар тоифасига киради. Бундайларда меҳнат унумдорлиги барқарор бўлмайди, улар хато ва камчиликларга кўп йўл қўядилар. Бошқаларни танқид қилиш, орқасидан гапиришни яхши кўрадилар, жамоа бўлиб эмас, якка тартибда ишлашни ёқтирадилар. Тез-тез касаллик варақаси кўтариб келадилар. Бир қарасангиз улар жуда ташаббускор. Эртасига эса сувга тушган мушукдек бўлиб қоладилар, кечаги ғайрат-шижоатдан асар ҳам бўлмайди.

● 60 фоиз ходимнинг иши озми-кўпми самарадор бўлади. Бундай кишилар ишдан қочмайдилар, ҳамкасабаларига кўмаклашиш, фаолиятнинг муайян соҳасида ўз билимларини такомиллаштириш ҳаракатида юрадилар. Айнан ишлаш, нимадир амалга ошириш истаги уларда асосий омил саналади. Бундайларнинг иш қобилиятига атрофдагиларнинг таъсири катта бўлади. Бекарор ёки ғалвали вазиятларда улар хатоликларга йўл қўядилар ёки улардан кутилаётган натижани беришга чоғлари келмайди. Вазият қулай, яхши бўлганда эса улар қизиқиб, унум ва унум билан ишлашга қодирдирлар.

● Ходимларнинг қолган 20 фоизи ўзининг ваколат доирасида сиз кутган натижани бемалол берадиган кишилардир. Улардаги вазиятни таҳлил эта билиш лаёқати ишни рисоладагидан ҳам аълороқ бажариш имконини беради ва бу аснода улар маслаҳат-у йўл-йўриқларга ҳам, четдан босим қилинишига ҳам муҳтож эмаслар. Уларнинг қобилиятини маънан ва моддий жиҳатдан тақдирлаб, билимларидаги камчиликларни ёки ахборот олишда сезаётган тақчилликларни бартараф этишда ёрдамлашиш кифоя. Юксак малака, ишга бўлган жўшқин иштиёқ, бирон муваффақиятсизликдан кейин ўзини тез ўнглаб олиш, мўлжаллаган марраларни эгаллашга бутун вужуди билан берилиш, муаммоларни қийналмайгина ҳал эта билиш, жамоанинг жанговарлигига ижобий таъсир кўрсатиш бундай кишиларни бошқалардан ажратиб турувчи фазилатлар сирасига киради.

## ХОДИМНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙМИЗ?

Табиийки, ҳар қандай раҳбар ҳам қўл остида ишга иштиёқи баланд, уқувли, ҳамма нарса қўлидан келадиган ходимлар бўлишини истайди. Лекин бундайларни топиш осон дейсизми?

Ишда шунчаки кўриниш берганингиз учун эмас, қилган ишингиз натижасига қараб ҳақ тўланиши ёдингизда бўлсин. Нуфузли хоккей командаси раҳбарлари жамоага янги хоккейчи олмоқчилар дейлик. Хўш, уларни энг аввало янги спортчининг нимаси қизиқтиради?

Хоккейчининг спортдаги стажи-ю, машқ йиғинларига қанча вақт сарф этгани эмас, албатта. Бир мавсумда рақиблар дарвозасига қанча шайба киритганлиги муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Борди-ю, ишга ошпазни олаётган бўлсангиз, у тайёрлаган таомдан татиб кўришнинг ўзи кифоя қилади, шундай эмасми?



Шу сабабли ишга талабгор шахснинг олдинги иш жойида нималар қилганини эмас, балки қандай натижаларга эришганлигини суриштирган маъқул.

Шу аснода иккита нарсани аниқлаб олиш керак. Биринчидан, номзод ўз иши натижаларини тўғри баҳолашга қодир-қодирмаслигини, иккинчидан, унинг ҳақиқий иш қобилияти қандай эканлигини аниқлаш зарур. Башарти талабгор аввалги меҳнат фаолияти натижалари миқдор ва сифат жиҳатидан ўлчанишини кўрсата ва исботлай билса, дуруст ходимга дуч келдим деяверинг. Қилган меҳнати унумдорлиги ҳажмини ва ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатини ошириш учун одам ўз фаолияти натижаларининг муносиб мезонини, ўлчаш учун мос усулни топа билиши керак. Яхши мутахассис албатта уни топади. Ўз касбини пухта эгаллаган омилкорлар меҳнат ютуқларини, эришган маҳсулдорлик даражасини миқдорий баҳолай оладилар ва бундан зўр қониқиш ҳис этадилар ҳам. Шу сабабли уларнинг ишчанлик қобилияти тўғрисида суҳбат асносида сиз муфассал ахборотга эга бўласиз.

Мусоҳаба вақтида ҳамсуҳбатингиз сиз кутган даражадаги, яъни зўр мутахассис бўлиб чиқмади дейлик. Бундай кезларда унинг ўзига яраша савол беришингиз керак. У аввалги ишда қай йўсинда ва қанча иш қилганлигини гапириб беради. Унинг меҳнат қобилияти даражасини аниқлаб олиш учун йўналтирувчи саволлар бериш керак. Масалан, олдинги лавозимда ишлаб турган пайтида ва ишдан бўшаётган чоғида унинг бажарган иши ҳажми ўртасида нисбат қандай бўлганлигини сўраш мумкин. Меҳнат фаолиятингиз самарадорлигини ўша, ўзингиз ишлаган соҳадаги бошқа кишиларнинг самарадорлиги билан қиёслаш мумкинми деган савол берса ҳам бўлади.

Кўпгина раҳбарлар яхши ходимларни топиш ташвишидан қочиб, чоғроқ бўлса ҳам синалган жамоа билан ишлашни маъқул кўрадилар-да, ишнинг каттароқ қисмини ўз зиммаларига олиб қўя қоладилар. Юқорида айтиб ўтилган услубиятни амалиётда қўллаб яхши жамоа тузиш унча мураккаб эмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Биргина шарти одамларни тўғри танлай билиш керак. Америка менежментининг мумтоз намояндаси Л.Рон Хаббард бежиз бундай деб ёзмаган: "агар нотўғри ҳаракат аслида ҳаракатсизлик бўлса, мабодо мақсадингиз аниқ бўлса ёхуд шу мақсадга эришиш учун нимадир қилиш зарурати бўлса ва нималарнидир қилган бўлсангиз, билингки, ҳар қалай ҳаракатсизликка нисбатан тўғри иш қилган бўласиз". Дарҳақиқат, шундай. Бекор ўтиргандан бекор ишлаган маъқул деган нақл бежиз эмас. Ҳамонки қандай бўлмасин ҳаракат қилдикми, бунда хатолик бўлган тақдирда ҳам у ҳаракатсизликдан кўра яхшироқдир.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

## МУЛОҚОТНИНГ НОЗИК ЖИҲАТЛАРИ



*● Суҳбатлашув асносида манфаатдорлик, самимий қизиқувчанлик кўрсатинг, суҳбатдошингизнинг сўзларини диққат билан эшитинг. Агар у берилган саволга жавоб бераётган бўлса, дилидагиларни тўлиқ гапириш имконини беринг, сўзини бўлманг.*

*● Омилкорлик нуқтаи назаридан касбни ниҳоятда эъзозлашингизни кўрсата билинг. Суҳбатга вақтида етиб келишга, номзоддан ҳам шуни талаб қилишга ҳаракат қилинг. Бу билан унинг ўз сўзининг устидан чиқиши фазилатини билиб оласиз. Одамлар билан хушмуомала бўлиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси суҳбатдошингизда компаниянгиз ҳақида яхши фикр уйғотади, сиз билан мулоқот илиқ таассурот қолдиради.*

*● Суҳбат мобайнида уни мавзу ўзанидан чиқиб кетмаслигини назорат қилиб боринг. Ана шунда ҳаракатларингиз самарали бўлади. Саволларингизга жавоб олишга ҳаракат қилинг, суҳбат мавзуси жилови қўлингизда бўлсин, четлаб кетишига йўл қўйманг.*

*● Агар рўпарангиздаги одам дидингизга ёқмаса, унинг иш беришига кўзингиз етмаса, яна бироз суҳбатни давом эттиринг. Акс ҳолда талабгор нима сабабдан бир неча дақиқа ичида унинг касб малакаси даражаси ҳақида бу тахлит баҳо чиқарганингизга тушунмай қолади.*

*● Суҳбатдан кейин албатта унга қўнғироқ қилинг. Ҳатто у сизга маъқул бўлмаган бўлса ҳам миннатдорчилик билдириб, салбий бўладими, ижобий бўладими, натижани айтинг. Бугун сизга ҳамсуҳбат бўлган ана шу номзод эртага сиз билан ҳамкор компания ходими бўлиб қолиши мумкин эканлигини асло унутманг.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»;

– «Автомобиль йўллари тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР ДБҚ, ТИАИСВ, ИВ, МВнинг «Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 февралда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 401-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда) **73-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандидаги** «жиноий уюшма ташкил этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **531-модданинг саккизинчи қисмидаги** «мол-мулкни мусодара қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **539-моддадаги** «ички ишлар органи» деган сўзлар «жазони ижро этувчи органлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 26 сентябрда эълон қилинган.***

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ ОРГТЕХНИКА
T&T 171-00-57, 142-65-50
www.texnika.uz info@texnika.uz

3) **546-модда:**

**биринчи қисмидаги** «гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан ушбу Кодекснинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади» деган сўзлар «округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги **иккинчи — тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида киритилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимоснома киритган қўмондонликнинг вакили қатнашиши шарт.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтида виждонан хизмат қилганлигидан ва намунали хулқ-атворидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чиқарган ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **162-модда** чиқариб ташлансин;

2) **179-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади».

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 24 сентябрь*
*ЎРҚ–115-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## «ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 25 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 402-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»**ги 412–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг:**

**номидаги** «ва предметлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энергия, энергия ҳосил қиладиган ва уни сарфлайдиган ёки энергияни бир турдан бошқа турга айлантириб берадиган асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар, транспорт воситалари, қурилиш, йўлсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёритиш техникаси қурилмалари, иситиш, ҳарорат ва намликни бир хилда сақлаб туриш ҳамда ҳавони алмаштириш тизимлари, халқ истеъмоли моллари, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва қурилиш конструкциялари, технология жараёнлари, шунингдек энергия ҳосил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун энергия сарфи кўрсаткичларининг мажмуи ҳамда қиймати энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги стандартлаш объектларидир»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

2) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «5-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «5-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8-модданинг:**

**биринчи қисми биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар норматив ҳужжатларда кўрсатилган энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича мажбурий сертификатлаштирилади»;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни, шу жумладан рўзғорда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-анжомларни энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига доир қисмида тамғалашни норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширади»;

4) **9-модданинг биринчи қисмидаги** «шунингдек энергияни сертификатлаш пайтида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 26 сентябрь*
*ЎРҚ–116-сон.*

---

****Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 27 сентябрда эълон қилинган.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

# АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 29 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 40-сон, 410-модда)*

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги (бундан буён матнда автомобиль йўллари соҳасидаги деб юритилади) муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ҳақ тўланадиган автомобиль йўллари соҳасидаги муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**автомобиль йўли** — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ;

**автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар** — йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган минтақа ҳамда йўл бўйи минтақаси доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**ажратилган минтақа** — автомобиль йўли, унинг тегишли конструктив элементлари ва муҳандислик иншоотлари, шунингдек автомобиль йўлидан фойдаланиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотларни жойлаштириш, иҳота ва манзарали дарахтзорлар барпо этиш учун доимий фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган ер участкаси;

**йўл бўйи минтақаси** — ажратилган минтақага туташган, чегараларида аҳоли хавфсизлигини ва транспортнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун ердан фойдаланишнинг алоҳида шартлари белгиланадиган ер участкаси;

**хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари** — қишлоқ жойлардан ўтадиган ва хўжаликларни ўзаро боғлайдиган автомобиль йўллари. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

## 2-БОБ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ

**4-модда. Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви**

Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

автомобиль йўллари соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлайди;

автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**6-модда. Махсус ваколатли органнинг ваколатлари**

Махсус ваколатли орган:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб боради;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ҳамда стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда сақлашни таъминлайди;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ҳисобини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 3-БОБ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ ВА УЛАРНИНГ ТОИФАЛАРИ

**8-модда. Автомобиль йўлларини таснифлаш**

Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қуй-

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 3 октябрда эълон қилинган.**

идагича таснифланади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари;

хўжалик автомобиль йўллари.

**9-модда. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари**

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат мулки бўлиб, автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар учун очиқдир. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва мудофаа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юклар ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига кирадиган йўллар халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларининг маъмурий марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, маданият ҳамда саноат марказлари ўртасида транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса, халқаро аҳамиятга молик йўллар билан, аэропортлар, темир йўл станциялари, портлар ва кема тўхташ жойлари, шунингдек қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Туманларнинг маъмурий марказларини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар билан, шунингдек давлат аҳамиятига молик йўллар билан боғлайдиган йўллар маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари махсус ваколатли орган ихтиёрида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати белгиланган тартибда тасдиқланади.

**10-модда. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари**

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар доирасида ўтади, мазкур кўчаларнинг Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатига белгиланган тартибда киритилган участкалари бундан мустасно.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари давлат мулки бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

**11-модда. Хўжалик автомобиль йўллари**

Хўжалик автомобиль йўллари давлат ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидир. Технологик мақсадларга хизмат қиладиган йўллар, шохобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари хўжалик автомобиль йўллари жумласига киради.

**12-модда. Автомобиль йўлларининг тоифалари**

Автомобиль йўллари техник вазифасига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тоифаларга бўлинади.

## 4-БОБ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, ҚУРИШ ВА САҚЛАШ

**13-модда. Автомобиль йўлларини молиялаштириш**

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўлларини таъмирлаш, сақлаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарфланмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик автомобиль йўлларини молиялаштириш улар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

**14-модда. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш**

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши керак.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўли билан туташадиган ёхуд кесишадиган автомобиль йўлини қуриш учун рухсатнома белгиланган тартибда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилади. Агар йўлнинг туташган ёхуд кесишган жойи тегишли рухсатномасиз ёки шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда қурилган бўлса, махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси уларни реконструкция қилиш ҳақида ёхуд ҳудудни дастлабки ҳолатига келтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Ажратилган минтақада муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш лойиҳалари автомобиль йўли қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар билан келишиб олиниши керак.

Автомобиль йўлини қуриш ёки реконструкция қилиш чоғида муҳандислик коммуникацияларини кўчириш бўйича олиб бориладиган ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**15-модда. Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш**

Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш мазкур йўллар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланади.

Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар ташкил этадиган ёки жалб қиладиган ихтисослаштирилган ташкилотлар (бундан буён матнда йўл ташкилотлари деб юритилади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, осма кўприкларни, паром кечувларини, трамвай йўлларини ҳамда автомобиль йўлларидаги бошқа иншоотларни таъмирлаш ва сақлаш мазкур иншоотлар қайси юридик шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

**16-модда. Йўл ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ноқулай об-ҳаво-иқлим шароитларида, табиий офатлар, ёнғинлар юз берганда, автомобиль йўли кўтариш қобилиятини йўқотганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, шунингдек таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётганда йўл ташкилотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бу ҳақда билдирган, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш билан хабардор қилган ҳамда тегишли белгилар ўрнатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқу-

лодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Йўл ташкилотлари автомобиль йўлларининг соз ҳолатда бўлишини, улардан транспорт воситалари муттасил ва хавфсиз ўтишини таъминлаши шарт.

## 5-БОБ. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**17-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари**

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек бошқа шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлган хўжалик автомобиль йўлларидан ўтиш;

муттасил, йил давомида, хавфсиз ва қулай шароитларда ҳаракатланиш;

ҳаракатланишнинг йўл шароитлари тўғрисида тезкор ахборот олиш;

автомобиль йўлидаги нософликлар туфайли етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олиш.

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**18-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар:

ҳаракат хавфсизлигини ва автомобиль йўлларини сақлашни таъминлай оладиган ҳолатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишлари;

ажратилган минтақани ифлослантирмасликлари;

автомобиль йўлларининг шикастланиш ҳолларига йўл қўймасликлари шарт.

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**19-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги**

Автомобиль йўлининг элементлари шикастланишига йўл қўйган автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда кўрсатилган элементларнинг ва уларни тиклаш ишлари қийматининг ўрнини қоплайди.

**20-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби**

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Хўжалик автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби мазкур автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан белгиланади.

Автомобиль йўлларидан ўқига тушадиган юк ва оғирлиги белгиланган нормалардан ортиқ бўлмаган транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ҳамда механизмларнинг ўтишига рухсат берилади.

Ўқига тушадиган юк ва ўлчамлари муайян автомобиль йўли учун белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ўтиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади. Автомобиль йўли элементлари шикастланган тақдирда, автомобиль йўлидан фойдаланиш учун рухсат берилганлиги бундай транспорт воситалари эгаларини жавобгарликдан озод этмайди.

Чет давлатлар транспорт воситаларининг автомобиль йўлларидан ўтиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**21-модда. Автомобиль йўлларидан уларнинг асосий вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш**

Автомобиль йўлларидан уларнинг асосий вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар билан келишмасдан туриб:

ажратилган минтақада йўл ахборотига алоқаси бўлмаган реклама пештахталари, пешлавҳалар, эълонлар ўрнатиш ва жойлаштиришга;

спорт мусобақалари ва жамоатчилик тадбирлари ўтказишга;

ажратилган минтақа доирасида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришга;

каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ҳамда бошқа коммуникацияларнинг автомобиль йўлларини кесиб ўтишига;

туташадиган ва ажралиб чиқадиган йўллар қуришга;

кўприклар ва сув қувурлари яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарёлар ва зовурларнинг ўзанларини чуқурлаштиришга;

автомобиль йўлига қўшилиб кетган шлюзлар, тўғонлар ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлашга;

автомобиль йўллари четларида ҳамда йўл кўтармалари ёки ўйимларининг қияликларида жойлашган, фойдаланилаётган алоқа ва электр узатиш линияларини реконструкция қилиш ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

**22-модда. Ажратилган минтақадан фойдаланиш тартиби**

Агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ажратилган минтақадан унда ишлар бажариш учун автомобиль йўли қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, фақат ўша юридик ва жисмоний шахсларнинг рухсати билан фойдаланилиши мумкин.

Ажратилган минтақанинг участкалари атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларини таъминлаш шарти билан сервис объектларини жойлаштириш учун вақтинча фойдаланишга белгиланган тартибда берилиши мумкин.

**23-модда. Автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш**

Ушбу Қонун 16-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда автомобиль йўлларида ҳаракатланиш чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар ажратилган минтақада иш олиб борилаётганда ҳам, агар бундай ишлар транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид қилса, автомобиль йўлларидаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш ёхуд тақиқлашга ҳақли.

Ишлар олиб бориш учун автомобиль йўлларидаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш ишлар олиб бориш учун олдиндан рухсатнома олмаган ҳолда жорий этилиши мумкин, бироқ бунда автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари бу ҳақда хабардор қилиниши шарт.

**24-модда. Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар:

автомобиль йўлига қўшиладиган ва шохобча йўлларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

ажратилган минтақадаги дов-дарахтларни асраш ва сақлашга кўмаклашишлари;

автомобиль йўлига туташ буталарни парвариш қилишлари ва иморатларни соз ҳолатда сақлашлари шарт.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар автомобиль йўли ўқидан эллик метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

**25-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги**

Автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга автомобиль йўлидаги носозликлар туфайли етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаши шарт.

Автомобиль йўлидан ўтиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўладиган ишларни бажараётган юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибига риоя этмаганлик, шунингдек автомобиль йўлининг тегишли участкаларида ва айланиб ўтиш жойларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминламаганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Автомобиль йўллари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**27-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**28-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**29-модда. Қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги 653–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 353-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 2 октябрь*
*ЎРК–117-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА (Кўчирма)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 40-сон, 414-модда)*

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокчи давлатларда давлатлараро электр узатиш линиялари бўйича ўтказилган электр энергияси ҳисоблагичларидан кўрсаткичларни олиш учун ягона вақтни жорий этиш тўғрисида 2006 йил 24 ноябрда Минск шаҳрида имзоланган қарор тасдиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 4 октябрь*
*ПҚ–702-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ СОТИШДАН ТУШГАН, ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ АЙРИМ ОРГАНЛАРИ УСТАВ ФОНДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН БЕРИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 403-модда)*

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ давлат активларини сотишдан тушаётган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига 1-илова*га мувофиқ тегишли хўжалик бошқаруви органлари томонидан уларнинг устав фондидан чиқарилаётган давлат активларини, сотишдан тушадиган маблағларни Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида жамлаган ҳолда, сотиш ҳуқуқи берилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган давлат активларини сотишдан олинган маблағларни 2-илова** мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан биргаликда мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ уюшмага

---

***1-илова берилмайди.*
****2-илова рус тилида берилади.*

тушаётган маблағларни жамлаш ва улардан уюшма томонидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда:

маблағларнинг қайтариш, шунингдек йилига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов тўлаш шартлари билан пахта тозалаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилишга йўналтирилиши;

уюшма томонидан унга тушган маблағларнинг 2012 йилдан бошлаб 3 йил мобайнида давлатга қайтарилиши назарда тутилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 25 сентябрь*
*202-сон.*

*ПРИЛОЖЕНИЕ № 2*
*к постановлению Кабинета Министров*
*от 25 сентября 2007 года № 202*

## РАСПРЕДЕЛЕНИЕ СРЕДСТВ, ПОЛУЧЕННЫХ ОТ РЕАЛИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ АКТИВОВ, РАНЕЕ ПЕРЕДАННЫХ В УСТАВНЫЕ ФОНДЫ ОРГАНОВ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

| № | *Органы хозяйственного управления, из уставных фондов которых выводятся государственные активы* | *Направление средств, полученных от реализации государственных активов, ранее переданных в уставные фонды органов хозяйственного управления* |
|---|---|---|
| 1. | АК «Узнефтегазишчитаъминот» | АК «Узнефтегазишчитаъминот»* в размере 484,5 млн. сум. для погашения задолженности перед НХК «Узбекнефтегаз» (425 млн. сум.) и акционерами (59,5 млн. сум.) млн. сум. |
| 2. | Территориальные акционерные объединения «Пахтасаноат» | На специальный счет ассоциации «Узпахтасаноат» для дальнейшего целевого их использования на модернизацию и реконструкцию хлопкоочистительных предприятий кроме средств, оставляемых в соответствии с законодательством в распоряжении Госкомимущества, а также направляемых территориальным акционерным объединениям «Пахтасаноат» в размере стоимости включенных в их уставные фонды реализуемых государственных активов. |
| 3. | Другие органы хозяйственного управления | *Данным органам хозяйственного управления в размере стоимости включенных в их уставные фонды реализуемых государственных активов. |

*** Примечание.** *Распределение оставшейся суммы средств от реализации государственных активов после расчетов с АК «Узнефтегазишчитаъминот» и другими органами хозяйственного управления осуществляется в соответствии с Порядком учета поступления, распределения средств от разгосударствления, приватизации государственного имущества и контроля за их использованием, утвержденным постановлением Кабинета Министров от 22 августа 1998 г. № 362.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ*

# ПЕНСИЯ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ПЕНСИОНЕРЛАР ЙИҒМА ЖИЛДИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1710-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 368-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон Қарори билан тасдиқланган «Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан пенсия ва нафақа тайинлаш, қайта ҳисоблаш, тўлаш бўйича қабул қилинган ҳар кунлик ҳужжатларнинг ижросини сифатли ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда таъминлашнинг тартибини белгилаш мақсадида **буюраман:**

1. «Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида»ги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А.ХАИТОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 23 июль*
*118-сон.*

***2007 йил 13 сентябрдан кучга киради.***

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 118-сон буйруғи билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ПЕНСИЯ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ПЕНСИОНЕРЛАР ЙИҒМА ЖИЛДИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон Қарори билан тасдиқланган «Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари

ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартибини белгилайди.

## I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Йўриқнома туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларида (кейинги ўринларда — бўлим) пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни қабул қилиш, пенсия ҳужжатларининг шакллари, тўлдирилиш қоидалари, пенсия иши йиғма жилдини расмийлаштириш, пенсия тайинлаш бўйича барча зарур ҳужжатлар ва рўйхатга олиш китобларини бир хил тартибда юритилишини ташкил этилишини таъминлайди.

2. Бўлимларда пенсия тайинлаш ишлари мазкур Йўриқномага мувофиқ расмийлаштирилади.

3. Бўлимларда пенсия тайинлаш, қайта ҳисоблаш ишларини расмийлаштириш учун мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатилган китоблар юритилади.

Бу китоблардаги рўйхат йил бошида биринчи рақам билан очилади, йил мобайнида янги очилса рақам давом эттирилади, йил якунида дафтар охирги рақам билан ёпилади ва бўлим бошлиғи ҳамда пенсия ва ижтимоий нафақа тайинлаш гуруҳи раҳбари (кейинги ўринларда тайинлаш гуруҳи раҳбари) томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади ва доимий сақлаш учун бўлимнинг архивига топширилади.

4. Пенсия тайинлаш ишларини расмийлаштириш вазифаси бўлимнинг тайинлаш гуруҳи зиммасига, ҳамда бу ишларни ташкил қилиш ва уларни расмийлаштириш юзасидан белгиланган ягона тартибга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаси бўлиб, умумий назорат бўлим бошлиғига юклатилади.

Бўлимнинг ҳар бир ходими ўз ҳудудига тааллуқли ишларни бажариш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, юритиш ва ўз вақтида ижросини таъминлаш учун масъулдир.

5. Бўлимнинг пенсия ва ижтимоий нафақа тайинлаш гуруҳи инспектори (кейинги ўринларда — тайинлаш гуруҳи инспектори) лавозимидан озод этилганда, бошқа лавозимга тайинланганда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда бўлим бошлиғининг буйруғи асосида пенсия ишлари, ҳамда бошқа ҳужжатларни топшириш ва қабул қилиб олиш ишлари тайинлаш гуруҳи раҳбари, инспектори ва ҳуқуқшуносдан иборат ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Пенсия ишлари ва бошқа ҳужжатларни топширилиши ва қабул қилиниши, ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

6. Бўлимга ишга янги қабул қилинган ходимлар мазкур Йўриқнома билан таништирилиши шарт ва улар синов муддати давомида уни тўлиқ ўзлаштириши, синов муддатидан ўтганлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири бўлиши лозим.

## II. ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

7. Пенсия тайинлаш тўғрисида ёзилган ариза, мурожаат этувчи фуқаронинг (васийнинг) доимий яшаш (рўйхатдан ўтган) жойидаги бўлимга топширилади.

8. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар, ишламайдиган фуқароларнинг ўзларидан, агарда ишласа у ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот вакилидан қабул қилинади. Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

9. Ёшга доир пенсия тайинланишини сўраб пенсия ёшига тўлмасдан аввал ҳам мурожаат этиш мумкин, лекин бу мазкур пенсияни олиш ҳуқуқи пайдо бўлишидан бир ойдан олдин бўлмаслиги керак.

10. Пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни қабул қилишда бўлимнинг тайинлаш гуруҳи раҳбари ва инспектори қуйидагиларга эътибор қаратишлари керак:

а) ариза тақдимнома ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномалар тўғри расмийлаштирилганлиги, шунингдек улардаги маълумотларни паспорт ва мурожаат этувчининг бошқа ҳужжатларидаги маълумотларга мос келишини текшириши;

б) тақдим қилинган ҳужжатларнинг мазмуни ва тўғри расмийлаштирилганлиги, уларни бирламчи ҳужжатларга мослигини текшириш лозим. Бунда, фуқаронинг пенсияга бўлган ҳуқуқини, талаб этилган иш стажининг мавжудлигини, тақдим этилаётган ҳужжатларни тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлигини ҳамда пенсия тайинлаш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини кўриб чиқади;

в) қабул қилинаётган ҳужжатни бўлим бошлиғи ёки биринчи ўринбосари кўриб чиқиб, аризага раҳбар кўрсатмасини ёзиб, ҳужжатларни аслига солиштирган ҳолда нусхаларига имзо ва муҳр қўйиб тасдиқлайди;

г) тайинлаш гуруҳи раҳбари аризани махсус китобга рўйхатга олади ва тайинлаш гуруҳи инспекторига расмийлаштириш учун топширади.

11. Тайинлаш гуруҳи инспектори ҳужжатларнинг аслини (меҳнат дафтарчаси ва архив маълумотномаларидан ташқари) қайтаради ва ҳужжатларни қабул қилиб олганлиги тўғрисида мурожаат этувчига тилхат беради, тилхатнинг нусхаси бўлимга тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга сақланади.

12. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинган ҳужжатлар тўлиқ топширилмаган бўлса, аризачига ёки корхона, муассаса, ташкилот вакилига бу ҳақда қачон билдирилганлиги кўрсатилган ёзма хабарнома берилади. Хабарнома нусхаси аризага қўшиб қўйилади ва барча ҳужжатлар билан сақланади.

Етишмаётган ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин бўлимнинг тайинлаш гуруҳи инспектори томонидан қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тилхат берилади ва хабарнома нусхасига ҳамда тақдим қилинган ҳужжатга унинг қачон топширилганлиги ёзилади.

13. Агар улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилса пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун ёки ариза юборилган жойдаги почта штемплида кўрсатилган сана пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун ҳисобланади.

14. Пенсия тайинлаш масаласида мурожаат этувчи фуқаронинг, ёшини ва яшаш манзилини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортини кўрсатиши шарт ва бўлимнинг тайинлаш гуруҳи инспектори унинг паспортидан керакли маълумотларни кўчириб олади. Зарурат туғилса паспортдан нусха олади.

15. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва уларнинг оила аъзоларининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалари юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда қабул қилинади ва расмийлаштирилади.

16. Агар туғилган вақтини кўрсатувчи ҳужжатда аниқ кун кўрсатилмай ой кўрсатилган бўлса, тегишли ойнинг 15-куни туғилган кун ҳисобланади.

Агар тақдим этилган ҳужжатда фақат туғилган йили кўрсатилиб туғилган ойи кўрсатилмаган бўлса, шу йилнинг 1 июли туғилган кун ҳисобланади.

17. Ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлаш тўғрисидаги аризага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 13-иловаси билан тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим қилинади.

18. Пенсия тайинлашда инобатга олиш учун меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган «Пенсия тайин-

лаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ қабул қилинади.

19. Ҳарбий хизматчиларнинг ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 12 ва 13-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

20. Пенсия тайинлаш учун тегишли ҳужжатлар нотариал идора ёки бўлим томонидан тасдиқланиши мумкин.

## III. ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ИШЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Пенсия тайинлашга доир ҳужжатларни бўлим расмийлаштиради. Пенсия тайинлашни (бир турдан иккинчи турга ўтказишни) сўраб ёзилган ариза билан бирга тегишли ҳужжатлар топширилган кундан кейин Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 45-моддасига мувофиқ пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, улар келиб тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

22. Пенсия тайинлаш рад этилган ҳолларда, бўлим томонидан тегишли қарор чиқарилгандан кейин 5 кун ичида пенсия тайинлашни рад этиш сабаби ва шикоят қилиш тартибини тушунтириб, пенсия тайинлаш бўйича мурожаат этган фуқарога ёки корхона, муассаса, ташкилотга хабарнома юборади ва тақдим этилган ҳужжатларни аслини қайтаради.

23. Бўлимга кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларда, уларнинг асосли берилиши бўйича шубҳа туғдирган, иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни пенсия тайинлангунга қадар текшириши мумкин.

24. Пенсия тайинлаш юзасидан мурожаат тегишли ҳужжатлар билан келиб тушгандан сўнг, пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлаш Комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия ) 10 кунлик муддатда қарор (пенсия тайинлаш, пенсия тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларни қайта текшириш ва бошқ.) қабул қилади.

25. Бўлим томонидан пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар юзасидан текширув ўтказилганидан сўнг, Комиссия пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқади.

Бунда, пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг асосли берилганлиги тасдиқланса, у ҳолда Комиссия пенсияни, пенсия тайинлаш учун биринчи маротаба мурожаат этган кундан тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

26. Агар текширилиши керак бўлган ҳужжатларсиз ҳам фуқаронинг пенсия олишга ҳуқуқи бўлса, унинг ёзма розилигига асосан, Комиссия томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда энг кам миқдорда пенсия тайинланиши мумкин.

Агар фуқаро энг кам миқдордаги пенсия тайинланишига рози бўлмаса, Комиссия пенсия тайинлаш бўйича қарорни, ҳужжатлар юзасидан ўтказилаётган текширув ишлари тугаллангандан кейин қабул қилади.

27. Пенсия тайинлаш ёки қайта ҳисоблаш учун тақдим этилган ҳужжатлар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлар, текшириш ўтказилган сана кўрсатилган далолатнома билан расмийлаштирилади.

28. Текшириш корхона, муассаса ёки ташкилот вакили иштирокида ўтказилиб, далолатнома бўлим ходими, корхона, муассаса ёки ташкилот вакили имзолари ва текширилган корхона, муассаса, ташкилот ва архив муҳри билан тасдиқланиши лозим.

29. Тайинлаш гуруҳи инспектори пенсия тайинлаш учун топширилган ҳужжатларга асосан маълумотларни компьютер базасига киритади, меҳнат стажини, ўртача иш ҳақини, пенсия миқдорини ҳисоблаб, ҳисоб-китобларни чоп этади ҳамда Комиссиянинг пенсия тайинлаш ёки пенсия тайинлашни рад этиш юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлайди.

Ҳужжатларни тартиб бўйича тикиб, тайинлаш гуруҳи раҳбарига текшириш учун беради. Пенсия тайинлаш муддатини назорат қилиш учун мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган махсус назорат варақаси тўлдирилади. Пенсия тайинлаш ишларидаги ҳужжатлар мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида кўрсатилган тартибда тикилади.

30. Бўлимнинг тайинлаш гуруҳи раҳбари иш стажи, ўртача иш ҳақи ва пенсия миқдорини тўғри ҳисоблангамлигини, пенсия тайинлаш муддати тўғрилигини текшириб имзо қўяди.

31. Комиссия ҳафтада камида бир маротаба йиғилиш ўтказиб, тақдим этилган ҳужжатлар юзасидан пенсия тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш, пенсиядан ушлаб қолиш, пенсия тўловини тўхтатиш, зарур ҳолларда пенсия тайинлаш ёки қайта ҳисоблаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш, гувоҳлар кўрсатмасига асосан иш стажини тасдиқлаш ва бошқа коллегиал ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

32. Комиссия қарорлари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада барча кўрилган пенсия ишлари умумий рўйхат қилиниб ва унда кўриб чиқилган ҳолатлар тўлиқ кўрсатиб ўтилади.

Баённома Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

33. Пенсионер вафот этгандан кейин унинг ёпилган пенсия иши оила аъзоларига тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсия ишига қўшиб тикилади.

34. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясидан улуш ажратишни сўраб ёзилган ариза қуйидаги тартибда ҳал этилади:

а) асосий боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи яшаб турган жойдаги бўлимга пенсиядан улуш ажратиш тўғрисида хатга ариза ва тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат этади;

б) ушбу мурожаатга асосан уни олган бўлим, бу оила аъзоларининг пенсия олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосий пенсия ишига тикиб қўйилади, пенсиядан улуш ажратиш тўғрисида қарор чиқаради ва қарордан кўчирмани оила аъзоларидан алоҳида яшаб турган жойдаги бўлимига юборади;

в) пенсиядан улуш ажратилганлиги тўғрисида қарордан кўчирмани олган бўлим, қарорни «пенсия ишига» тикади ҳамда уни пенсия ва нафақалар тўлови бўйича мониторинг гуруҳига беради, ушбу гуруҳ томонидан алоҳида шахсий ҳисобварақаси очилади, шу ҳисобварақасидаги рақам улуш олувчининг «пенсия иши»га ҳам қўйилади;

г) пенсиядан улуш олувчиларнинг «пенсия иш»лари алоҳида сақланади.

Бўлим пенсиядан улуш олувчи оила аъзоларининг таркибида бўлган ва пенсиянинг миқдорини ўзгартириш ёки пенсия тўловини тўхтатишга сабаб бўладиган барча ўзгаришлар тўғрисида тегишли бўлимга хабар қилиши шарт;

д) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган оиланинг бир туманда (шаҳарда) яшаб турган аъзоларига пенсиядан улуш ажратиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда амалга оширилади;

е) пенсия иши сақланаётган бўлим оила таркибида ўзгаришлар бўлганлиги муносабати билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонларига асосан пенсия миқдорини қайтадан кўриб чиққанида, бошқа туманда (шаҳар-

да) яшаб турган оила аъзолари учун пенсиядан ажратилган улушнинг янги миқдори тўғрисидаги фармойишни янгидан расмийлаштириб пенсия тўлови амалга оширилаётган тегишли бўлимга юбориши шарт.

35. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан тасдиқланганидан кейин пенсия иши пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлови бўйича мониторинг гуруҳига махсус китобга қайд этилиб берилади (махсус китоб намунаси мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида келтирилган). Ушбу китоб бўйича тўлов ҳужжатларини расмийлаштирилиши, пенсия ишларининг қайтарилиш муддатлари назорат қилинади.

36. Шахсий ҳисобварақаси очилгандан кейин пенсия олувчининг ишига шахсий ҳисобварақаси рақами билан бир хил рақам қўйилади, тўлов ҳужжати расмийлаштирилиб, тайинлаш гуруҳи инспекторига қайтарилади.

37. Тайинлаш гуруҳи инспектори пенсия ишига асосан пенсия гувоҳномасини ёзади. Пенсия гувоҳномаси бланкаси қатъий ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади ва бўлим бошлиғи томонидан масъул этиб белгиланган ходимда сақланади.

38. Пенсия гувоҳномаси олувчи фуқаро бўлимга 2 та расм тақдим этади (биттаси гувоҳномага, иккинчиси гувоҳномаларни рўйхатга олиш китобига ёпиштириб қўйиш учун).

39. Пенсия гувоҳномаси, гувоҳномалар берилишини ҳисобга олиб бориш мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган китобга ёзилиб, пенсионерга уни олганлиги тўғрисида имзо чектирилиб берилади.

40. Пенсия гувоҳномаси йўқолган тақдирда гувоҳноманинг «дубликати» берилади. «Дубликатга» йўқотилган гувоҳноманинг рақами берилади ва гувоҳномаларни ҳисобга олиб бориш китобига қайси рақам билан қайд этилганлиги ёзиб қўйилади.

41. Пенсия олиш тўғрисидаги маълумотнома мазкур Йўриқноманинг 6-иловасида келтирилган китобга, аризачига уни олганлиги тўғрисида имзо қўйдириб берилади.

42. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ҳам, (фуқаролиги бўлмаган шахсларга) ҳам шахсий ҳисобварақаси очиш ва пенсия гувоҳномаси юқорида кўрсатилган тартибда берилади.

43. Ҳаракатдаги пенсия ишлари бўлимнинг тайинлаш инспекторларида сақланади ва уларнинг тўлиқ сақланишига ушбу шахслар масъул ҳисобланадилар.

## IV. ПЕНСИЯНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ, ПЕНСИЯ ТЎЛАШНИ ТЎХТАТИШ (ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИБ ТУРИШ), ТИКЛАШ ВА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

44. Пенсияни қайта ҳисоблашни, бир турдаги пенсиядан бошқа турдаги пенсияга ўтказишни, аввал тайинланган пенсияни тиклашни сўраб ёзилган ариза, тегишли ҳужжатлар билан бирга бўлимга топширилади. Пенсияларни қайта ҳисоблаш бир турдаги пенсиядан бошқа турдаги пенсияга ўтказиш, аввал тайинланган пенсияни тиклаш тўғрисидаги аризалар 5 кун ичида кўриб чиқилади.

45. Фуқаро қайта ҳисоблаш учун қўшимча ҳужжатлар билан мурожаат этганда тайинлаш гуруҳи раҳбари ва инспектори:

а) тақдим қилинаётган ҳужжатлар ва қайта ҳисоблаш бўйича аризани бўлим бошлиғи ёки биринчи ўринбосарга киритади;

б) бўлим бошлиғи ёки биринчи ўринбосар аризага тегишли кўрсатма қўяди;

в) тайинлаш гуруҳи инспектори аризани қабул қилиб олганлиги тўғрисида мурожаат этувчига тилхат ёзиб беради ва қайд этиш китобига рўйхатга олади.

46. Ариза рўйхатга олингандан кейин, тегишли ҳужжатлар билан бирга тайинлаш гуруҳи инспектори томонидан қайта ҳисобланади ва текшириш учун тайинлаш гуруҳ раҳбарига берилади ва тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этилади. Пенсияларни қайта ҳисоблашдаги ҳужжатлар мазкур Йўриқноманинг 7-иловасида кўрсатилган тартибда тикилади.

47. Пенсияни қайта ҳисоблашда, бир турдаги пенсиядан бошқа турдаги пенсияга ўтказишда, аввал тайинланган пенсияни тиклашни рад этилган ҳолда, Комиссиянинг тегишли қарори чиқарилган кундан бошлаб 5 кун ичида рад этиш сабаби ва арз қилиш тартиби тушунтирилиб, аризачига ёки корхона, муассаса, ташкилотга хабарнома юборади ва тақдим этилган ҳужжатларнинг аслини қайтаради.

48. Пенсия нотўғри тайинланганлиги аниқланган ҳолларда, пенсия тўловини тўхтатиш масаласи Комиссия томонидан кўриб чиқилади ва баённома билан расмийлаштирилиб, 5 кун ичида фуқарога ёки корхона, муассаса, ташкилотга баённомадан кўчирма берилади (юборилади).

49. Пенсия тўлови қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилганда, (масалан пенсия тўлаш муддати тугаганда, пенсионер вафот этганда ёки пенсия тўлови вақтинча тўхтатилганда, тиббий меҳнат эксперт комиссиясидан (ТМЭК) кўригидан ўтиш муддати ўтказиб юборилганда, пенсионер озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганда ва бошқа ҳолларда), пенсия тўлашни тўхтатиш ёки вақтинча тўхтатиб туриш пенсия ва нафақалар тўлови бўйича мониторинг гуруҳи томонидан пенсия ишининг махсус графасига тўлов қачондан тўхтатилганлиги ва тўхтатилиш сабабини кўрсатилиб, расмийлаштирилади.

50. ТМЭК кўригидан ўз вақтида ўтмасдан кейинчалик ўтиб, унга Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 55-моддасига асосан пенсияни тўлаш Комиссия қарорига асосан расмийлаштирилади.

51. Пенсияни тиклаш Комиссия қарори билан расмийлаштирилади. Пенсияни тиклаш рад этилган ҳолларда, бу ҳақда аризачи 5 кунлик муддатда ёзма равишда хабардор қилинади.

## V. ПЕНСИОНЕР ЯШАБ ТУРГАН ЖОЙИНИ ЎЗГАРТИРГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПЕНСИЯ ИШИНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ВА ҲИСОБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

52. Пенсионер доимий яшаш учун бошқа туманга (шаҳарга) кўчиб кетаётганда пенсия ишини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза (ёки кўчиб кетаётган жойдаги бўлимдан сўровнома) беради.

53. Кўчиб кетаётган пенсионерга аввал рўйхатда турган бўлим томонидан рўйхатдан чиққан ойининг пенсияси тўлаб берилади (агар пенсия тўлови олдиндан тўхтатилмаган бўлса, яъни муддати тугаган, узоқ вақтдан буён пенсия олишга мурожаат этмаган бўлса).

54. Қайси муддатгача пенсия тўланганлиги пенсия ишига ва шахсий ҳисобварақасига ёзиб қўйилади.

55. Пенсионерни ҳисобдан чиқариш бўлимнинг пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлови бўйича мониторинг гуруҳи томонидан расмийлаштирилади. Бу ҳақда пенсия ишига ва шахсий варақага тегишли равишда ёзиб қўйилади.

56. Пенсионернинг яшаш жойи ўзгарганлиги муносабати билан пенсия ишини ҳисобга олишни сўраб ёзган аризасига асосан, унинг янги яшаш жойидаги бўлим мазкур туманда яшаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат, яъни янги яшаш жойида рўйхатга олинганлиги тўғрисида белги қўйилган паспорт асосида ҳисобга олади ва 3 кунлик муддатда пенсия ишини юбориш тўғрисида аввал ҳисобда турган бўлимга сўровнома юборади.

57. Сўровномани олган бўлим 5 кунлик муддатда пенсия ишини сўровнома берган бўлимга юборади.

58. Пенсиядан чегирма ушланиб келинган ҳолларда,

маблағ ушлаб қолиш учун асос бўладиган ижро ҳужжатлари тегишли судга қайтарилади. Судга қайтариш жараёнида, қайтарилиш сабаблари ва пенсионернинг янги манзили тўғрисида маълумот кўрсатилади.

59. Пенсия иши фақатгина фуқаро яшаш жойини республика ҳудудида ўзгартирган тақдирда янги яшаш жойига берилади.

Доимий яшаш учун чет давлатга кўчиб кетган фуқаронинг пенсия иши берилмайди.

60. МДҲ давлатларига кўчиб кетаётган пенсионерларнинг пенсия ишларини бериш (юбориш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

61. Пенсионернинг янги яшаш жойидаги бўлим пенсия ишини олгандан сўнг, пенсионер тўғрисидаги маълумотларни компьютер базасига киритади. Назорат тариқасида қайта тайинлаш бўйича компьютер ҳисобларини (пенсия миқдори, ўртача ойлик иш ҳақи, стажининг ҳисоби) чоп этиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилган фармойиш асосида пенсионернинг илгари яшаб турган жойида қайси вақтгача пенсия тўланган бўлса, шу вақтдан бошлаб (қонун асосида) пенсия тўлови давом эттирилади.

62. Пенсиядан улуш олиб келаётган оила аъзоси доимий яшаш учун бошқа туманга (шаҳарга) кўчиб борганида янги жойдаги бўлим пенсиядан улуш ажратиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирмасини юбориш тўғрисида, шу улуш олувчи илгари яшаб турган жойдаги бўлимга сўровнома юборади.

63. Пенсия улушини тўлаб турган бўлим, шу хатни олганидан кейин 3 кунлик муддат ичида қарордан кўчирмани ва пенсия улуши қачонгача тўланганлиги кўрсатиб ёзилган маълумотномани пенсиядан улуш олувчининг янги яшаш жойидаги бўлимга юборади. Бир вақтнинг ўзида пенсиядан улуш олувчи оила аъзосининг яшаш манзили ўзгарганлиги хақида, асосий пенсия иши сақланаётган бўлимга ҳам хабар берилади.

64. Пенсия ишларини юбориш тўғрисида ёзилган хатлар ва келган пенсия ишлар бўлимда алоҳида юритилган китобларда қайд этилади.

Пенсия ишларини юборишни сўраб ёзган сўровномалар ва ишларни жўнатишга доир барча ёзишма алоҳида йиғмажилдга тикиб қўйилади.

## VI. ПЕНСИЯ ОЛУВЧИНИНГ ПЕНСИЯ ИШИНИ САҚЛАШ, АРХИВНИ ЮРИТИШ

65. Пенсия ишлари махсус жиҳозланган хонада сақланади.

Ҳаракатдаги пенсия ишларини сақлаш бўйича жавобгар, тайинлаш гуруҳи раҳбарлари ва инспекторлари ҳисобланади.

66. «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаб турган пенсионернинг пенсия иши шу муассаса жойлашган бўлимда сақланади. Пенсионерга пенсия белгиланган тартибда мазкур бўлим томонидан тўланади.

Руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилган ва васий тайинланган пенсионернинг пенсия иши васийнинг яшаб турган жойидаги бўлимда сақланади.

67. Пенсия тўлаш тўхтатилган фуқароларнинг пенсия ишлари, ҳаракатдаги пенсия ишларидан алоҳида ажратилган ҳолда бўлим архивида сақланади.

68. Бўлимнинг архивидаги пенсия ишлари алфавит китобига қайд этилади ва китобга қайси рақам билан ёзилган бўлса, пенсия ишига ҳам шу рақам қўйилади. Ҳар бир алфавит ҳарфи бўйича бирдан бошлаб алоҳида тартиб рақам қўйиб борилади.

69. Алфавит китобига пенсионернинг фамилияси, исми, отасининг исми, пенсия тури, архивдаги иш бошқа жойга жўнатилганлиги тўғрисидаги ёзув каби маълумотлар киритилиши лозим.

70. Бўлимнинг архивида пенсия ишларининг сақланишига архивчи (архивариус штати йўқ жойларда бўлим бошлиғининг буйруғи билан масъул этиб тайинланган ходим) зиммасига юклатилади.

71. Пенсия тайинлаш рад этилган фуқароларнинг ишлари архивда алоҳида сақланади. Бу ишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

а) пенсия тайинлашни сўраб ёзилган ариза;

б) ариза ва тақдим қилинган ҳужжатларни қабул қилганлик тўғрисидаги тилхат нусхаси;

в) иш стажи ва иш ҳақи ҳисоби;

г) аризачи томонидан топширилган ёки бўлим томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг нусхалари ёки кўчирмалари;

д) Комиссия баённомасидан кўчирма ва пенсия тайинлаш рад қилинганлиги тўғрисида ёзилган хабарноманинг нусхаси. Хабарнома ариза эгасига топширилган бўлса унинг нусхасида ариза эгасининг ҳужжатларни қайтариб олганлиги тўғрисида, олган санасини кўрсатган ҳолда қўйган имзоси бўлиши шарт.

Агар ҳужжатлар почта орқали юборилган бўлса, буюртма билан юборилганлиги ҳақида почтадан берилган квитанциянинг рақами ва санаси кўрсатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ишнинг муқовасига тикиб қўйилади ва алфавит тартибида сақланади. Ишнинг муқовасига ариза эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили ёзилади.

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
*1-ИЛОВА*

## ТУМАН (ШАҲАР) ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМЛАРИДА ПЕНСИЯЛАРНИ ТАЙИНЛАШ, ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ИШЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ЮРИТИЛАДИГАН КИТОБЛАР РЎЙХАТИ

| № | Ҳужжат номи | Масъул | Назорат |
|---|---|---|---|
| 1. | Пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризаларни қайд этиш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари | Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 2. | Пенсия қайта ҳисоблаш бўйича аризаларни қайд этиш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари | Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 3. | Пенсия олувчиларни яшаш манзили ўзгариши муносабати билан пенсия ишларини рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари | Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 4. | Компенсация тайинлаш бўйича аризаларни қайд этиш китоби | Бўлим бошлиғининг буйруғи билан масъул этиб белгиланган ходим | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 5. | Пенсия тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш, пенсиядан ушлаб қолиш, пенсия тайинлаш ёки қайта ҳисоблаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш, гувоҳлар кўрсатмасига асосан иш стажини тасдиқлаш ва бошқа коллегиал ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар юзасидан комиссия қарорини қайд этиш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари | Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 6. | Қабул қилинган ҳужжатларни тўлов бўйича мониторинг гуруҳига беришни қайд қилиш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори | Пенсия тайинлаш, ҳамда тўлов бўйича мониторинг гуруҳи раҳбарлари |

| № | Ҳужжат номи | Масъул | Назорат |
|---|---|---|---|
| 7. | ТМЭК маълумотномаларини рўйхатга олиш китоби | Бўлим бошлиғининг буйруғи билан масъул этиб белгиланган ходим | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 8. | Жамғариб бориладиган пенсияга бўлган ҳуқуқини белгиловчи гувоҳномани берилишини ҳисобини олиб бориш китоби | Бўлим бошлиғининг буйруғи билан масъул этиб белгиланган ходим | Бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 9. | Пенсия гувоҳномалари беришни ҳисобга олиш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 10. | Пенсия олиш тўғрисида маълумотномалар беришни ҳисобга олиш китоби | Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |

**Юқорида кўрсатиб ўтилган барча китоблар:**

| № | Юритилиш талаблари | Масъул |
|---|---|---|
| 1. | Рақамланиши | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 2. | Тикилиши | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 3. | Имзоланиши | Бўлим бошлиғи ва пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 4. | Муҳр билан тасдиқланиши | Бўлим бошлиғи |
| 5. | Ёзувларни ўчириш, ўзгартиришлар киритиш мумкин эмаслиги | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 6. | Реквизитларни тўлиқ тўлғазилиши | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |
| 7. | Ўз вақтида ёпилиши лозим | Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари |

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
*2-ИЛОВА*

## ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ МУДДАТИНИ НАЗОРАТ ВАРАҚАСИ

| Тайинлаш гуруҳи инспектори | | Тайинлаш гуруҳи катта инспектори | | | Тайинлаш гуруҳи раҳбари | | Бошлиқ ўринбосари | | | Бошлиқ хулосаси | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| қабул қилинган кун | тасдиқ қилинган кун | қабул қилинди | қайтарилди | имзоланди | қабул қилинди | имзоланди | қабул қилинди | қайтарилди | имзоланди | қабул қилинди | қайтарилди | имзоланди |
| | | | | | | | | | | | | |
| ҚАЙТАРИЛИШ САБАБЛАРИ | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

*Изоҳ: пенсия ишини охирига тикилади ва барча тайинлаш поғоналарида қайтариш сабаблари, имзо саналари тўлиқ ёзилади.*

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
*3-ИЛОВА*

## ПЕНСИЯ ИШЛАРИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТИКИЛИШ ТАРТИБИ

| № | Ҳужжат номи |
|---|---|
| | **Ёшга доир пенсия ишларида:** |
| 1. | Ариза |
| 2. | Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор ва пенсия ҳисоби |
| 3. | Иш стажи ҳисоби |
| 4. | Ўртача иш ҳақи ҳисоби |
| 5. | Иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 6. | Иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 7. | Пенсияга устама олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 8. | Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар |
| | **Ногиронлик пенсия ишларида:** |
| 1. | Ариза |
| 2. | Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор ва пенсия ҳисоби |
| 3. | Иш стажи ҳисоби |
| 4. | Ўртача иш ҳақи ҳисоби |

| № | Ҳужжат номи |
|---|---|
| 5. | Иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 6. | Иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 7. | Пенсияга устама олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 8. | ТМЭК маълумотномаси |
| 9. | Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар |
| | **Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ишларида:** |
| 1. | Ариза |
| 2. | Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор ва пенсия ҳисоби |
| 3. | Иш стажи ҳисоби |
| 4. | Ўртача иш ҳақи ҳисоби |
| 5. | Вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома |
| 6. | Иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 7. | Иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 8. | Пенсияга устама олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 9. | Оила аъзоларини вафот этган боқувчига қариндошлик алоқасини тасдиқловчи ҳужжатлар |
| 10. | Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган оила аъзолари тўғрисида яшаш жойидан маълумот |
| 11. | Ногирон бўлган оила аъзоларига ТМЭК маълумотномаси |
| 12. | Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар |

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
4-ИЛОВА

## ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТЎЛОВ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ГУРУҲИГА БЕРИШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ КИТОБИ

*Намуна*

| т/р | Пенсия иши рақами | Ф.И.Ш. | Берилаётган ҳужжатлар мазмуни (қисқача) | Ҳужжатлар берилиш вақти | Ҳисобчи имзоси | Тўловга чиқарилган ёки қайтарилган ҳужжатлар | Тўловга чиқарилган ёки қайтарилган ҳужжатларнинг қайтарилган санаси | Мутахассис имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 013520 | А.Ким | Пенсия тайинлаш масаласида | 15.01.2007 | -- | Алоқа бўлими ёки халқ банки | 18.01.07 | -- |
| 2. | 012560 | Б.Яков | Кўчиб келган пенсионер иши | 13.01.2007 | -- | Алоқа бўлими, халқ банки, иш жойи | 18.01.07 | -- |
| 3. | 012450 | З.Хан | ТМЭК дан қайта ўтган | 19.01.2007 | -- | Алоқа бўлими, халқ банки, иш жойи | 20.01.07 | |

***Изоҳ:*** *кўчиб келган ёки янги тайинланган пенсия ишларига шахсий ҳисоб рақамини фақат мониторинг гуруҳи инспектори расмийлаштиргандан кейин у тарафидан ёзилади.*

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
5-ИЛОВА

## ПЕНСИЯ ГУВОҲНОМАЛАРИ БЕРИШНИ ҲИСОБГА ОЛИШ КИТОБИ

*Намуна*

| Т/р | Шахсий ҳисоб рақами | Ф.И.Ш. | Берилган сана | Пенсионернинг имзоси | Фото-сурат жойи |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
6-ИЛОВА

## ПЕНСИОНЕРЛАРГА МАЪЛУМОТНОМАЛАР БЕРИШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ КИТОБИ

*Намуна*

| Т/р | Шахсий ҳисоб рақами | Ф.И.Ш. | Берилган сана | Маълумотнома қаерга берилганлиги тўғрисида белги | Пенсионернинг имзоси |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

*Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага*
*7-ИЛОВА*

**ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ПЕНСИЯ ИШИДА ТИКИЛИШ ТАРТИБИ**

| Т/р | Ҳужжат номи |
|---|---|
| 1. | Қайта ҳисоблаш тўғрисида пенсия тайинлаш комиссиясининг (янги миқдордаги) фармойиши |
| 2. | Ариза (Пенсия тайинлаш бўйича аввал тикилган барча ҳужжатлардан кейин) |
| 3. | Иш стажи ҳисоби |
| 4. | Иш ҳақи ҳисоби |
| 5. | Иш стажини тасдиқловчи қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар (пенсия тайинлангунча ёки 1994 йил июлгача) |
| 6. | Иш ҳақи тўғрисидаги янги (қўшимча) маълумотномалар (пенсия тайинлангунча ёки 1994 йил июлгача) |
| 7. | Пенсияни қайта ҳисоблаш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар |

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

# МАХСУС, АНТИДЕМПИНГ ВА КОМПЕНСАЦИЯ БОЖЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ, УНДИРИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 сентябрда 1718-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 398-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Божхона хизмати тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 4-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 129-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 149-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***2007 йил 30 сентябрдан кучга киради.**

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***
*01-02/8-3-сон*

***Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири***
***Э.ҒАНИЕВ.***
*ЭГ-01/10-3339-сон*

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХЎЖАЕВ.***
*20-сон*

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*58-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 15 июнь.*

*Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 июндаги 01-02/8-3, ЭГ-01/10-3339, 20, 58-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## МАХСУС, АНТИДЕМПИНГ ВА КОМПЕНСАЦИЯ БОЖЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ, УНДИРИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 149-модда) мувофиқ махсус, антидемпинг ва компенсация божларини (бундан кейин алоҳида

божхона божлари деб юритилади) ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Алоҳида божхона божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус, антидемпинг ва компенсация божларини қўллаш тўғрисидаги қарорлари асосида божхона органлари томонидан ундирилади.

Алоҳида ҳолларда, ваколатли органнинг текшируви тугаллангунга ва у томонидан алоҳида божхона божларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси тақдим этилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вақтинчалик алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Вақтинчалик алоҳида божхона божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисидаги якуний қарори қабул қилингунга қадар қўлланилади.

2. Алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ставкалари ва қўллаш муддатлари, зарур ҳолларда эса қайтариш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарорига мувофиқ ваколатли орган томонидан ўтказилган текширувлар натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3. Алоҳида божхона божларини (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ҳисоблаш ва ундириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган кундан эътиборан бошланади.

4. Алоҳида божхона божларининг миқдорини белгилашда адвалор, хос ва аралаш ставкалар қўлланилиши мумкин.

5. Алоҳида божхона божларини (вақтинчалик алоҳида божхона божларини) ҳисоблаш учун асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

адвалор ставкалар ва аралаш ставкаларнинг адвалор қисми учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бож ундириладиган товарнинг божхона қиймати;

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНга мувофиқ бож ундириладиган товарнинг тегишли ўлчов бирлиги — хос ставкалар ва аралаш ставкаларнинг хос қисми учун.

6. Алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) импорт товарлари учун белгиланган божхона тўловлари билан бир қаторда ундирилади ва солиққа тортиладиган сумма миқдорига қўшилмайди.

7. Алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) импорт қилинган товарлар бўйича адвалор ставкаларда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

**Абс = Бқ х АБ/100%,** бунда:

**Абс** — алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) суммаси;

**Бқ** — импорт қилинаётган товарнинг божхона қиймати;

**АБ** — ўтказилган текширув натижаларига ёки дастлабки хулосага кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган алоҳида божхона божларининг тегишли ставкаси.

8. Агар алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ҳар қандай мамлакат товарларига нисбатан қўлланилса, улар ушбу товарларнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, белгиланган миқдорда ундирилади.

9. Агар алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) бирор-бир алоҳида мамлакатнинг товарларига нисбатан қўлланилса, кўрсатилган мамлакатнинг товарлари билан бир қаторда, товарнинг келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарлардан ҳам белгиланган миқдорда ундирилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, алоҳида божхона божлари жорий қилинган товарга нисбатан унинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида, божхона органлари товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи сертификатнинг тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам, алоҳида божхона божлари ундирилади.

10. Келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарларга тўланган алоҳида божхона божлари суммаси, импортёр томонидан божхона расмийлаштируви амалга оширилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат тақдим этилган тақдирда (товарларига алоҳида божхона божлари жорий қилинган мамлакатлар бундан мустасно), «Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқнома»га (2000 йил 14 июль, рўйхат рақами 947, — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон) (бундан кейин – Йўриқнома деб юритилади) мувофиқ қайтарилади.

### II. МАХСУС БОЖЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

11. Махсус божлар зарур миқдорда ва муддатларда товарлар импортининг ўсиши натижасида иқтисодиёт тармоғига етказилган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфи туғилишини бартараф этиш учун қўлланилади.

12. Махсус божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, агар текшириш натижасида ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт қилиниши ортиб кетган ҳажмда (мутлақ ифодада ёки Ўзбекистон Республикасида унинг ишлаб чиқарилишига нисбатан) ва иқтисодиёт тармоғига зарар етказаётган ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдирадиган шароитларда амалга оширилаётганлиги аниқланган бўлса қўлланилади.

13. Амал қилиш муддатлари:

вақтинчалик махсус божлар учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган кундан эътиборан икки юз календарь кун;

махсус божлар учун — тўрт йилгача (вақтинчалик махсус божларнинг амал қилиш муддатини қўшган ҳолда). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, махсус божларнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин, аммо бунда унинг амал қилишининг умумий муддати саккиз йилдан ошмаслиги лозим.

14. Агар махсус божлар вақтинчалик махсус божлардан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқи тўловчидан ундирилмайди.

15. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, ваколатли органнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус божлар миқдорини камайтириши мумкин.

16. Агар махсус божлар вақтинчалик махсус божлардан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқи тўловчига Йўриқномага асосан қайтариб берилади.

17. Агар текшириш натижаларига кўра ваколатли орган томонидан товар импорти кўпайганлиги оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, вақтинчалик божни ундириш тўхтатилади, олдин тўланган вақтинчалик махсус божлар суммалари эса Йўриқномага асосан тўловчига қайтариб берилади.

### III. АНТИДЕМПИНГ БОЖЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

18. Антидемпинг божлари божхона ҳудудига экспорт

нархи нормал қийматидан паст бўлган товарларни импорт қилиш ҳолларида, агар бундай импорт иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётган ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётган бўлса қўлланилади.

19. Антидемпинг божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, агар ваколатли органнинг текшируви натижаларига кўра демпинг нархлар бўйича товарлар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётганлиги аниқланганда қўлланилади.

20. Антидемпинг божлари бир ёки бир нечта товар етказиб берувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

21. Антидемпинг божлари турлари:

а) индивидуал — ҳар бир маълум чет эл экспортёри ёки чет эл товар ишлаб чиқарувчисига нисбатан қўлланилади;

б) ягона — барча маълум чет эл экспортёрлари ёки чет эл товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланилади.

22. Амал қилиш муддатлари:

вақтинчалик антидемпинг божлари учун — олти ойгача, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тўққиз ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин;

антидемпинг божлари учун — беш йилгача (вақтинчалик антидемпинг божларининг амал қилиш муддати қўшилган ҳолда), кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

23. Агар антидемпинг божлари вақтинчалик антидемпинг божларидан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

24. Агар антидемпинг божлари вақтинчалик антидемпинг божларидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

25. Агар ваколатли органнинг текширув натижаларига кўра демпинг нархлар бўйича товарлар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан вақтинчалик антидемпинг божларининг ундирилиши тўхтатилади, илгари тўланган суммалар Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

## IV. КОМПЕНСАЦИЯ БОЖЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

26. Компенсация божлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ёки ташишда бевосита ёки билвосита чет давлатларнинг субсидияларидан фойдаланилган товарларни олиб кириш ҳолларида, агар бундай импорт иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказадиган ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдирадиган бўлса қўлланилади.

27. Компенсация божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, агар ваколатли органнинг текшируви натижаларига кўра субсидия қилинган товарларнинг импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётганлиги аниқланган бўлса қўлланилади.

28. Битта товарга нисбатан бир вақтнинг ўзида компенсация ва антидемпинг божларини қўлланилишига йўл қўйилмайди.

29. Амал қилиш муддатлари:

вақтинчалик компенсация божлари учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган кундан эътиборан тўрт ойгача;

компенсация божлари учун — қўлланиш бошланган ёки субсидия билан таъминланган товарлар импорти ва жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказиш хавфининг бор-йўқлигини аниқлаш юзасидан текшириш натижаларини охирги марта қайта кўриб чиқиш бошланган пайтдан эътиборан беш йилдан (вақтинчалик компенсация божларининг амал қилиш муддатини қўшган ҳолда) ошмаслиги лозим.

30. Агар компенсация божлари вақтинчалик компенсация божларидан кўп миқдорда белгиланган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

31. Компенсация божларининг ставкаси субсидия миқдоридан кам бўлиши мумкин, агар бундай кам ставка иқтисодиёт тармоғига етказилган зарарни бартараф этиш учун етарли бўлса.

32. Агар компенсация божлари вақтинчалик компенсация божларидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

33. Агар ваколатли органнинг текширув натижаларига кўра субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан вақтинчалик компенсация божларининг ундирилиши тўхтатилади, илгари тўланган суммалар Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

## V. АЛОҲИДА БОЖХОНА БОЖЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

34. Алоҳида божхона божларининг тўловчиси бўлиб декларантлар — юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс тўловчининг ўрнига алоҳида божхона божларини тўлашга ҳақли.

35. Алоҳида божхона божларини ҳисоблаш ва тўлаш импорт товарларини божхона расмийлаштируви вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Божхона юк декларациясининг 47-графаси, «Тур» устунида «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (1999 йил ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 12-сон), билан тасдиқланган Божхона тўловлари классификаторига мувофиқ алоҳида божхона божлари турининг коди кўрсатилади.

| Коди | Тўлов турининг номи |
|---|---|
| | 8. Алоҳида божхона божлари |
| 80 | Махсус бож |
| 81 | Вақтинчалик махсус бож |
| 82 | Антидемпинг божи |
| 83 | Вақтинчалик антидемпинг божи |
| 84 | Компенсация божи |
| 85 | Вақтинчалик компенсация божи |

36. Вақтинчалик алоҳида божхона божларини ҳисобини юритиш ва тўплаш учун Давлат божхона қўмитаси тўланган пул маблағлари ҳудудий божхона бошқармалари томонидан ўтказилиши учун ваколатли банкда алоҳида депозит ҳисобини очади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисидаги қарорини қабул қилгунга қадар, вақтинчалик алоҳида божхона божлари давлат бюджетига ўтказилмайди ва истиқбол режани бажариш кўрсаткичларига қўшилмайди.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида божхона божларни қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, божхона тўловлари бўйича истиқбол режаларни бажариш кўрсаткичларига қўшилган ҳолда, вақтинчалик алоҳида божхона божлари бўйича илгари тўланган пул маблағлари давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлар ва харажатлар классификациясининг тегишли параграфига ўтказилади.

38. Алоҳида божхона божларини ундириш, ҳисобини юритиш ва давлат бюджетига ўтказиш, шунингдек улар бўйича ҳисоботни юритиш Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий божхона бошқармалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хорижий тажриба

# ЖАРИМАНИНГ ҚУДРАТИ

***Ўтган йил охирида Суд приставлари федерал хизматининг Санкт-Петербург бўйича бош бошқармаси ижро варақалари бўйича тўловларни тўламаган баъзи фуқароларнинг хорижга чиқишини чеклаш тўғрисидаги қарорини эълон қилди.***

## ХОРИЖГА ЧИҚИШ ҚАНДАЙ ТАҚИҚЛАНАДИ

Сўндирилмаган қарзлар туфайли хорижга чиқишни тақиқлаш билан боғлиқ жанжаллар Россияда илгари ҳам юз берарди. Масалан, 2004 йилда балет юлдузи Анастасия Волочкова Внуково аэропортида ижрочи суд приставининг Россия Федерациясидан ташқарига чиқиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги қарори муносабати билан чегара назорати томонидан ушлаб қолинган эди. Маълум бўлишича, киборлар дунёсида дэнгдор балерина ижро варақаси бўйича қарзини тўламаган экан. Қарз архитектура фирмасининг даъво аризасига кўра юзага келиб, Волочкова хоним ўзининг Санкт-Петербургдаги кошонасида қилинган таъмирлашларга ҳақ тўлаш масаласини фирма билан охиригача келишиб олмаган экан. Бир оз вақт ўтгач, ижрочи суд пристави янги қарор чиқариб, юлдузнинг хорижга чиқишига бўлган тақиқни бекор қилди.

Бироқ питерлик ижрочи приставларнинг янги ташаббуси анча оммавий тусга эгадир. Рўйхатда 177 нафар қарздор бўлиб, улар хорижга чиқишида муаммолар юзага келиши тўғрисида огоҳлантирилди, улар орасида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўламаган транспорт воситалари эгалари, алиментларни тўлашдан қочиб юрганлар, коммунал хизматлар учун қарзларини тўламаган фуқаролар бор. Суд ижрочилари хизмати «РФдан чиқиш ва РФга келиш тартиби тўғрисида»ги федерал қонун қоидасига асосланяпти, унга кўра суд томонидан фуқаро зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ҳолларда, улар ижро этилишигача ёки тарафлар томонидан келишувга эришилгунга қадар, мамлакатдан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланиши мумкин. Чегара пунктларида паспорт назоратидан ўтилаётганда қора рўйхатдаги қарздорлардан хориж паспортлари олиб қўйилади. Уларга ижро ишини юритиш материаллари билан танишиш учун рўйхатдан ўтказиш жойидаги СПФХнинг туман бўлимига дарҳол мурожаат қилиш тавсия қилинади. Чеклаш бекор қилиниши учун қарзни сўндириш керак. Шундан сўнг ижрочи суд пристави қарор тайёрлайди, уни Россия ХФХнинг чегара хизмати ходимлари 30 сутка мобайнида ижро этишлари даркор.

Авваллари қарздорлар тўғрисидаги ахборот приставлар хизмати сайтида жойлаштирилган эди. Бироқ 2006 йил 19 декабрда бундай ахборот уни эълон қилишнинг «мақсадга мувофиқ эмаслиги» боис сайтдан чиқарилди. 26 январда «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги федерал қонун кучга кирди, у бундай ахборотни эълон этишни тақиқлайди. Гарчи СПФХнинг Санкт-Петербург бўйича бош бошқармаси ҳаракатлари расман унинг амал қилиш доирасига кирмаса-да, улар одобга хилоф ҳисобланади. Айтмоқчи, қора рўйхатни йўқ қилиш муаммони бартараф қилмади, балки вазиятни чуқурлаштирди: энди мамлакатдан хорижга чиқмоқчи бўлган ҳар бир фуқарога қарздор ёки қарздор эмаслигини туман приставлар хизматида мустақил равишда текшириш тавсия қилинмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд ишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олганда ҳар қандай киши хорижга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Агар сиз йўл ҳаракати қоидаларини бузган бўлсангиз, ҳатто жаримани ихтиёрий равишда тўласангиз ҳам, агар бундан ЙҲХДИни махсус хабардор қилмаган бўлсангиз, сизни қарздор деб ҳисоблашда давом этишлари мумкин: маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг давлат ҳисоби тизими йўлга қўйилмаган. Бошқа бир мисол. Сиз янги истиқомат жойига кўчиб ўтдингиз, сизнинг кредиторингиз эса, буни билмаганлиги боис, судга ундириш даъвоси билан мурожаат қилиб, эски манзилни кўрсатди. Суд бу ҳолда сиртдан ҳал қилув қарори чиқара оладики, бундан сиз умуман бехабар бўлишингиз мумкин.

Агар боқимонда ва пеняни ундириш бўйича ижро ҳужжати ижрочи суд приставига берилган бўлса, исталган даражадаги бюджет олдида сўндирилмаган қарзлари мавжуд юридик шахсларнинг топ-менежерлари хатарнинг бошқа гуруҳига киришлари мумкин. Россия бизнесининг рейдерлик сингари хусусиятини ҳам таъкидлаш керак. Муайян ҳолатлар юз берганда рейдерлар ёки компания рақобатчилари манфаатини кўзлаб топ-менежернинг, масалан, муҳим битим тузилишига йўл қўймаслик учун, хорижга сохта ижро ҳужжати билан чиқиши тақиқланишини тахмин қилиш мумкин.

## РОССИЯ ҚОНУНИ НИМА ДЕЙДИ

Ижрочи суд приставининг қарорига кўра хорижга чиқишни тақиқлаш умуман олганда Россия қонунчилигида янгилик эмас. Аслида 1997 йилги «Ижро ишини юритиш тўғрисида»ги федерал қонунда бу назарда тутилган. Илгарилари приставлар суднинг ҳал қилув қарори билан расмийлаштирилган қарзини узмаган қарздорларнинг хорижга чиқиши мумкинлиги тўғрисида ахборот олганларида бундай чора якка тартибда қўлланар эди.

1996 йил 15 августдаги «РФдан чиқиш ва РФга келиш тартиби тўғрисида»ги федерал қонун 15-моддасининг 5-бандига мувофиқ «Россия Федерациясидан фуқаросининг Россия Федерациясидан чиқиш ҳуқуқи, агар у суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ҳолларда, мажбуриятларни бажаргунга қадар ёки тарафлар келишувга эришгунларига қадар, вақтинча чекланиши мумкин». Қонуннинг кейинги моддасида кўрсатилишича, «Россия Федерациясидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашнинг мазкур федерал қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган барча ҳолларида, ички ишлар органи Россия Федерацияси фуқаросига билдирувнома беради, унда чеклашнинг асосланмаси ва муддати, чеклаш тўғрисидаги қарорнинг санаси ва рўйхат рақами, мазкур фуқаронинг Россия Федерациясидан чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун масъулиятини ўз зиммасига олган ташкилотнинг тўлиқ номи ва юридик манзили кўрсатилади».

1997 йил 21 июлдаги «Ижро ишини юритиш тўғрисида»ги федерал қонунга келсак, унда ижрочи суд приставлари қарздорларнинг хорижга чиқишини ижро варақаси бўйича чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эгаликлари очиқ кўрсатилган эмас. Фақат қонуннинг 45-моддасида кўрсатилишича, «мажбурий ижро эттириш чоралари бўлиб... мазкур қонунга ёки ижро ҳужжатининг ижросини таъминлайдиган бошқа федерал қонунларга мувофиқ қўриладиган бошқа чоралар ҳисобланади».

Мазкур ҳолда «мажбурий ижро эттириш» ва «ижрони таъминлайдиган чоралар» таърифларига эътибор қаратиш керак. Гап шундаки, мажбурий ижро эттиришни бошлашга қадар ижрочи суд пристави нафақат ижро ишини юритишни бошлашга, балки қарздорга ўз мажбуриятини бажариш – қарзни тўлаш ёки ижро ҳужжати унинг зиммасига юклаган ҳаракатларни ихтиёрий амалга ошириш имкониятини ҳам беришга мажбур. Фақат шундан кейингина у мажбурий ижро эттириш чораларини қўллашга ҳақлидир. Бошқача айтганда, фақат қарзларни умуман тўламайдиган шахснинг хорижга чиқишини тақиқлаш мумкин. «Ижрони таъминлайдиган чоралар» таърифи пристав, агар айни улар қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаган тақдирдагина, қонунда назарда тутилган чораларни қўллашга ҳақли бўлишини ҳам англатади. Яъни қарздор яшириниш ниятида, унинг РФ ҳудудидаги мол-мулки эса ундиришни унга қаратиш йўли билан пул мажбуриятини бажариш учун етарли эмаслиги хусусида фараз қилиш учун асослар мавжуд бўлгандагина мамлакатдан чиқиш тақиқланиши мумкин. Ҳар бир ҳолда ижрочи суд пристави мутаносиблик қоидасига амал қилиши керак. Агар қарз бир неча минг рублни ташкил этиб, РФ ҳудудида эса қарздорнинг катта суммадаги мол-мулки (масалан, дала ҳовли, машина ва ҳоказо) қолаётган, қарздор қайтишга чипта олган ҳолда қисқа муддатга сайёҳлик йўлланмаси билан хорижга чиқаётган бўлса, унинг хорижга чиқишини тақиқлаш тўғри эмас.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***


NORMA иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

ФОЙДАЛИ! МАЛАКАЛИ! ҚУЛАЙ!

Мутахассислар вақтни ва ўз обрўларини қадрлайдилар. Шу сабабли улар ўз ишлари учун фақат юқори даражали, малакали ахборот маҳсулотларини танлайдилар, улар жуда қисқа муддатларда ҳамда юқори сифат билан энг мураккаб касбий масалаларни ҳам ҳал қилиш имконини беради.

Таҳлил қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг жуда кўп миқдори, энг замонавий ноширлик технологиялари, муаллифларнинг ғоятда юқори малакаси ахборотнинг сифатли бўлишини таъминлайди ва энг талабчан фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб беради.

“Амалий бухгалтерия”, “Амалий солиқ солиш” ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ




Энг яхшисини танлайдиганлар учун

Обуна индекслари:
“Амалий бухгалтерия” – 20028
“Амалий солиқ солиш” – 20027

Қўшимча ахборот олиш учун нашриёт телефонлари: 144-89-17, 144-44-29, 132-18-80

Norma Consulting

# АТРОФ МУҲИТ СОФЛИГИ УЧУН

*Хорижий тажриба*

***Сўнгги пайтларда атроф муҳитнинг аҳволи ҳокимият органларини тобора кўпроқ ташвишлантириб бормоқда. Пойтахт атмосфераси ҳолатига салмоқли шаҳар автопарки энг кўп таъсир этмоқда. Москва йўлларида кун сайин ошиб бораётган машиналарнинг оқими шаҳар экологиясига энг катта зиён етказмоқда, дея қайд этадилар амалдорлар.***

## МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Бироқ умуман олганда мегаполис атмосферасининг ифлосланиш даражаси бўйича қиёсий тавсифлари Лондон, Париж ва Берлин каби Европа шаҳарларидан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Мотор ёқилғиси сифатининг доимий назорати ҳамда эскирган автомобиль техникасига қарши кураш экологик вазиятни бир меъёрда сақлаб туришга имкон бермоқда.

Москва шаҳар табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларидан муҳофаза қилиш департаментининг маълумотларига кўра, бугунги кунда 40 фоизгача бўлган машиналарнинг ишдан чиқишига сифатсиз мотор ёқилғиси сабаб бўлмоқда. Департамент кўрган чоралар натижасида пойтахтдаги суррогат бензин ва дизель ёқилғиси улушини сўнгги йил ичида 30 фоиздан 20 фоизга қадар камайтиришга эришилди. Бироқ мазкур ҳол юзага келган вазиятни деярли ўзгартирмайди. Бугунги кунда Росприроднадзор мотор ёқилғиси сифати устидан назоратни оширишга доир Москванинг ҳуқуқини фаол ёқлаб чиқмоқда.

Бироқ АЁҚШларни текширишлар билангина сифатсиз бензин муаммосини ечиб бўлмайди. Мамлакат ичида юзага келган етказиб беришлар тизими суррогат ёқилғини йўқ қилиб ташлашга имкон бермаётган энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Кўпгина нефть компанияларига ёқилғини хорижга сотиш фойдалироқдир. Уларнинг кўпи бензинни ўз АЁҚШлари учунгина ишлаб чиқаради. Натижада сифатли ёқилғи етишмовчилиги келиб чиқади.

Сифатсиз бензинга қарши самарали курашга шунингдек арзон ёқилғининг иқтисодий жиҳатдан жозибадорлиги ҳамда талабгирлиги халақит беради. Эски «Жигули»да юраётган кишига машинани нима билан тўлдиришнинг фарқи йўқ. Ҳақиқий сифатга эга бензин анча қиммат туради. Бу эса сифатсиз бензин ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Йўлларда ёмон машиналар юраётган экан, сифатсиз ёқилғига талаб ҳам бўлади.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун ёқилғи етказиб беришнинг мавжуд тизимини ўзгартириш керак. Бироқ бу ҳокимият органлари томонидан катта куч талаб этадиган узоқ жараён. Шу сабабдан ҳам атмосфера ифлосланишини бартараф этишнинг янада тезкор усули Москва доирасида эскирган техникадан фойдаланишни чеклашдир.

## «ЭКОЛОГИЯ БЕЛГИСИ» – СИФАТ БЕЛГИСИ

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекторлари «Москва шаҳрида давлат экологик назорати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ режали тафтиш билан корхоналарга 2 йилда 1 мартадан ортиқ бормасликлари лозим. Уларнинг режадан ташқари келишларига фуқароларнинг шикоят ва аризалари, шунингдек экологик мониторинг, аудит ва бошқаларнинг маълумотлари сабабчи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, режали назорат натижасида аён бўлган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ҳақидаги кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш мақсадида инспекторлар корхоналарга режадан ташқари текшириш билан келишлари мумкин.

Тафтиш билан келган атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича инспектор давлат экологик назоратига доир тадбир ўтказиш ҳақидаги фармойишни тақдим этиши лозим. Зарурат туғилганда у хужжат асосида атроф муҳит ифлосланишига доир белгиланган талабларга мувофиқликни текшириш учун ёқилғи намуналарини олиши мумкин. Таҳлил якунлари тадқиқотлар ва экспертизалар баённомаларида акс эттирилади, уларга инспектор тушунтиришлари илова қилинган бўлиши лозим. Текшириш тугагач назоратчи унинг натижаларини кўрсатиб ўтган ҳолда текшириш далолатномасини тузиши шарт.

АЁҚШларни текшириш давомида инспекторлар автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишда экологик талаблар бажарилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Ҳуқуқбузарликлар аён бўлганда ташкилотга 150 минг, мансабдор шахсларга эса –15 минг рубль миқдорида жарима солинади. Мотор ёқилғиси буғларини тутиш тизимлари ўрнатилмаган АЁҚШлар ҳам худди шундай жаримага тортиладилар. Маҳсулотлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ келадиган АЁҚШлар «Экологик белги»дан фойдаланишга ҳақли. Бироқ ундан ғайриқонуний равишда фойдаланилган ҳолда инспектор автоёнилғи қуйиш шохобчасига 100 минг рубль, мансабдор шахсларга эса – 15 минг рубль миқдорида жарима солиши мумкин.



Экологик қонунчилик бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда инспектор уни бартараф этишга кўрсатма бериши ва атроф муҳитга етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш талабини тайёрлаши керак. Хулосада кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун фирма ва шахслар текшириш натижалари бўйича жаримага тортилишлари мумкин. Ташкилот инспектор кўрсатмаларини бажариши керак бўлган муддатни бузганлик учун ҳам жарима тўлашига тўғри келади. Уларни қисман бажарган компаниялар 100 минг рубль, мансабдор шахслар – 15 минг рубль тўлашлари керак бўлади.

Одатда корхоналар инспекторларнинг экологияга етказилган зиённи ихтиёрий қоплаш ҳақидаги талабларига камдан-кам рози бўладилар. Бундай ҳолда назоратчилар ҳуқуқбузарлардан суд тартибида жарима ундирадилар.

## «СОФ» ИСТИҚБОЛЛАР

Москва маъмурларининг фикрича, экология муаммоларини ҳал қилиш учун замонавий экология талабларига жавоб бермайдиган автомобиллар сонини қисқартириш лозим. Аҳоли пойтахт ҳокимият органларининг қатъий талабларини тўғри қабул қилмоқда.

Ушбу ман этувчи ва чекловчи чоралар учун ҳуқуқий замин яратилмоқда. Москва шаҳар думаси кўриб чиқиши учун қонун лойиҳаси тақдим этилган бўлиб, унга мувофиқ ҳар бир минтақада шаҳардаги экологик муҳитни сақлаб қолиш учун ўз чеклашларини жорий этиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Бугунги кунда пойтахтда бир қатор шундай қоидалар амал қилмоқда. Хусусан, юк машиналарининг транспорт ҳалқаси доирасида киришига ва «Евро-2» ҳамда «Евро-3» экологик меъёрларига жавоб бермайдиган шаҳарлараро линиялардаги автобусларнинг киришига тақиқ жорий этилган. Мазкур меъёрларга амал қилиниши устидан ИҲХДИ ходимлари назорат қиладилар. Бироқ тез орада бундай иш компьютерлар ёрдамида бажарилади.

Сўз экологик назорат қилишнинг янги технологиясини жорий этиш ҳақида бормоқда. Ўтказилган транспорт текширувларидан сўнг автомобилларнинг Москвадаги муаммоли ҳудудларга кириши электрон чиплар асосида амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Ҳокимият органларининг экологияни яхшилашга йўналтирилган барча режалари амалга оширилса, шаҳар атмосферасининг ифлосланиши анчагина камаяди. Бироқ кўрсатилган лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фирмаларга атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича инспекторлар томонидан назоратни ҳаддан ташқари кучайтириш хавф солади.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***


## КЎЛЛАНМАЛАРНИНГ АСОСИЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ:



**АХБОРОТЛАРНИНГ ФОЙДАЛИЛИГИ**

Кўлланмалар ноёб нашрлар бўлиб, уларда бухгалтер, молия ходими, аудиторнинг ишлаши учун зарур бўлган барча ахборот тўпланган.

Бундай қўлланмага эга бўлсангиз, қонун ҳужжатларидаги ўзгартишларни кузатишга ҳожат қолмайди – ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тизимга солиш бўйича барча ишни сиз учун нашриёт экспертлари бажарадилар.

Кўлланмалар – “Солиқ ва божхона хабарлари” ва “Норма маслаҳатчи” ҳафтаномаларини чиқараётган “Норма” нашриёти эксперт хизматининг мутахассисларига ҳар куни бериладиган кўпдан-кўп саволларга жавобдир.

Кўлланмалар ҳар куни бухгалтер дуч келадиган исталган амалий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилишда ва тўғри қарор қабул қилишда ёрдам беради.

Уларда муайян вазиятда қандай йўл тутиш тўғрисида аниқ-равшан амалий маслаҳатлар мавжуд, шу сабабли улардан ишга янги келган ходим ҳам, тажрибали мутахассис ҳам фойдалана олади.

**ДОЛЗАРБЛИК**

Ахборотлар доимо янгиланиб борилади, қўлланмаларда эскирган қоидалар мавжуд эмас. Кўлланмалар саҳифаларни ечиб олиш мумкин бўлган механизмли папкаларда нашр этилади. Шу сабабли эскирган ахборотга эга бўлган варақларни янги ахборотлар билан алмаштириш осондир. “Norma” нашриёти обуначиларга янги варақларни юбориб, қўлланмаларни мунтазам равишда янгилаш мажбуриятини олган. Айни шу сабабли ҳам бундай қўлланмадаги ахборотлар ҳар доим ҳам долзарбдир.

**МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАЛИ МАЛАКАСИ**

Сиз қўлланмаларда келтирилган ахборотларга ишонсангиз бўлади. Материалларнинг муаллифлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг етакчи мутахассислари, бухгалтерлар, аудиторлар, маслаҳатчилар ва экспертлардир, улар “Солиқ ва божхона хабарлари” ҳамда “Норма маслаҳатчи” газеталари саҳифаларида доимо қатнашиб турадилар. Кўлланмалардаги ахборотлар бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш соҳаси мутахассислари томонидан кўп маротаба текширилади.

**ФОЙДАЛАНИШДАГИ ҚУЛАЙЛИК**

Кўлланма шундай нашр этилганки, Сиз ўзингизни қизиқтирувчи ҳар қандай саволга жавобни бир неча сониядаёқ топа оласиз. Кўлланмадаги барча ахборот қулай равишда таркиблаштирилган: нашриёт Сиз учун махсус излаш регистрларини ишлаб чиққан.

**ҲАР КУНГИ ИШ УЧУН ЭНГ ҚУЛАЙ НАШРЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!!!**

**“Амалий бухгалтерия”**

**“Амалий солиқ солиш”**

NORMA
иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

Кўлланма корхоналарнинг раҳбарлари, корхоналар молиявий ва иқтисодий хизматларининг ходимлари, бухгалтерлар, аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари, олий ўқув юртлари, коллежларнинг талабалари ва бошқа манфаатдор шахслар учун мўлжалланган.

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

# Бизнес Панорама

«Норма маслаҳатчи» 43 (120)-сон | 2007 йил 26 октябрь

"ART-FLEX" МЧЖ **ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**

Тўлов исталган шаклда

- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ КУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.



Товарлар сертификатланган

Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597

PR 249 07

---

Тўлов исталган шаклда

"GAMILON" МЧЖ таклиф этади

• Товар сертификатланган •

**кАНЦТОВАРЛАР**

Шартномавий нархлар

Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6 А

Тел.: 144-66-81, 144-85-23, 395-19-99

pr_624

---

Poligraf Media
сифат бизнинг шиоримиз

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

---

**COLOP**®

**trodat**®



ҲАР ҚАНДАЙ ЖИҲОЗЛАР

Тел.: 281-55-67, 152-70-38, 320-51-58, 303-51-58

www.trodat-hewlett-lomond.uz

30016

---

pr_625

"AL-VORIS" МЧЖ

Тўлов исталган шаклда

Товар сертификатланган

- КАНЦТОВАРЛАР ⊃ мактаб ва офис анжомлари
- САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ⊃ ташкилий техникага
- ҲАР ҚАНДАЙ ⊃ бухгалтерия бланкалари ва буюртмага
- ЭЛЕКТР-ХЎЖАЛИК, МАИШИЙ ТОВАРЛАР ⊃ кенг ассортиментда

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўч., қуйи савдо расталари

Тел.: 144-53-15, 144-54-12, тел./факс 144-53-18

---

Хизматлар лицензияланган

ТЕЗКОР МАТБАА

**Aloqa Print**

PREPRESS PRESS POSTPRESS

- Бланкалар
- Ташрифномалар
- Плакатлар
- Журналлар
- Календарлар
- Открикалар
- Конвертлар
- Буклетлар
- Папкалар

Компаниямиз ҳар қандай матбаа хизматларини кўрсатади. А2 форматигача босма, ташрифномалар тайёрлаш, журналлар, буклетлар, плакатлар босиш буларнинг бари босмахонамиз имкониятлари ва усталарнинг маҳоратини қамраб ололмайди. Босмахонамиз энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, бироқ унинг энг асосий бойлиги энг маҳоратли ходимлардан иборат жамоасидир! Компания ишининг асосий қоидаси: "сифат ва пировард натижанинг юқори бўлишини кафолатлаш!"

ва бошқа кўп нарсалар...

Ўзбекистон, 100000, Тошкент ш., А.Темур кўч., 1-тор кўча, 2-уй.

Тел: +(998 71) 136 39 49, +(998 71) 136 13 34

Факс: +(998 71) 133 85 56

---

Товар сертификатланган

"Sanar Motors" МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери

pr_7-42-04



Optima — 29 990 $ дан



Carens — 30 990 $ дан

KIA MOTORS
The Power to Surprise



Sportage — 32 990 $ дан



Cerato — 23 990 $ дан

Барча автомобиллар божхонада расмийлаштирилган

Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, "Буюк Ипак йўли" метро бекати.

Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.

www. kiamotors.com

---

"Melanj" МЧЖ хизматларини кўрсатади

ХОНАЛАРГА САНИТАРИЯ ИШЛОВИ БЕРИШ

- Дезинсекция (сувараклар, чивинлар, қумурсқалар, пашшалар, каналар ва б.ни йўқ қилиш)
- Дератизация (каламуш ва сичқонларни йўқ қилиш)

Бутун Ўзбекистон бўйлаб бир марталик ишлов беришлар ва йиллик хизмат кўрсатишга шартномалар тузамиз

Аъло натижа ва хизматларнинг юқори сифатли бўлишини кафолатлаймиз

Хизматлар лицензияланган

Тел.: 162-36-48, 127-63-38

---

## ЭЪЛОНЛАР

### ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

Тўлов топшириқномаларини автоматик шакллантириш ва ҳисобга олиш учун компьютер дастури (рус, ўзбек тилида).

http://www.rnsoft.uzpak.uz

### КЎЧМАС МУЛК

Сирғали-7 даги таъмирланган 3 хонали квартира сотилади.
Тел. 51-11-00.

---

Офис учун хоналар ижарага берилади.
Тел.: 191-77-25, 191-26-04.

### ТУРЛИ

Тўлиқ таъмирдан чиққан ВАЗ-03 автомобили сотилади.
Тел. 55-85-38.

### ХИЗМАТЛАР

Лойиҳалаш, дизайн, смета, реклама. Хитойдан товар етказиб бериш.
Тел.: 133-95-25, 186-46-43.

---

Тирноқ ўстириш – 10 500 сўмдан бошлаб. Ўргатиш. Тел. 104-25-32.

---

Тикувчилик, тўқувчилик, бисер тикиш, бисер қадаш, гул тикиш, макрамени ўргатамиз.
Тел. 445-75-78.

### ИШ

ҚКга печатник, бухгалтер ва фаррош керак.
Тел. 133-53-73.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

"SHARQIY MASLAK" аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувлари ўтказади, барча турдаги профессионал хизматларни кўрсатади. Маслаҳатлар*.
Тел.: 733-17-29, 100-65-80.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Ҳар қандай мураккабликдаги хўжалик низолари, жиноий ишлар, қарз ундириш, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар ва ташкилотларга юридик хизмат кўрсатиш, шартномалар бўйича юридик хулоса.
Тел.: 330-45-71, 100-47-33.

---

Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел. 281-52-39.

---

Юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел. 343-41-56.

---

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

---

Корхоналарни тугатиш*.
Тел. 281-52-39.

---

Дебиторлик қарзини ундириш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш*. Адвокат – Шуман Неля Сергеевна.
Тел.: 242-33-52, 176-20-99.

### ТАРЖИМАЛАР

"LINGVO SERVIS" таржима агентлиги жаҳоннинг турли тилларидан матнларни таржима қилади. Таржималарни нотариал тасдиқлаш ва легаллаштириш.
Тел.: 153-42-00, 353-97-13.

---

Таржималар бюроси: нотариал тасдиқлаш, қонунийлаштириш*.
Тел.: 152-38-71, 108-79-76.

---

Мақола, ҳужжатларни рус тилидан ўзбекчага ва ўзбекчадан русчага таржима қиламиз. Тел. 132-18-86.

*Хизматлар лицензияланган.

---

AGATA

# AGATA IMPEX LTD

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР ВА КАФОЛАТЛИ СЕРВИС МАРКАЗИ

**ПРОЕКТОРЛАР**



TDP-P8

TDP-S35

TLP-XD2000

ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН ВА ЮҚОРИ ЁРҚИНЛИК

**TOSHIBA** Leading Innovation »

**НОУТБУКЛАР**

ҚОЙИЛМАҚОМ ИШ

ВА АЖОЙИБ ҲОРДИҚ УЧУН



"УЙ ВА ОФИС УЧУН"
Satellite L30-134, A 100-784, A 100-906, P 100-257, P 100-425*

"КЎРКАМ ВА НАФИС"
Portege R 400-101*

"КОРПОРАТИВ ЕЧИМ"
Tecra: A 8-183, A 8-185, A 8-103, A 8-104*

Кафолат 2-3 йил

Руслаштирилган лицензион Windows XP дастурий таъминоти

ToshibaEasyGuard
CarefreeMobileComputing
техникаси ноутбугингиз тартиби посбони

**СУМКАЛАР**

Business case



НОУТБУГИНГИЗНИ ОЛГАНДА УНИНГ ҲИМОЯСИНИ УНУТМАНГ

Тошкент ш., 100000, Шаҳрисабз кўч., М-1"Б" (мўлжал – собиқ "ТАТА" меҳмонхонаси)

Тел.: 133 0500, 136 0779
Факс 136 7902

E-mail: agata@agatagroup.com
www.agatagroup.com

*Товар сертификатланган

---

**www.pc.uz** - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

✓ ТАҚДИМОТЛАР

# СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ БЎЙИЧА

**«Ўзбекинвест» компанияси Ялтадаги халқаро семинарда икки номинация: «Доимий такомиллашув» ва «СМТ бўйича раҳбарлик қилишнинг энг яхши вакили» бўйича ғолиб бўлди.**

2007 йилнинг 19-23 сентябрида Ялтада (Украина) ISO халқаро стандартларининг талабларига мувофиқ ишловчи Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Украинадаги етакчи корхоналар учун халқаро семинар ўтказилди. Семинарни SGS – мустақил экспертиза, синовлар ва сертификатлаштириш соҳасида жаҳонда етакчи компания ташкиллаштирди. Семинарнинг мавзувий қисми бошқарув тизимлари – сифат тизимлари, экологик тизимлар, саноат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимлари, шунингдек интеграцияланган тизимлар соҳасида халқаро стандартлаштириш масалаларини ёритди.

Семинар якунлари бўйича SGS Tashkent компанияси брифинг ўтказди, унда менежмент тизимлари билан ишлашда энг яхши натижаларга эришган Ўзбекистон корхоналари тақдирланди.

«Ўзбекинвест» экспорт-импортни суғурталаш миллий компанияси бирйўла икки номинация: «Доимий такомиллашув» (сифат менежменти тизимларини кўп йилдан бери қўллаётгани учун) ва «СМТ бўйича раҳбарлик қилишнинг энг яхши вакили» бўйича ғолиб сертификатларини олди. Мазкур далил компаниянинг республика суғурта бозорида етакчи ўринни эгаллаши сифатга йўналтирилган, тўғри танланган менежмент стратегияси натижаси эканлигидан далолат беради.

Брифингда «Ўзбекинвест» компаниясининг сифат бўйича раҳбарияти вакили М.Расулова сўзга чиқди. У ўз маърузасида ISO 9001:2000 халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимлари жорий этилиши билан компания бир қатор афзалликларни қўлга киритганини таъкидлади. 2007 йилда «Ўзбекинвест» сертификатлаштиришнинг иккинчи циклидан ўтди, бу эса компания сифат қоидаларига амал қилишини яна бир бор тасдиқлайди. Сифат менежменти тизимини жорий этиш билан компания рақобатбардошликни ва тақдим этиладиган хизматлар сифатини оширишнинг самарали йўлини танлади.



Шуни қайд этиш муҳимки, компания сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2000 стандартига мувофиқлиги сертификатининг мавжудлиги бизнес имкониятини кенгайтиради, мижозлар ва амалий ҳамкорларнинг ишончини мустаҳкамлайди, бу эса суғурта компанияси муваффақиятининг асосий омилларидан биридир.

***«Ўзбекинвест» компаниясининг ахборот хизмати.***

### ДИҚҚАТ!

«Ўзбекинвест» ЭИСМК суғуртанинг энг афзал турлари ва уларни олиш усулларини белгилаш, сервис даражасини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида суғурта хизматларига бўлган талабни ўрганишга доир маркетинг сўрови ўтказади. Сўровда иштирок этмоқчи бўлганлар ва манфаатдор шахслардан **www.uzbekinvest.uz** сайтида жойлаштирилган анкетани тўлдириб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўраймиз.

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судига фаолият юритмаётганлиги сабабли ҳисобрақамларини ёпиш учун ҳужжатлари юборилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор рақами ва санаси | | Ҳуқуқий манзили |
|---|---|---|---|---|
| "ABROR-BIZNES" MCHJ | 206694924 | - | - | Юнусобод-16-19 |
| "ABROR-TOJ" MCHJ | 204693658 | - | - | Юнусобод-15-63-9 |
| "AL-IMRO-FARHOD" MCHJ | 205709285 | - | - | Мирзаахмедов кўч., 8 |
| "ALIS BIZNES" XK | 203590652 | 689 | 20.04.01 | Юнусобод-9-14-79 |
| "ATLANTIS CENTRAL ASIA" XK | 205285784 | - | - | А.Бўриев 1-тор кўч., 10 |
| "AYJEN" XK | 202743445 | 1578-K | 07.11.97 | Тюмень кўч., 3 |
| "BANNUR" MCHJ | 202388372 | 1348K | 25.09.97 | Х.Асомова кўч., 7 |
| "CHILANGAR" MCHJ | 204255956 | 1969 | 19.11.02 | Юнусобод-8-30-19 |
| "CHIRGUNCHA-KADICHA" MCHJ | 300051221 | - | - | Ж.Обидова кўч., 160 |
| "DEKABRINA KOSMETIKS" XK | 300257028 | - | - | А.Темур 1-тор кўч., 4 |
| "DIL-LAZIZXON-SAVDO" MCHJ | 206681505 | - | - | Юнусобод-15-42 |
| "EKO-BIO-LAB" MCHJ | - | 886 | 26.06.98 | А.Темур кўч., 100 |
| "ELYOR-BIZNES" XK | 204356062 | 276 | 31.01.03 | Марказ-5, Ш.Рашидов кўч., 71 |
| "EMEYZING KOLOR" XK | 300301581 | - | - | Новомосковская кўч., 42 |
| "EXTREM ASIA" MCHJ | 204998356 | - | - | Муртазоев кўч., 40 |
| "HABIBAXON-SANOBAR ONA" MCHJ | 205125887 | - | - | Шаҳристон кўч., 8 |
| "HIPPOKRAT-INVEST" MCHJ | 300423081 | - | - | А.Темур кўч., 25 |
| "INKOM AND JS" MCHJ | 204692968 | - | - | А.Темур кўч., 107а |
| "INTER-TBA" SHK | 204686508 | - | - | А.Темур кўч., 25 |
| "JASMINA-RIZQ" XK | 300289620 | - | - | Юнусобод-4-42-78 |
| "KO'K YO'L" MCHJ | 202950631 | 1489 | 11.09.02 | Мавлонова кўч., 1а |
| "KONSFORMLIK" MCHJ | 205831570 | - | - | Мавлонова кўч., 37 |
| "LEGEN SUV SERVIS" MCHJ | 205231961 | - | - | Х.Саматова кўч., 33 |
| "LIBOK-TRADING" MCHJ | 300266809 | - | - | Юнусобод-13-1-90 |
| "LIMUZIN SERVIS" XK | 300147844 | - | - | Муртазоев кўч., 40 |
| "LODESTAR IMPEX" MCHJ | 205782404 | - | - | Юнусобод-18-20 |
| "MAFTUNA-NEO-FARM" XK | 206833869 | - | - | М.Каримов кўч. |
| "MARINA FOOD" XK | 300327311 | - | 06.03.07 | Юнусобод-2-7-134 |
| "MARKAZIY FAVVORA" MCHJ | 200983315 | - | - | Мустақиллик, 5 |
| "MASHTEXINDUSTRIYA MZ" MCHJ | 205893258 | - | - | А.Темур кўч., 60а |
| "MATBUOT MARKET" MCHJ | 204743056 | - | - | А.Темур 1-тор кўч., 2 |
| "MIRZO TAOM BARAKA" XK | 206220950 | - | - | А.Темур кўч., 100 |
| "MIS-MM" XK | 204189753 | 1665 | 02.10.02 | Юнусобод D-3, "YUNUSOBOD UNIVERSAM" |
| "MUMIN-KAFOLAT-QURILISH" MCHJ | 205999156 | - | - | Абдуллаева кўч., 29 |
| "MUSA-BOY-OTA QURILISH" SHK | 203970607 | 410 | 28.03.02 | Асомов ва ген.полк. Ходжаев кўч. |
| "NAYMON INVEST CONSULTING" XK | 300018664 | - | - | Озодлик кўч. |
| "NODIR-REAL" XK | 206012884 | - | - | Юнусобод-19-14 |
| "NONASH" MCHJ | 203709650 | 1913 | 05.10.01 | Инжобод (Мазурук) кўч., 89 |
| "NUROV GOLD" XK | 205884387 | - | - | Юнусобод-8-33-6 |
| "O'ZBEGIM-TOUR-AZIYA" XK | 204708952 | - | - | Юнусобод-13-3 |
| "OLTIN DONCHA SERVIS" XK | 300001876 | - | - | Муртазоев кўч., 40 |
| "ORIENT STAR PRESS" MCHJ | 206833053 | - | - | Юнусобод-3-1-23 |
| "OYDIN-MA'LUMOT" MCHJ | 206704324 | - | - | Юнусобод-18-29 |
| "OYXILODIL" XK | 300103052 | - | - | Юнусобод-15-51 |
| "OZOD SAVDO" MCHJ | - | 97 | 25.01.00 | А.Дониш, Юнусобод 4 |
| "PROEKT-DIZAYN-SERVIS" MCHJ | 205791471 | - | - | Юнусобод-9-9-47 |
| "PROMOTION AGENTS" MCHJ | 204877640 | - | - | Юнусобод-9-4-124 |
| "RABIKA OIL" MCHJ | 300391836 | - | - | Муртазоев кўч., 40 |
| "RED MEKANOKSIS" MCHJ | 206434329 | - | - | ген.полк. Ходжаев кўч., 1 |
| "RENTA SERVIS" SHK | - | 194 | 07.02.01 | Мавлянова кўч.,48 |
| "ROBIYA-SANJAR" MCHJ | 206112776 | - | - | Юнусобод-14-2-17 |
| "SADIKOV" MCHJ | 201402015 | 1964 | 19.11.02 | А.Зохидова кўч., 33 |
| "SARDOR-FDJ-SAVDO" XK | 205297358 | - | - | А.Темур - О.Зокиров кўч., 2 |
| "SEMURG DON" MCHJ | 203005870 | 1499 | 11.07.03 | Наманган кўч., 70 |
| "SHAAZ SAVDO PLUS" XK | 206566092 | - | - | Ҳурматли кўч., 21 |
| "SHARQ BARAKA" MCHJ | 202569732 | 641-K | 08.05.98 | А.Темур 1-5 |
| "SHIRIN BARAKA SAVDO" MCHJ | 300026820 | - | - | А.Темур – Муродов кўч. |
| "SHUXRAT-SOBIR-SERVIS" XK | 205926174 | - | - | Улуғбек 1-тор кўч., 6 |
| "SPITAMEN-TANGIROV" XK | 205606557 | - | - | Юнусобод-17, Височоволт. |
| "SQL-O'ZKOMMUNISSIQLIKTA'MIR" SHK | 204339731 | 162 | 20.01.03 | Юнусобод-17-18 |
| "SUVSOZ-SERVIS" MCHJ | 300010629 | - | - | Дўстмуҳамедов кўч., 2 |
| "TABONAJ-BARAKA" XK | 300306353 | - | - | Мирзаахмедова кўч., 1а |
| "TATSON-BIZNES" XK | 205684683 | - | - | Юнусобод-5-20-27 |
| "TECHNOKAB" XK | 204589556 | 1317 | 20.06.03 | Арифов кўч., 8 |
| "TOSHSUVMETALLSERVIS" SHK | 206774594 | - | - | В.Малясов кўч., 3а |
| "TOZA SUV XIZMAT" MCHJ | 204118365 | 1243 | 30.07.02 | Юнусобод-4-77 |
| "TUMOR LYUKS" MCHJ | 206582493 | - | - | Юнусобод-6-17-37 |
| "UMRINISO SAVDO" MCHJ | 205020608 | - | - | Ғайратий кўч., 11 |
| "UZBEK NEFT NUR" ОАЖ | 205025781 | - | - | Мирхалил ота кўч., 26 |
| "VERTKONS GRUP" XK | 206716214 | - | - | Марказ-6, Хурсанд кўч., 85а |
| "VITAS M V / ВИТАС МВ" MCHJ | - | 489 | 11.04.94 | Муртазоев кўч., 40 |
| "VOFIRA MOBILE BIZNES" XK | 300429611 | - | - | О.Зокиров кўч., 1 |
| "XAMDAM-UB SAVDO" XK | 205634966 | - | - | С.Рахимов кўч., 391 |
| "YEGO RIM SERVIS" XK | 206616909 | - | - | Буюк Турон кўч., 56 |
| "ZARAFSHON-XOLIS" MCHJ | 300493700 | - | - | Матбуотчилар кўч., 17 |
| "АРГОН И. М" XK | 201596909 | 133K | 26.01.96 | Юнусобод-4-65-25 |
| "ХОЗРАСЧЕТНОЕ РЕМ.СТРОИТ. УПР." | - | 28K | 08.01.97 | Юнусобод-14, 250-мактаб |

Мазкур корхоналар бўйича эълон чиққан кундан бошлаб 1 ҳафта муддат ичида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаса, ҳисобрақамини ёпиш масаласини ҳал қилиш учун ҳужжатлар Тошкент шаҳар хўжалик судига оширилади. Тел.: 135-52-52, 134-71-99, 134-10-29.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 25 сентябрдаги қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР |
|---|---|
| "КАЛО ТРЕЙДИНГ" ҚК | 202036873 |
| "ОЛТИН КАМАЛАК" ҚК | 201908784 |
| "КЕНТО" ҚК | 201853981 |
| "UZ-SENUL" ҚК | 203120674 |
| "ФАРЗ ЛТД" ҚК | 201078964 |
| "Бикалпа Трейдерс" ШК | 201096555 |
| "AKUR CONSTRUTION" ХОРИЖ.К | 201941169 |

Мазкур корхоналар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган. Ушбу хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй.

Тел. 132-00-97.




*СОЛИҚЛАР ОЛАМИДА*

### СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАБ, ХОТИРИ ЖАМ БЎЛГАНЛАР

**Россияда солиқ амнистияси давом этаяпти. Федерал ғазначилик оралиқ якунларни чиқарди.** 4 ой ичида – март ойидан июнь ойига қадар – фуқаролар қўшимча равишда 274,7 млн рубль солиқ тўладилар, бу эса тахминан 11 млн доллар деган гап. Бу сумма унчалик кўп эмас. Зеро Қозоғистонда бундай амнистия давомида бундан 30 баравар, Хитойда эса – 230 баравар кўп солиқ тўпланган.

«Ҳаммасини ёддан чиқарайлик» – ана шундай шиор остида ҳукумат солиқ тўловчиларга яхши муносабатда эканлигини кўрсатмоқчи, шу билан бирга бюджетни ҳам тўлдирмоқчи бўлган. Бунинг учун у халқда «солиқ амнистияси» деб ном олган, солиқларни соддалаштирилган тартибда декларация қилиш ҳақидаги қонунни қабул қилди. Жорий йилнинг 1 мартидан 31 декабрига қадар 2006 йил 1 январгача олинган барча даромадларни ҳеч қандай нохуш оқибатларсиз ошкор этиш ҳамда улардан даромад солиғини тўлаш мумкин.

Россия бўйича тўпланган солиқнинг катта қисмини Москва шаҳри аҳолиси киритган. Амнистия доирасида бу ерда барча маблағларнинг ярмидан кўпи – 151 млн рубль тўпланган. Иккинчи ўринни Санкт-Петербург эгаллаган – 18,1 млн рубль. Бундан кейинги ўринда Красноярск ва Ставрополь ўлкалари келади: тегишинча 13,5 ва 13,2 млн рубль. Москва вилоятида 11,2 млн рубль тўпланган. Қолган барча минтақалар белгиланган 10 млн рублдан ўта олмаганлар.

Хакасия аҳолиси энг ажабланарли натижа кўрсатди – бутун республика аҳолисидан солиқчилар 20 рубль қўшимча солиқ тўплашган! Қалмоғистон ундан сал ўзган –78 рубль, Камчаткада – 100 рубль.

Экспертларнинг айтишича, амнистия фискал тадбир сифатида эмас, балки кўпроқ психологик тадбир сифатида уюштирилган. Мақсад – бугун пушаймон бўлган фуқаролар келажакда ҳалол солиқ тўловчиларга айлансинлар.

Шундай бўлса-да, ҳали йиғимлар унчалик катта эмас. Кўпчилик бунинг сабаби фуқароларнинг давлатга ишонмасликларида деб изоҳламоқда – декларацияланган даромадлар кейин бирйўла олиб қўйилиши ҳам мумкин, деб ўйлашади. Бироқ бир қарорга келмаганлар учун ҳали вақт бор. Йил охирида шиддатли тарғибот ишларини олиб бориш мўлжалланмоқда. Шу сабабдан ҳам кўрсаткичларнинг ҳали ўсишига ишонса бўлади. Маълумки, кўпчилик охирги кунгача солиқ тўлашни чўзиб келади.

### САЙЁҲЛИК НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

**Озарбайжон солиқлар вазирлиги сайёҳлик объектлари фаолияти устидан солиқ назоратини кучайтиришни режалаштирмоқда.** Мазкур соҳа муваффақият билан ривожланмоқда, янги-янги сайёҳлик марказлари ва объектлари пайдо бўлмоқда. Бироқ вазирликда мазкур соҳа устидан солиқ назорати тизими яхши такомиллашмаган бўлиб, уни кучайтириш лозим деб ҳисоблашмоқда. Чунончи, кўпгина фирмалар уларга хизмат кўрсатиш давомида касса чеклари ва квитанцияларидан ҳали-ҳамон фойдаланаётганлари йўқ.

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

**Яқинда қабул қилинган «Қозоғистон Республикасининг коррупцияга қарши курашни такомиллаштириш масалалари бўйича баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун коррупция кўринишлари учун жавобгарликни кучайтиришга йўналтирилган.** У билан коррупциянинг олдини олувчи механизмлар жорий этилади.

Қонун лойиҳаси парламент олий палатасида кўриб чиқилаётганда унга сенаторлар бир қатор тузатишлар киритишган. Хусусан, жуда йирик миқдордаги пора берганлик, шунингдек уюшган гуруҳ ёхуд хизмат лавозимидан фойдаланган шахс томонидан бир неча бор содир этилган пораҳўрликда воситачилик қилганлик учун жазо чораларини кучайтириш таклиф қилинган.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***

KINEK Хизматлар лицензияланган
МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
БИЗНЕС-РЕЖА ВА ТИАларни ИШЛАБ ЧИҚИШ
PR_563
Тел. 132-00-24, 175-74-62
E-mail: info@kinek.uz, web: kinek.uz

Хизматлар лицензияланган
«ELIF HISOB» МЧЖ
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ
- БАРЧА ТУРДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
- КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ГАРОВ ТАЪМИНОТИ БИЛАН МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
- ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ УЧУН БАҲОЛАШ

Жойига чиқиш билан
Хизматлар нархи - ҳаммабоп
444-59-60, 181-06-55, 279-08-04
005_002

Хизматлар лицензияланган ва суғурталанган
"GLOBAL-AUDIT" АФ
БАРЧА ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
БЕПУЛ МАСЛАҲАТЛАР
СОАТ 11.00дан 13.00гача
Манзил: Муқимий кўч., 190,
Телефонлар: 278-56-12, 173-64-39, 188-29-34
E-mail: global-audit@mail.ru
Самарқанддаги филиал
тел.: 33-69-66, 31-07-66.

Хизматлар лицензияланган
Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази
ЎзР Молия вазирлиги тасдиқлаган дастурлар бўйича курслар
АУДИТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ - 200 соат.
АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ - 60 соат.
Халқаро сертификатлаштириш (САР) дастури доирасидаги курслар
МОЛИЯ ҲИСОБИ 1 - 100 000 сўм
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1 - 100 000 сўм
СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ - 100 000 сўм
АУДИТ - 100 000 сўм
"БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курслари - 40 соат. - 60 000 сўм
ЎУМнинг барча ўқитувчилари САР ҳамда ЎзР МВ сертификатлари соҳибидирлар
PR_681_07
Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
132-09-36, 133-86-41

«JUS-LEGIS»
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
қуйидагиларда адвокатлик ёрдамини таклиф этади:
- мулкчиликнинг барча шаклидаги, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш
- хорижий корхоналар ваколатхоналарини аккредитациялаш
- фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича судларда манфаатларингизни ҳимоя қилиш
- мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш
- шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш
- ҳуқуқий экспертиза, визалаш ва хулосалар бериш

Тел.: 267-96-72, 68-87-85, 267-37-51, 108-48-54, 168-02-16, 108-63-14, 103-50-15
Манзил: Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўч., 42
Хизматлар лицензияланган

PR_602
МОЛ-МУЛКНИ МУСТАҚИЛ БАҲОЛАШ
RM MIR
Хизматлар лицензияланган
RelMon - MIR
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ
Тел.: (371) 133-97-66, 185-11-36, 188-98-11
relmon-mir@mail.ru www.relmon.uz

«KITOB AUDIT» МЧЖ шаклидаги аудиторлик фирмаси
Барча турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.
8(375) 54-27041
Тошкент ш.: 775-45-50, 276-97-01, 100-06-11
Манзил: 180000, Қашқадарё вил., Китоб тумани, Генерал Жўрабек кўчаси, 2-уй
Хизматлар лицензияланган

"ҲИМОЯ"
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ
СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ
ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ
СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ
Хизматлар лицензияланган
pr44_030
НАТИЖАЛАРГА КЎРА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ
Тошкент: (371) 133-11-13, 188-43-13, 175-63-72
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

ZOONY UZ
"Пулни қадрлаган қадр топади"
"Bazarov-Biznes"
қуйидаги хизмат турларини тақдим этади:
- Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, хорижда ва Ўзбекистонда савдо ваколатхоналари ва уйларини очиш учун ҳужжатлар пакетини тайёрлаш
- Лицензиялар ва бошқа ҳужжатларни олишда шартномалар ишлаб чиқиш ва кўмаклашиш
- Матбаа хизматлари, матнлар териш ва таржима қилиш
- Кадрлар ва иш жойларини танлашда кўмаклашиш
- Товарлар ва ишлар (хизматлар) рекламасини жойлаштириш, www.zoony.uz ва www.zoony.biz бизнес-порталидаги промоушен

447-71-47, 267-59-96 E-mail: info@zoony.uz zoony@mail.ru


Хизматлар лицензияланган
25.02.2003 й.даги 12/681144365-001-сон суғурта полиси
«LEKSAN INFO»
АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ
- аудиторлик хизматлари
- бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш
- маслаҳатлар
- бизнес-режа тузиш
- Буюртмачи шартларига мослаб "1С" ўрнатиш

Тел.: (3712) 167-94-31, 167-94-32, 173-24-50

04_0018
JETRO
Japan External Trade Organization
Япония ускуналари
ДЖЕТРО ЎзР Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Япония ускуналарининг каталог бўйича кўргазмасини ўтказади.
Деярли барча тармоқлар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар каталоглари тақдим этилади.
Мазкур тадбир Тошкентда "ЎзАгроЭкспо" кўргазмаси доирасида 7-9 ноябрь кунлари ўтказилади.
Тошкентдаги алоқа боғлаш телефони 120-5591
Эл. манзил info@jetro.uz

ПУЛ ТАРИХИДАН

### САДАФ ВАЛЮТА

Чиройли денгиз чиғаноғи "каури" энг қадимий ва умри узоқ пул бирлиги ҳисобланади – улар ибтидоий даврлардан то долларлар давригача ҳақиқий тўлов воситаси сифатида етиб келди.

Қадим замонларда бу чиғаноқларни Ҳинд океанидан, Мальдив ва бошқа ороллар қирғоқлари яқинидан олар эдилар. Эрамиздан аввалги минг йилликлардан XX асрга қадар маҳаллий аҳоли кокос пальмаси баргларини сувга ташлар ва чиғаноқлар билан қопланиши биланоқ уларни олар эди.

Одамлар ана шундай тангалар ёрдамида озиқ-овқат ҳақини ва ҳатто солиқлар ва жарималарни тўлар эдилар. Асрлар давомида, ҳатто танга зарб этила бошлагандан кейин ҳам шу ҳол давом этди. Масалан, XX аср бошларида Ғарбий Африкадаги баъзи халқлар тўловни чиғаноқлар билан доналаб эмас, балки тизими билан тўлар эди. Қабилалардан бири тизимчага терилган 40 та чиғаноқдан энг кам тўлов бирлиги сифатида фойдаланиб келган.

Денгиз чиғаноқлари ҳозир ҳам қиммат баҳоланади, тўғри, уни энди савдогарлар эмас, балки тарихий буюмларни йиғувчилар қадрлашади. Ҳозир ҳам қадимий рус мозорларида, Германия ва Скандинавиядаги қабристонларда кўпинча каурилар топилади. Улар Украинанинг эрамиз бошларига оид қабристонларида ҳам бор.

### ҚАНЧА КАТТА БЎЛСА, ШУНЧА МАШҲУР

Мустақил тадқиқот натижалари бўйича дунёдаги энг машҳур банкнота қиймати 500 евролик қоғоз пулдир. 2005 йилда Европа марказий банки 500 евролик пулларни чиқаришни ҳатто деярли 2 баравар кўпайтиришга мажбур бўлди. Экспертлар қиймати катта қоғоз пуллар айланмасини биринчи навбатда жиноятчи гуруҳлар, шу жумладан наркотик сотувчилар қўллаб-қувватлайди, деган тахминга келишди. Чунки уларнинг барчаси ўз операцияларида айни нақд пулдан фойдаланишни афзал кўришади. Ҳозир евро долларга нисбатан етакчи ўринда тургани сабабли, ҳисоб-китоб қилишда уни афзал кўришади.

Маълум бўлишича, бундай пулларга оддий фуқаролар ҳам қизиқар эканлар. Кўп одамлар 500 евролик пулларни сақлашнинг улар учун қулайлигини айтишди. Улар одатда жамият назарида банк обрўси анча паст бўлган мамлакатларда яшайдилар. Машҳурликда иккинчи ўринда 50 евролик пул туради, 5 евролик пул айланмаси эса энг пастдир.

### СОХТА МИЛЛИАРД

Американинг Айдахо штатидаги Твин-Фоллс шаҳрида полиция банкка ҳар бирининг қиймати 1 миллион долларлик 999 та сохта қоғоз пулни қўймоқчи бўлган одамни ушлади. Исми айтилмаган ушбу товламачи бу пулларни гаровга қўйиб, банкдан кредит олмоқчи бўлган. Маълумки, номинали 1 млн АҚШ доллари бўлган қоғоз пул ҳеч қачон чиқарилмаган. Экспертлар унинг сифатини анча юқори баҳолаб, сохта миллионлар Буюк Британия, Канада ёки Нигерияда тайёрланган, сифати жуда яхши, деган дастлабки хулосага келишди. ФТБ ва Қўшма Штатларнинг бошқа махфий хизматлари ҳам терговга жалб этилди.

*Хорижий матбуот саҳифаларидан.*

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Қарор рақами | Санаси |
|---|---|---|---|
| "АКА АУДИТ ЛТД" КК | 202091775 | 10-0721/9765т | 21.08.07 |
| "ГЛОБАЛ ТРЕЙДИНГ КОМПАНИ" ШК | 200525622 | 10-0721/9762т | 21.08.07 |
| "PETROL SERVICE" КК | 202765330 | 10-0712/9859 | 27.08.07 |
| "БАЛТ-АЗИЯ" КК | 201889200 | 10-0712/11101 | 17.09.07 |
| "БИОМЕД ЛТД" КК | 202156756 | 10-0704/11338 | 17.09.07 |
| "FORTUNA DUBL" ШК | 202218259 | 10-0704/11337 | 17.09.07 |
| "AUDIT-INSOF" АФ | 204393065 | 10-0705/9901 | 21.08.07 |
| "DARBENT AUDIT" АФ | 205260934 | 10-0712/11104 | 17.09.07 |
| "АУДИТ ПАРТНЕР" АФ | 202156660 | 10-0704/11333 | 17.09.07 |
| "OZOD-AUDIT" АФ | 204708224 | 10-0704/11334 | 17.09.07 |

Мазкур хорижий сармояли корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари ҳамда давлат архивига топширилиши лозим бўлган барча ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар даъволари эълон берилган кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Рахматуллин кўчаси, 314-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 162-20-23, 132-00-97.

СОЛИҚ БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ
РЕКЛАМА
144-02-01
144-02-40

ISO 9001:2000

# Жойига чиқиш билан “МУЛОҚОТ ДОИРАСИ” тариф режасига улаш!

**COSCOM компанияси “VIP TAXI” билан ҳамкорликда
Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига
“VIP TAXI” орқали буюртма бериб
“МУЛОҚОТ ДОИРАСИ”
тариф режасига уланиш имкониятини беради.**

**Шунингдек ҳисобрақамни тўлдириш учун
Умумий Тўлов Картаси
етказиб берилади.**

**Тел.: 169-33-33, 169-66-08**

**Хизматлар қиймати “VIP TAXI” тарифларига мувофиқ белгиланади**




**БИЗ БИЛАН БЎЛИНГ!**

COSCOM

www.coscom.uz

Хизматлар лицензияланган
(ЎзАAA берган AA 0001818-сон лицензия)

**Компьютеры** HP Compaq dc5700 D945-3.4 4mb/1Gb/80Gb/DVD/ XP
**Мониторы 17" и 19"** Samsung 793DF, 710N, 940N LCD, Philips 170C6FS
**Принтеры** Canon LBP 2900, HP LJ 1018, P2015d, HP LJ 1600 **color**
**Фотокамеры HP photosmart** E337/R837/967. **Картриджи**
**Фотопринтеры HP DJ1460. Сканеры** HP SJ2400, 3800 photo
**Копиры и многофункц. машины:** Canon iR2015J(A3), MF 3228, HP LJ M1005
**Факсы** Panasonic KX-FT932/934/938CA-B. **Картриджи**
ЧП «KM SUBSYSTEMS» ул. К.Ярматова, 14, 2-й этаж
Тел.: 2457176, 2459444, 1449916. Тел./факс 1449916 E-mail: kmj@sarkor.uz
PR_041_07

Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия хисобини автоматлаштириш бўйича янги тизим
TS_БУХГАЛТЕРИЯ - БЮДЖЕТ
Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ҳисобни бюджет ва махсус ҳисобварақлар бўйича юритиш
285-шакл - айланмалар қайдномаси;
292-шакл - жорий ҳисобварақлар ва ҳисоб-китоблар дафтари;
294-шакл - касса ва ҳақиқий харажатлар дафтари;
296-шакл - товар-моддий бойликларнинг сони ва миқдори ҳисобини юритиш дафтари;
308-шакл - бош журнал дафтарини, шунингдек ОХ-1, ОХ-2, РЖ-2 ҳисоб-китобларни
чоп этишни автоматик тайёрлайди.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича комплекс дастур
TS_БУХГАЛТЕРИЯ
Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ишлаб чиқариш
Савдо
Хизматлар
Ташкилий техника ва компьютерларга хизмат кўрсатиш, картрижларни тўлдириш
Тел./факс (371) 246-91-90
"TETRASOFT" ИИЧФ
Тел.: 127-29-00, 301-51-64
E-mail: tetrasoft@sarkor.uz

1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8 АВТОМАТИК БОШҚАРУВ ВА ҲИСОБ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ
ДИҚҚАТ!
1С:ФРАНЧАЙЗИНГ
www.v8.1c.ru
TELEPORT
7.7 ва 8.1 лицензион версиялари локал ва тармоқ ечимлари
"TELEPORT" МЧЖ компанияси
"1С" фирмасининг "1С:Предприятие" дастурий маҳсулотлари асосида ҳисоб ва бошқарув функцияларини автоматлаштирувчи "АС: 1С" тизимлари ва мажмуаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, жорий этиш, ўқитиш ва кузатиш хизматларини кўрсатувчи замонавий бозорни шакллантириш мақсадида таъсис этган WWW.1C.UZ тижорат сайтидан саноатда фойдаланилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Барча жисмоний ва юридик шахсларни ўзларининг бир марталик, даврий ёки доимий хабарларини эълон қилишда фаол қатнашишга, шунингдек алоҳида саҳифалар ёки ўз сайтларини очишга таклиф қиламиз.
Буюртманомалар ёки юзага келган саволлар билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
• телефонлар: 137-49-20, 137-49-21, 137-10-91, 137-10-63, 137-11-56
• ёхуд қуйидаги манзилдаги офисимизга ташриф буюринг: Пушкин кўч., 59 ("Ҳамид Олимжон" метро бекати), "Ранглиметаллойиҳа" биноси, ўнг томондаги лифт, 4-қават, 414-хона
• ёки e-mail:teleport@1c.uz; teleport@globalnet.uz
Бозорда 13 йил АМАЛИЙ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР МАЖМУИНИ КЎРСАТИШ
pr_275_07

BEKASPLUS.BIZ
PROGRAMMING GROUP
1С:ФРАНЧАЙЗИНГ
"BEKAS PLUS" МЧЖ
Сиз ҳали ҳам XX асрдамисиз?
XXI асрга хуш келибсиз!
Ўзбекистонда бизнесни автоматлаштиришнинг янги босқичи
1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8.1
(рус ва ўзбек тилларида ишлаш имконияти)
Бугунги кундаёқ фаолиятнинг исталган соҳасини МАҚБУЛ нарх бўйича автоматлаштириш
pr_228_07
Манзил: Фетисов кўч., 1/1
E-mail:bekasplus@mail.ru
Тел.: 291-60-63, 168-58-99

1С: Предприятие дастурлар тизими
Корхоналарни автоматлаштириш
1С МОС КЕЛАДИ!
Сифат сертификати
Янги Ҳисобварақлар режаси
Бухгалтерия ҳисоби
Омбор ҳисоби
Иш ҳақи ҳисоб-китоби
GAAPга созлаш
Халқлар дўстлиги кўч., 42-уй, 206-хона. Тел. 173-24-37, 127-37-79 E-mail: plussoft@uzpak.uz
1С:Франчайзинг "PLUS SOFT" plus soft

Хизматлар лицензияланган
ALFAKOM ўқув маркази
"Замонавий бухгалтер" курсига сизни таклиф қилади
Курс уч қисмдан иборат:
1-қисм: Бухгалтерия ҳисоби
2-қисм: Бухгалтер учун компьютер
3-қисм: 1С:Бухгалтерия 7.7 дастури билан ишлаш
Буларнинг барчаси ўқишни тугатишингиз билан амалда иш бошлашингизга имкон беради. Бунга далилларнинг ўзлари гувоҳ: тингловчиларнинг 70% дан ортиғи Марказнинг нуфузли гувоҳномасини олиб, эгаллаган билимларининг долзарблигини ишда баҳолай олган дўстлари, танишлари ёки ҳамкасбларининг тавсиялари бўйича ўқишга ёзиладилар.
Тошкент ш., Афросиёб кўч., 2
2-қават
(БАРАКАТ марказ)
мўлжал: "Космонавтлар" метроси, "Марварид" дўкони
тел: 152-25-75, 152-21-65

1С: Франчайзинг
ТЕХNЕТ ИИЧК қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- Дастурий махсулотларни сотиш
- Етказиб бериш
- Ўрнатиш
- Созлаш
- Жорий этиш
- Ўқитиш
Қуйидагиларни комплекс конфигурациялаш:
- Бухгалтерия ҳисоби
- Омбор ҳисоби
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Янги Ҳисобварақлар режаси
- Солиқларнинг автоматик ҳисоб-китоби
- Ташқи ва ички ҳисоботлар
100000, Тошкент ш., Пушкин кўч., 22 www.texnet.uz
132 14 41, 401 05 85, 344 55 90

1С: ПРЕДПРИЯТИЕ
infotech plus
1С ФИРМАСИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
ЭНДИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲАМ!
Бюджет ва хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг бухгалтерия, иш ҳақи ва омбор ҳисобини тўла автоматлаштириш.
ЎРНАТИШ*КУЗАТИШ*ЎҚИТИШ
Наманган шаҳар, У.Носир кўчаси, 7-уй.
www.1c.ifoda.com Тел.: (+998 69) 226-15-63, 270-13-13

1С:ПРЕДПРИЯТИЕ
Базавий версиялар
Стандарт ва малака версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар
- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1С фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш
- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва ҳисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар
1С:ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»
Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш
173-95-95, 173-30-18, 186-30-18, 173-97-12, 278-97-41
Манзил: Тошкент ш., Қатортол кўч., 60, 705-хона

РЕКЛАМА
СОЛИҚ БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ
144-02-01
144-02-40

## • РЎЙХАТЛАР

**Навоий вилояти хўжалик судининг 2007 йил 5 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Қизилтепа туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Қарор рақами |
|---|---|---|
| "Ўртачўл-2000" ФХ | 203461044 | 21-07-05/4364-Б |
| "Лазер" ИЧСФ | 202162021 | 21-07-06/4416-Б |
| "Коинот-2000" ИЧСФ | 202889889 | 21-07-06/4406-Б |
| "Мохинисо" ИЧСФ | 203511804 | 21-07-06/4415-Б |
| "Кимёсаноатмоллари" ХК | 203303968 | 21-07-06/4417-Б |
| "Файз" ИЧСФ | 201552810 | 21-07-06/4417-Б |
| "Мустақиллик-2000" ИЧСФ | 203013324 | 21-07-06/4417-Б |
| "Алимуҳаммад" ХКК | 201143045 | 21-07-06/4410-Б |
| "Улуғбек Қудратов" ИЧСФ | 205565546 | 21-07-06/4419-Б |
| "Юксалиш Пахтаобод" ИЧСФ | 204677486 | 21-07-06/4414-Б |
| "Ҳур Ўзбекистон" ХК | 204569485 | 21-07-06/4409-Б |
| "Рамзиддин" ФХ | 203064539 | 21-07-06/4420-Б |
| "Ибн Шифо" ХК | 203996161 | 21-07-05/4390-Б |
| "Само Гавҳари" ИЧСФ | 204866299 | 21-07-05/4399-Б |
| "Гўштсутсавдохарид" ЖК | 203082041 | 21-07-05/4398-Б |
| "Ширин-2000" ХФ | 203417707 | 21-07-05/4395-Б |
| "Вангози" ФХ | 203047431 | 21-07-05/4378-Б |
| "Сарбозор" ИЧСФ | 200016203 | 21-07-05/4397-Б |
| "Муҳаммад" ФХ | 202056058 | 21-07-05/4383-Б |
| "Абдуллобобо" ИЧСФ | 203021765 | 21-07-05/4391-Б |
| "Беҳзод" ФХ | 203266096 | 21-07-05/4371-Б |
| "Норбобо" ФХ | 203305126 | 21-07-05/4369-Б |
| "Тойир ота" ФХ | 203054147 | 21-07-05/4389-Б |
| "Русланжон" ФХ | 203042526 | 21-07-05/4375-Б |
| "Зулфиқоров Тошпўлат" ФХ | 204637890 | 21-07-05/4404-Б |
| "Умуробод" ФХ | 202808007 | 21-07-05/4368-Б |
| "Ҳусниддин" ФХ | 203017721 | 21-07-05/4376-Б |
| "Эхсон" КТФ | 202609475 | 21-07-05/4412-Б |
| | *** | |
| "Қурувчи Полимер" МЧЖ | 203717135 | 21-07-05/4394 |
| "Шамси Ўринбой" ФХ | 204642783 | 21-07-05/4405 |
| "Тошпўлат" ФХ | 203481313 | 21-07-05/4400 |
| "Навоий Қудратбобо" ФХ | 203801618 | 21-07-05/4374 |
| "Фозилбобо" ФХ | 203497079 | 21-07-05/4372 |
| "Лочинбек" ДХ | 203724720 | 21-07-05/4380 |
| "Умид-2000" ФХ | 203459006 | 21-07-05/4393 |
| "Шахриддин-2001" ФХ | 203761336 | 21-07-05/4367 |
| "Қудратли Мансуржон" ФХ | 204637962 | 21-07-05/4370 |
| "Саъдуллаев Отабек" ФХ | 204637796 | 21-07-05/4392 |
| "Ширинобод-2002" ФХ | 204013229 | 21-07-05/4365 |
| "Абдусамат" ФХ | 203387183 | 21-07-05/4377 |
| "Тонг" ФХ | 203320204 | 21-07-05/4373 |
| "Майк Плюс" ИЧСФ | 205242670 | 21-07-06/4408 |
| "Ветсервис" ШК | 203295773 | 21-07-06/4407 |
| "Сардорбек-У" ИЧСФ | 201893592 | 21-07-06/4418 |
| "Олтин водий-2000" ИЧСФ | 203076619 | 21-07-05/4366 |
| "Гайбулло Хошим" ФХ | 203829605 | 21-07-05/4381 |
| "Деҳқонбобо ҳосили" ФХ | 204637954 | 21-07-05/4384 |
| "Илёсжон" ФХ | 203473608 | 21-07-05/4385 |
| "Ахмад ота" ФХ | 203518184 | 21-07-05/4386 |
| "Маъруф" ФХ | 203126104 | 21-07-05/4387 |
| "Толибжон келажаги" ФХ | 204640533 | 21-07-05/4388 |
| "Латиф ота" ФХ | 203458933 | 21-07-05/4363 |
| "Хуросон" ФХ | 202780654 | 21-07-05/4362 |
| "Алишер-98" ИЧСФ | 202701354 | 21-07-05/4369 |
| "Тавоис" ФХ | 202974808 | 21-07-05/4382 |
| "Барлок" ФХ | 204157516 | 21-07-05/4379 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Қизилтепа туман ДСИ ходимлари Р.Орзиев, М.Тоиров ва Х.Ахтамов тайинланган. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида тугатиш бошқарувчилари томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, Қизилтепа туман ДСИ биноси, 2-қават, 207-211 хона. Тел.: 555-33-08, 555-26-93. Кредиторларнинг йиғилиши 2007 йил 30 октябрь соат 11.00 да Қизилтепа туман ДСИ мажлислар залида бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 17 сентябрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги "МИЗАН" ҚК (СТИР 201118709) ҳамда "Maraton UZ Co" ҚК (СТИР 201957875) тугатилган. Ушбу корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари ҳамда архивга топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхоналар Собир Раҳимов туман ДСИдан рўйхатдан ўтган. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй. Тел. 248-68-10.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 16 октябрдаги қарорларига асосан Бектемир туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "HOJI AKA BIZNES" XK | 10-0705/12596 |
| "AGRO TA'MIR SOZ SERVIS" MCHJ | 10-0705/12597 |
| "FARAZ-SERVIS" MCHJ | 10-0705/12598 |
| "TABOAN" XK | 10-0705/12599 |

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар даъволарини тақдим этиш учун эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат тайинланган. Кредиторлар даъволари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Х.Бойқаро кўч., 2-уй. Тел. 195-02-80.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 8 октябрдаги 10-0712/13346-сонли ажримига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "АЗИЯ ЧЕМ" ҚКни банкрот деб эътироф этишга иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 15 ноябрь соат 15.00 да Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2007 йил 26 ноябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик судининг 4-суд мажлиси залида кўрилади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 15 октябрдаги 10-0615/13499-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "Texno Kelajak Lyuks" МЧЖни банкрот деб эътироф этишга оид ишлар юритилмоқда. Муваққат бошқарувчи этиб Чилонзор туман ДСИ ходими Т.Хайрутдинов тайинланди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 30 октябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Банкротлик иши 2007 йил 9 ноябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида бўлиб ўтади.

**Қурилиш, тадқиқ этиш ва кадастр ташкилотларига таклиф этамиз:**



- қурилиш учун ўлчов асбоблари;
- назорат ва техник диагностикани бузмайдиган асбоб ва ускуналар;
- оптик нивелирлар ва теодолитлар, рақамли ва лазерли нивелирлар;
- фибергласли ва металл рулеткалар (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопли нивелир рейкалар;
- электрон теодолитлар, акс эттирмайдиган дальномерлар, GPS/ГЛОНАСС-приёмниклар, электрон тахеометрлар, шахсий ҳамда GARMIN автонавигаторлари.

Тўловни кечиктирган холда божхонадан ўтказилган ва сертификатланган GPS приёмниклар мажмуини таклиф этамиз.



Кредитга берилиши мумкин

**Навоий кўч., 2а, Тел. 142-46-31, 142-53-69. Факс 134-53-68. E-mail:geo_inform@yahoo.com**

товарлар сертификатланган хизматлар лицензияланган СКБ СТРОЙПРИБОР SOUTH Trimble B.V.(Нидерландия)




**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 7 октябрдаги ажримларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси | қарор ва рақами | ОКПО | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "ALEK-INVEST" ХК | 205697231 | 30.05.05 | 000973-03 | 20293292 | 10-0720/12904 |
| "ALEKSEY OMAD" МЧЖ | 206396907 | 13.04.06 | 001456-03 | 20965691 | 10-0720/12905 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Д.Норбаев тайинланган. Кредиторларнинг йиғилиши 2007 йил 29 октябрь соат 11.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент ш., Миробод туман ДСИ биноси, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона. Банкротлик иши 2007 йил 23 ноябрь соат 11.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси К.Хамраев томонидан Миробод туман ДСИ биносида кўрилади.

***

Тошкент вилоят хўжалик судининг 2007 йил 22 октябрдаги 11-0706/9799-сонли ажримига асосан Зангиота туманидаги "INTERER BIZNES" МЧЖ банкрот деб эътироф этилди. Ушбу корхона бўйича ташқи бошқарувчи этиб Ш.Латипов тайинланди.

Мазкур корхонага алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Зангиота тумани, Эшонгузар К.Ф.Й., Охунбобоев кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси. Тел. 170-70-31.

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 10 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "Tahtapul Markazi" ХК | 10-0705/12233 |
| "Olmos Biznes Savdo" ХК | 10-0705/12235 |
| "Sulton Savdo" МЧЖ | 10-0705/12232 |
| "Ruhsora Kapital" МЧЖ | 10-0705/12236 |
| "Ko'hinur Biznes" МЧЖ | 10-0705/12234 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходимлари Д.Ишметов ва А.Қодиров тайинланган. Корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 1 ой ҳамда 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 700011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 9 октябрдаги ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб топиш бўйича иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "NUR-BIBHONIM" ШК | 10-0711/13229 |
| "LEDO-FOOD-BURGER" ХК | 10-0711/13229 |
| "PHARAON BIZNES" МЧЖ | 10-0711/13232 |
| "Акмал Икромов Мевасабзавот тайёрловсавдо" ШК | 10-0711/13225 |
| "Тўлқин Транс" ХК | 10-0711/13224 |
| "Ижара корхонаси - 11" | 10-0711/13223 |
| "Тезда" ИЧКФ | 10-0711/13222 |
| "EKO Print" МЧЖ | 10-0711/13221 |
| "HASTEN" МЧЖ | 10-0711/13227 |
| "Кафолат – темир алюмин савдо" МЧЖ | 10-0711/13228 |

Мазкур корхоналар бўйича кредиторлар 1-йиғилиши 2007 йил 23 октябрь соат 10.30 да Чилонзор туман ДСИ биносида ўтказилади. Тугатув бошқарувчиси этиб Т.Хайрутдинов тайинланган. Корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел. 276-98-15.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 25 сентябрдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "LIGNTS THERMAL STORY" МЧЖ | 10-0720/11565 |
| "OAZIS QURILISH" МЧЖ | 10-0720/11566 |
| "MUZTA'MIR" ХК | 10-0720/11567 |
| "ATX STORY KOM SERVIS" МЧЖ | 10-0720/11568 |
| "TORNADO-BIZNES" ХФ | 10-0720/11569 |
| "GEORGEN PLYUS" МЧЖ | 10-0720/11570 |
| "AREV GROUP KAPITAL" МЧЖ | 10-0720/11571 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани ҳокимияти, 32-34-хонада қабул қилинади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 9 октябрдаги 10-0711/13230-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "Max-Mur-Biznes-Plus" МЧЖ ҳамда 10-0711/13226-сонли ажримига асосан "Fine Prestol Soft" МЧЖни банкрот деб эътироф этишга оид ишлар юритилмоқда. Муваққат бошқарувчи этиб Чилонзор туман ДСИ ходими Т.Хайрутдинов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 31 октябрь соат 10.00 да ("Max-Mur-Biznes-Plus" МЧЖ бўйича) ва 10.30 да ("Fine Prestol Soft" МЧЖ бўйича) Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Банкротлик иши 2007 йил 5 ноябрь соат 16.15 да ("Max-Mur-Biznes-Plus" МЧЖ бўйича) ва 17.05 да ("Fine Prestol Soft" МЧЖ бўйича) Чилонзор туман ДСИ биносида сайёр суд тарқасида бўлиб ўтади.

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

**МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда**

***30 дан зиёд офис ва 300 агент***

- ***транспортнинг барча турларида юк ташиш***
- ***юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш***
- ***импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви***

BVQI UKAS Компания года

**Тел.: 132-23-31, 132-24-12. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ **"Norma Hamkor" МЧЖ**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

1 2 3 4 5

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди (Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41). Буюртма Г-963. Адади 7370. Баҳоси келишилган нархда

*Газета 2007 йил 25 октябрда соат 21.15 да топширилди.*